

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

6-сон
(350)
2009 йил
9 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

51. «Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарори
52. «Корпоратив бошқарув марказини жойлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 февралдаги 32-сон қарори
53. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида» 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 февралдаги 33-сон қарори

Тўртинчи бўлим

54. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2009 йил 5 февралдаги қарори

Бешинчи бўлим

55. «Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1892*)
56. «Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 29 декабрдаги 6, 62-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1893*)
57. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894*)
58. «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/17, 1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 703-2*)
59. «Инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги-

нинг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/18, 2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 840-2*)

60. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2009-03, 290-В-1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-1*)
61. «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895*)
62. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 29 декабрдаги 17-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1896*)
63. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 29 декабрдаги 18, 2008-46-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1079-2*)
64. «Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил

28 январдаги 10, 63, 2009-2-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1897*)

65. «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46, 121-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898*)
66. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2009-41-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899*)
67. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 4 январдаги 2-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1900*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 31 январдан 6 февралгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

51 Давлат активларини сотиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат активларини биржа савдоларида ва биржадан ташқари савдоларда сотиш механизмларини, давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушумларни ҳисобга олиш ва маблағларни тақсимлаш тартибини янада такомиллаштириш, шунингдек инвесторларнинг қабул қилинган мажбуриятлар бажарилиши юзасидан масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Давлат активларини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Давлат активларини биржадан ташқари савдоларда сотиш, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари билан сотиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Давлат активларининг олди-сотди шартномалари шартларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштиришдан тушумларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва маблағлардан фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4 Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 29 январь,
27-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат активларини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат активларини биржа савдоларига қўйиш ва сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат активлари — корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар), ер участкалари ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулклар;

биржа — «Тошкент» Республика фонд биржаси ёки Республика кўчмас мулк биржаси;

биржа савдолари — биржа савдоси қоидаларига мувофиқ биржа томонидан ташкил этиладиган давлат активлари савдолари;

лот — давлат активларини савдоларга қўйишда сотувчи томонидан белгиланадиган уларнинг ўлчов бирлиги;

сотувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси;

сотувчининг (харидорнинг) воситачиси — биржада сотувчи ёки харидор номидан битишувлар тузиш ҳуқуқига эга бўлган биржа аъзоси;

харидор — қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат активларини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ёки норезидентлари);

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар, иммунитетдан ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган ваколатхоналари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — Ўзбекистон Республикаси резиденти тушунчасига кирмайдиган шахслар;

ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти — давлат активларини сотиш бўйича савдоларга ҳисоб-китоб-клиринг хизматини амалга оширувчи ихтисослаштирилган ташкилот;

биржа битишуви — биржа томонидан савдонинг қайд этилган нати-

жаси бўйича тузилган давлат активларининг биржа томонидан рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси;

бошланғич нарх — давлат активини биржа савдоларига қўйиш учун унинг сотувчи томонидан белгиланган нархи;

баланс сақловчи — балансида ёки устав фондида сотиладиган давлат активи турган юридик шахс.

II. Давлат активларини савдоларга қўйиш тартиби

3. Давлат активларининг рўйхати ва уларни биржа савдоларига (кейинги ўринларда савдолар деб аталади) қўйиш муддатлари, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, сотувчи томонидан белгиланади.

4. Сотувчи белгиланган тартибда савдоларга қўйиладиган давлат активлари тўғрисидаги ахборотни очиш, харидорлар қидириш ва улар учун сотилиши назарда тутилган давлат активи билан олдиндан танишиш учун шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади.

5. Давлат активларини савдоларга қўйиш сотувчининг тасарруф этувчи ҳужжати (бўйруғи, фармойиши ёки топшириқномаси) асосида ва сотувчи билан тузилган шартнома-топшириқномага мувофиқ сотувчининг воситачиси томонидан амалга оширилади.

6. Сотувчи ва сотувчининг воситачиси ўртасидаги шартномада қуйидагилар бўлиши керак:

томонларнинг реквизи́тлари, шартноманинг тузилган санаси ва жойи; шартнома предмети;

сотувчининг мажбуриятлари;

воситачининг мажбуриятлари;

воситачининг хизматлари учун ҳақ миқдори;

ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

низоларни ҳал этиш тартиби;

томонларнинг шартномани бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қоидалар.

7. Давлат активларини савдоларга қўйиш ва сотиш лотлар билан амалга оширилади. Лот миқдори сотувчи томонидан белгиланади.

8. Кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар) объектларини савдоларга қўйиш улар жойлашган ер участкаларини ажратиш бўйича тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлганда ва ёндош ҳудуд мавжуд бўлганда амалга оширилади.

9. Давлат активлари савдоларга Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида қўйилади. Савдоларга қўйиладиган давлат активининг бошланғич нархи унинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида белгиланган тартибда аниқланган баҳолаш қийматидан паст бўлиши мумкин эмас.

10. Давлат активларини савдолардан чиқариш навбатдаги савдо сессия-

си бошлангунгача, сотувчининг ёзма топшириғига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Савдоларда турган давлат активлари қайта баҳоланмайди.

11. Илгари савдолардан чиқарилган ёки тузилган олди-сотди шартномаларининг бекор қилиниши муносабати билан давлат активларини савдоларга такроран қўйиш:

давлат активлари савдолардан чиқарилган ёки шартнома бекор қилинган санадан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддатда такрорий савдоларни ўтказишда — савдодан чиқарилган ёки шартнома тузилган санада шакллантирилган нарх бўйича;

давлат активлари савдолардан чиқарилган ёки шартнома бекор қилинган санадан бошлаб бир йилдан ортиқ муддатда такрорий савдоларни ўтказишда — уларнинг қиймати қайта баҳолангандан кейин амалга оширилади.

III. Савдоларга қўйиладиган давлат активлари тўғрисидаги ахборотни очиш

12. Сотувчи ушбу Низомнинг 3-бандига мувофиқ сотилиши назарда тутилган давлат активлари рўйхатларини, шунингдек улар тўғрисидаги зарур маълумотларни умумий фойдаланиладиган оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида ва ихтисослаштирилган нашрларда мунтазам равишда эълон қилади.

13. Сотувчи ёки унинг топшириғи бўйича сотувчининг воситачиси савдолар ўтказилишидан камида ўттиз кун олдин оммавий ахборот воситаларида давлат активини савдоларга қўйиш тўғрисидаги эълонни чоп этади. Эълон Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида кенг тарқатиш учун мўлжалланган, икки минг нусхадан ортиқ миқдорда нашр этиладиган камида иккита даврий матбуот нашрларида, шунингдек сотувчининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида чоп этилади.

14. Давлат активларини савдоларга қўйиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

савдоларни ўтказётган биржанинг номи ва савдоларни ўтказиш саноиси;

баланс сақловчининг номи ва почта манзили;

савдоларга қўйиладиган давлат активининг номи, миқдори ва бошланғич нархи;

давлат активининг тавсифи;

савдоларга қўйиладиган давлат активи тўғрисидаги бошқа маълумотлар.

15. Давлат активларини савдоларга такрорий қўйишда ахборотни очиш ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

IV. Маблағларни депозитга қўйиш тартиби

16. Давлат активларини миллий валютага сотиб олиш учун харидор (унинг вакили ёки воситачиси) савдолар бошлангунгача пул маблағларини

давлат активларини сақлашга қўйиш санасидаги нархнинг камида ўн беш фоизи миқдорида ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотида депозитга қўйиши шарт. Пул маблағлари давлат активининг ва воситачининг номини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда депозитга қўйилиши мумкин.

Пул маблағлари харидорнинг воситачисини кўрсатмасдан депозитга қўйилган тақдирда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотига шартнома-топшириқноманинг нусхаси тақдим этилади.

17. Давлат активларини эркин алмаштириладиган валютага сотиб олиш учун харидорлар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари сотувчининг ҳисоб рақамига депозитга қўйиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаб чиқилган давлат активларини давлат активининг ва воситачининг номи кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда депозитга қўйилган нархнинг камида ўн беш фоизи миқдорида эркин алмаштириладиган валютада маблағлар ўтказади.

Пул маблағлари харидорнинг воситачиси кўрсатилмасдан депозитга қўйилган тақдирда сотувчига шартнома-топшириқноманинг нусхаси тақдим этилади.

18. Депозитга қўйилган маблағлар ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи томонидан харидорнинг ёки унинг ишончли шахсининг ёзма ариза-сига биноан у олинган кундан бошлаб беш банк куни мобайнида депозитга қўйилган валютада қайтарилади.

19. Савдо ғолибига депозитга қўйилган маблағлар сотиб олинган давлат активи учун тўлов ҳисобига ўтказилади.

V. Давлат активлари билан биржа битишувларини амалга ошириш тартиби

20. Битишувлар биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Давлат активларини савдоларда Ўзбекистон Республикаси резидентларига сотиш Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

22. Харидорлар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари давлат активларини эркин алмаштириладиган валютага ёки Ўзбекистон Республикаси миллий валютасига сотиб олишлари мумкин.

Давлат активларини эркин алмаштириладиган валютага сотиб олишда харидор — Ўзбекистон Республикаси норезиденти билан унинг воситачиси ўртасида тузиладиган шартнома-топшириқномада харидорнинг давлат активлари қийматини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш ҳамда воситачи, биржа ва депозитарий хизматлари тўловини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўлаш бўйича мажбуриятлари назарда тутилган бўлиши керак.

23. Харидорлар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ўзларининг ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларидаги ва «Халқ истеъмоли товарларининг кўرғазма-ярмарка савдоси республика маркази» ёпиқ акциядорлик

жамиятидаги, давлат активларини сотиб олиш учун республиканинг ваколатли банкларида очилган хорижий банкларнинг «лоро» воситачилик ҳисоб рақамларидаги махсус ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган миллий валютадаги маблағлардан фойдаланиши мумкин.

24. Ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти биржа савдоси қоидаларида белгиланган муддатда, харидорнинг воситачисини кўрсатган ҳолда депозитга қўйилган пул маблағлари тўғрисидаги маълумотномани тузади ва биржага жўнатади.

25. Сотувчи биржага ва ўзининг воситачисига эркин алмаштириладиган валютада депозитга қўйилган пул маблағлари ёки тўловчини ва харидорнинг воситачисини кўрсатган ҳолда, уларнинг чиқариб олинганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномани:

депозитга қўйилган маблағлар тушган кундан бошлаб кечи билан икки банк кунидан иборат муддатда;

уларнинг чиқариб олиш тўғрисидаги ариза олинган кунда жўнатади.

26. Биржа савдоси қоидаларига мувофиқ савдоларга қўйилаётган давлат активлари тўғрисидаги зарур маълумотлар биржага:

акциялар бўйича — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси (кейинги ўринларда Марказий депозитарий деб аталади) маълумотлари асосида ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти томонидан;

колган бошқа давлат активлари бўйича — сотувчининг воситачиси томонидан тақдим этилади.

27. Савдога қўйилган давлат активлари йигирма биринчи савдо сессиясидан бошлаб йигирма савдо сессиялари мобайнида сотилмаган тақдирда давлат активлари нархни қадамба-қадам пасайтириш механизми қўлланган ҳолда сотилади.

28. Нархни қадамба-қадам пасайтириш механизмидан фойдаланилган тақдирда савдоларга қўйилган давлат активлари нархи йигирма биринчи сессиядан бошлаб кейинги ҳар қайси савдо сессияси учун қўйишдаги бошланғич нархнинг икки фоизига пасайтирилади, лекин у:

акциядорлик жамиятлари акциялари ва масъулияти чекланган жамиятлардаги улушлар учун — номинал қийматдан;

кўчмас мулк (бинолар, иншоотлар) объектлари ва мол-мулк учун — баҳолаш санасидаги қолдиқ баланс қийматидан;

баланс сақловчининг балансида акс эттирилган қурилиши тугалланмаган объектлар қийматидан паст бўлмаслиги керак.

29. Қолдиқ баланс қийматига эга бўлмаган давлат активларининг савдога қўйиш нархи уларнинг баҳолаш санасидаги тиклаш баланс қийматининг ўн фоизи даражасигача пасайтирилиши мумкин.

30. Сотилаётган давлат активини қўйишнинг бошланғич нархи ва сотишнинг йўл қўйиладиган энг кам нархи сотувчи томонидан давлат активини савдоларга қўйиш юзасидан кўрсатма ҳужжатида (буйруқ, фармойиш ёки топшириқномада) кўрсатилади.

31. Давлат активларини савдоларга қўйиш нархини пасайтиришнинг охириги қадами ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ нархнинг йўл қўйила-

диган энг кам даражасига эришиш учун икки фоиздан кам миқдорда белгиланади.

32. Савдолар давомида икки ва ундан ортиқ харидор корхонани, объектни (улушни, мол-мулкни) шаклланган нарх бўйича сотиб олиш учун буюртма-нома берган тақдирда биржа савдолари қоидаларида белгиланган ошириш қадами билан кимошди савдоси тартиби қўлланади, лекин у савдога қўйиш жорий баҳосининг 2 фоиздан паст бўлмаслиги керак. Энг юқори нарх таклиф этган харидор савдолар ғолиби деб эълон қилинади.

33. Савдоларга қўйилган давлат активлари ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ нархнинг йўл қўйиладиган энг кам даражасига эришилгандан кейин уч ой мобайнида сотилмаган тақдирда сотувчи Тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссиясига кўриб чиқиш учун давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда мазкур давлат активларини уларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бериш масаласини киритади.

34. Биржа битишувларини рўйхатдан ўтказиш битишувни тузиш кунида биржа томонидан амалга оширилади.

Акциялар тарзидаги давлат активлари миллий валютага сотилган тақдирда битишувни савдолар натижалари тўғрисидаги шартнома кучига эга бўлган протоколни имзолаш йўли билан расмийлаштиришга йўл қўйилади.

35. Биржа битишуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин харидор битишувнинг барча суммасини, шунингдек савдоларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг воситачилик хизматлари қийматини:

биржа савдолари қоидаларида белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотидagi махсус ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш йўли билан (ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилган тақдирда);

маблағларни сотувчининг махсус ҳисоб-китоб рақамларига биржа битишуви рўйхатдан ўтказилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича, олди-сотди шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказиш йўли билан (ўзаро ҳисоб-китоблар эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилган тақдирда) тўлаши шарт.

36. Ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валютада амалга оширилган тақдирда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти битишув бўйича маблағларнинг тўлиқ суммаси тушгандан кейин:

клиринг операциясини амалга оширади;

битишув суммасини сотувчининг ҳисоб рақамларига, шунингдек воситачилик тўловларини савдоларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига ўтказишни амалга оширади;

акцияларни ўтказиш юзасидан тегишли топшириқномаларни тақдим этади (акциялар тарзидаги давлат активлари сотилган тақдирда);

сотилган давлат активлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ҳисоботни сотувчининг воситачисига тақдим этади.

37. Ўзаро ҳисоб-китоблар эркин алмаштириладиган валютада амалга оширилган тақдирда сотувчи битишув бўйича маблағларнинг тўлиқ суммаси тушгандан кейин:

икки банк куни мобайнида ўз воситачисига битишув суммасининг тўлиқ ҳажмда тўлангани тўғрисидаги ёзма тасдиқномани жўнатади.

воситачилик тўловларини савдоларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳисоб рақамларига ўтказишни амалга оширади.

38. Сотувчи тўлов тўлиқ ҳажмда тушгандан кейин сотилган давлат активлари (акциялар тарзидаги давлат активларини сотишдан ташқари) учун ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни (сертификат, ордерни) ўн иш куни мобайнида расмийлаштиради.

39. Акциялар тарзидаги давлат активлари сотилган тақдирда:

сотувчининг воситачиси сотувчидан ҳисоб-китоблар тугаганлиги тўғрисидаги тасдиқнома олинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида Марказий депозитарийга сотувчининг ҳисоб рақамларидан акцияларни харидорнинг Марказий депозитарийдаги ҳисоб рақамига ўтказиш юзасидан топшириқнома тақдим этади;

харидорнинг воситачиси харидор ва унинг воситачиси ўртасида тузилган шартномада белгиланган муддатларда Марказий депозитарийга харидорнинг Марказий депозитарийдаги ҳисоб рақамларидан акцияларни харидорнинг хизмат кўрсатувчи депозитарийдаги ҳисоб рақамига ўтказиш юзасидан топшириқнома тақдим этади.

Марказий депозитарийдаги ва хизмат кўрсатувчи депозитарийдаги ҳисоб рақамлари бўйича ўтказиш харидор томонидан депозитар хизматлар учун ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади.

40. Акциялар тарзидаги давлат активлари сотиб олинган тақдирда харидорнинг акцияларга нисбатан ҳуқуқлари харидорнинг хизмат кўрсатувчи депозитарийдаги «депо» ҳисоб рақамидан кўчирма билан ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ акция бланкасида тегишли ёзувни қайд этган ҳолда тасдиқланади.

41. Харидорнинг айбига кўра тўлов муддати бузилган тақдирда тузилган олди-сотди шартномаси бекор қилинади ва ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ёки сотувчи харидорнинг депозитга қўйилган маблағларидан сотувчининг фойдасига биржа битишуви суммасининг 12 фоизи миқдорда жарима санкциялари суммасини, шунингдек савдоларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга воситачилик тўловини ушлаб қолади ва қолган маблағларни харидорнинг ҳисоб рақамига қайтаради.

42. Сотилган давлат активлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти ҳисоботи олинган кундан бошлаб беш иш кундан кечикмай сотувчининг воситачиси сотувчига давлат активларининг олди-сотди битишувини амалга ошириш бўйича топшириқнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади.

43. Сотувчи ўз воситачисининг ҳисоботи олинган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида хўжалик жамиятига сотиб олинган улуш юзасидан мулкый ҳуқуқ учун сертификат бериш тўғрисида хабар қилади.

44. Сотиб олинган улуш юзасидан мулкый ҳуқуқ учун сотувчи томонидан харидорга берилган сертификат харидорнинг таъсис ҳужжатларига те-

гишли ўзгартиришлар киритилгунгача хўжалик жамиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

45. Баланс сақловчи (очик акциядорлик жамиятидан ташқари) олтмиш календарь кун мобайнида:

сотувчининг ёзма ахбороти ва сотиб олинган улуш юзасидан мулкый ҳуқуқ учун янги мулкдор томонидан тақдим этилган сертификат асосида таъсис ҳужжатларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминлаши шарт;

белгиланган тартибда сотувчи томонидан харидорга берилган давлат ордери асосида харидорга қабул қилиш-бериш далолатномаси бўйича давлат активини бериши шарт. Қабул қилиш-бериш далолатномаси сотувчи иштирокида баланс сақловчи ва харидор томонидан имзоланади.

VI. Савдолар қатнашчиларининг жавобгарлиги

46. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беришади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
2-ИЛОВА

Давлат активларини биржадан ташқари савдоларда шу жумладан инвестиция мажбуриятлари билан сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат активларини биржадан ташқари савдоларда шу жумладан харидорнинг инвестиция мажбуриятлари билан сотиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

биржадан ташқари савдолар — аукцион, танлов (тендер) савдоларида ёки тўғридан-тўғри сотиш йўли билан амалга ошириладиган давлат активларини сотиш жараёни;

давлат активлари — давлат мулки ҳисобланган корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар, ер участкалари ва бошқа мол-мулк);

савдо ташкилотчиси — сотувчи ёхуд унинг топшириғи бўйича сотувчи билан тузилган шартнома асосида аукционлар ва танловлар (тендерлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш хизматлари кўрсатадиган ихтисослаштирилган ташкилот;

Давлат тендер комиссияси — давлат мол-мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер савдолари ўтказиш бўйича Давлат комиссияси;

ИИГ — тендер қатнашчиларини малакали танлаб олиш ва тендер таклифларни баҳолаш мақсадида Давлат тендер комиссиясининг қарори билан ташкил этилган вазирликлар ва идораларнинг масъул ходимларидан, тармоқ хўжалик бирлашмалари вакилларидан иборат идоралараро ишчи гуруҳ;

ишчи орган — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси;

талабгор — таклиф этилган шартларда биржадан ташқари савдоларда қатнашиш нияти тўғрисида ариза берган юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти);

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар, иммунитетдан ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган ташкилотларининг ваколатхоналари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — Ўзбекистон Республикаси резиденти тушунчаси остига тушмайдиган шахслар;

қатнашчи — аукционда ва танловда (тендерда) қатнашиш учун қўйилган талабгор ёки унинг тўлиқ ваколатли вакили;

тўлиқ ваколатли вакил — ишончнома асосида талабгор томонидан биржадан ташқари савдоларда қатнашиш учун вакил қилинган юридик ёки жисмоний шахс;

сотувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси;

харидор — биржадан ташқари савдо натижалари бўйича у билан давлат активи олди-сотди шартномаси тузиладиган юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти);

савдо предмети — савдо қатнашчисининг биржадан ташқари савдо натижасида шаклланган сотув қиймати ва (ёки) инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлар (агар бу назарда тутилган бўлса) бўйича давлат активининг олди-сотди шартномаси тузишга бўлган ҳуқуқи;

танлов (тендер) — танлов (тендер) хужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ қатнашчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали харидорни аниқлаш шакли. Танловлар (тендерлар) очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин;

очик танлов (тендер) — танлов (тендер)нинг давлат активларини сотиб олиш ва танлов (тендер) шартларини бажариш нияти тўғрисида буюртманома берган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс қатнашиши мумкин бўлган тури;

ёпиқ танлов (тендер) — танлов (тендер)нинг махсус таклифнома-

лар бўйича сотувчи томонидан белгиланадиган мезонлар бўйича олдиндан танланган юридик ва жисмоний шахслар қатнашадиган тури;

танлов (тендер) шартлари — танлов (тендер)ни ўтказиш тартиби, ўтказиш жойи, таклифнинг нархи, савдо қатнашчиларига қўйиладиган қўшимча юкламалар, инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлар ҳамда талаблар бўйича сотувчи томонидан белгиланадиган шартлар;

танлов (тендер) ҳужжатлари — давлат активининг техник, тижорат, ташкилий ва бошқа тавсифлари, шунингдек танлов (тендер) шартлари ва тартиб-қоидаси тўғрисидаги бирламчи маълумотлар мавжуд бўлган танлов (тендер)ни ўтказиш қоидаларидан, танлов (тендер) таклифлари шакли ва ахборот меморандумидан иборат бўлган сотувчи томонидан тўлов эвазига талабгорларга бериладиган ҳужжатлар тўплами;

танлов (тендер) таклифи — танлов (тендер) ҳужжатларида белгиланадиган шартларда шартнома тузиш таклифи;

савдони ўтказиш санаси — аукцион ўтказиладиган кун ва танлов (тендер) якунлари чиқариладиган кун;

сотиб олиш тўлови — давлат активлари сотиб олинганлиги учун харидор томонидан сотувчининг махсус ҳисоб рақамига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ўтказиладиган миллий ва (ёки) эркин муомаладаги валютадаги пул маблағлари;

инвестиция мажбуриятлари — биржадан ташқари савдоларда қатнашиш натижасида сотиб олинган объектларга инвестицияларни амалга ошириш бўйича давлат активларини сотиб олишда харидор томонидан олинган мажбуриятлар;

бошқа мажбуриятлар — қиймати баҳоланмайдиган давлат активини сотиб олишга нисбатан харидорнинг мажбуриятлари;

аукцион — мусобақалашиш асосида харидорни танлаш шакли, бунда давлат активи учун энг катта нархни таклиф қилган қатнашчи давлат активини сотиб олиш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Аукционлар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин;

очик аукцион — аукционнинг тури, унда давлат активларини сотиб олиш тўғрисидаги нияти ҳақида ариза берган ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти) қатнашиши мумкин;

ёпиқ аукцион — аукционнинг тури, унда сотувчи томонидан белгиланган мезонлар бўйича олдиндан танланган юридик ва жисмоний шахслар махсус таклифномалар билан қатнашади;

тўғридан-тўғри сотиш — тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш натижалари бўйича сотувчи ва харидор ўртасида давлат активларининг олди-сотди шартномасини тузиш;

бошланғич нарх — давлат активининг уни биржадан ташқари савдо-ларга қўйиш учун сотувчи томонидан белгиланган нархи;

баланс сақловчи — балансида ёки устав фондида сотиладиган давлат активи бўлган юридик шахс.

3. Биржадан ташқари бозордаги савдолар қонунийлик, ошкоралик, очик-

лик тамойиллари, рақобатни, ўзаро ҳисоб-китобларнинг кафолатини, савдонинг барча қатнашчилари учун тенг шартларни таъминлаш ва рағбатлантириш асосида амалга оширилиши керак.

4. Биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотиш рўйхати, усули, муддати ва шартларини белгилаш, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорларида ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, сотувчи томонидан амалга оширилади.

Давлат активларини сотувга қўйиш сотувчининг фармойиш берувчи ҳужжати (буйруғи, фармойиши ёки топшириғи) асосида амалга оширилади.

5. Давлат активларини сотишда танлов (тендер) савдоларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун сотувчи ёки савдо ташкилотчиси шартнома асосида мамлакатимиз воситачилари ва хорижий воситачиларни жалб қилиши мумкин, улар талабгорлар ёки уларнинг тўлиқ ваколатли вакиллари бўлиши мумкин эмас.

6. Савдоларда давлат активларини сотиш Ўзбекистон Республикаси резиденти томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари давлат активларини эркин муомаладаги валютада (ЭМВ) ёки Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида сотиб олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари давлат активларини сотиб олиш учун биржаларнинг ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларидаги ва «Халқ истеъмол товарлари билан савдо қилиш республика кўргазма-ярмарка савдо маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятидаги ўзларининг махсус ҳисоб рақамларидаги, республиканинг ваколатли банкларида очилган хорижий банкларнинг «лоро» вакиллик ҳисоб рақамларидаги миллий валютадаги маблағлардан фойдаланишлари мумкин.

7. Инвестиция мажбуриятлари харидор томонидан давлат мулкнинг олди-сотди шартномасига мувофиқ қабул қилинади ва:

ўтказилган пул маблағлари, шунингдек инвесторнинг фаолиятдан олинган фойдани, шу жумладан унинг улушига ҳисобланган дивидендларни қайта инвестициялаш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар етказиб бериш;

таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;

ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш;

корхонанинг бюджет, давлатнинг мақсадли фондлари олдидаги қарздорлигини, кредитлар ва бошқа мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман тўлаш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг муайян турини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ноу-хау, интеллектуал мулкнинг бошқа турларини жорий этиш;

кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга харажат қилиш йўли билан;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Сотиб олинган давлат мулкига нисбатан харидорнинг инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлари уларни бажариш муддатларига, инвестиция мажбуриятлари эса, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган қиймат баҳосига эга бўлиши керак.

Инвестиция мажбуриятлари харидор томонидан сотиб олиш тўловига қўшимча сифатида ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиб олиш тўловларини тўлаш ҳисобига қабул қилиниши мумкин.

8. Биржадан ташқари савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш савдонинг ташкилотчиси томонидан, агар сотувчи билан савдо ташкилотчиси ўртасида тузилган шартномада ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса, унинг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

9. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг биржадан ташқари савдога қўйилган акциялар пакетлари Марказий депозитарий томонидан сотувчининг ёзма топшириғи асосида унинг «депо» ҳисоб рақамига захирага қўйилади.

10. Кўчмас мулк объектлари (бинолар, иншоотлар)ни савдога қўйиш улар жойлашган ер участкаларини, мавжуд бўлган тақдирда, тутшиб кетган ҳудудни ажратиш бўйича тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Харидор — инвестиция мажбуриятлари билан бино ёки иншоотни сотиб олган жисмоний шахс томонидан қўйилган инвестициялар юридик шахснинг балансида ҳисобга олинади, унга сотиб олинган давлат активига ҳуқуқ берилади.

11. Масъулияти чекланган жамиятлар ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари устав фондларидаги давлат активларини сотиш тегишли равишда «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорлари ва жамиятнинг ўзи сотиладиган акцияларни сотиб олишда уларга берилган устунлик ҳуқуқидан фойдаланмаган тақдирда сотувчи ўзига тегишли акцияларни ушбу Низомда белгиланган тартибда сотади.

II. Аукционлар ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш тартиби

12. Аукционни ўтказиш учун сотувчи:

савдо ташкилотчиси билан давлат активлари савдосини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузади, шартномада тарафларнинг реквизитлари, шартнома предмети, савдо ташкилотчиси ва сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан савдо ташкилотчисини зарур ҳужжатлар ва сотиладиган давлат активи тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш,

тарафларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тартиби ва жавобгарлиги, конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар бўлиши керак;

аукционнинг санаси ва турини (очиқ ёки ёпиқ) белгилайди;

ушбу Низомнинг 13, 14-бандларига мувофиқ сотувчининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида давлат активи савдога қўйилганлиги тўғрисида эълон беради (ёпиқ аукционлар ўтказиш ҳоллари бундан мустасно);

сотувчи, савдо ташкилотчиси, баланс сақловчининг вакилларидан ва, зарурият бўлганда, шу жумладан шартнома асосида жалб этиладиган экспертлар ва маслаҳатчилардан иборат бўлган камида 5 кишидан иборат тартибда доимий ёки вақтинча ишлайдиган аукцион комиссиясини тузади. Аукцион комиссиясига сотувчининг вакили бошчилик қилади.

Аукцион комиссияси ўз иши ренгламентини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Қарор комиссия аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда аукцион комиссияси раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

Агар аукцион комиссияси мажлисида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса, унинг қарорлари қонуний ҳисобланади.

Аукцион комиссияси аукционни ўтказиш жараёнини назорат қилади, талабларнинг ягоналигини ва аукцион натижалари бўйича қарор қабул қилишнинг ҳолислигини таъминлайди.

13. Савдо ташкилотчиси сотувчининг шартномада ва бошқа фармойиш берувчи ҳужжатларда кўрсатилган топшириқларига мувофиқ:

аукционда қатнашишга буюртманома бериш муддатини белгилайди;

очиқ аукцион ўтказилишидан олдин 30 кундан кечикмай, устун даражада Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тарқатиш учун мўлжалланган, икки минг нусхадан ортиқ тиражда нашр этиладиган камида иккита даврий босма нашрда ва савдо ташкилотчисининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида аукцион ўтказиш тўғрисидаги хабарни эълон қилади;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилади;

аукционда қатнашиш учун талабгорларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказди;

ёпиқ аукционда қатнашиш учун сотувчи томонидан олдиндан белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга таклифномалар юборади ва уларнинг буюртманомаларини олади;

аукционда қатнашиш истагини билдирган шахсларни тақдим этиладиган ҳужжатларнинг намуналари билан таъминлайди, шунингдек уларни расмийлаштиришда ёрдам беради;

ушбу Низомга мувофиқ талабгорлар орасидан аукцион қатнашчилари рўйхатини тузади;

аукцион қатнашчиларига қатнашчининг тартиб рақамини ва махсус рақамли белги кўрсатилган чиптани беради;

билдиришнома эълон қилинган пайтдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг сўровлари бўйича аукционда сотиладиган давлат активи тўғрисида қўшимча маълумотлар беради;

очик аукцион якунлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади, ушбу маълумотлар аукцион ўтказилган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида илгари очик аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

тузилган шартномага мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

14. Очик аукцион тўғрисидаги билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

савдо ташкилотчисининг номи ва манзили, унинг алоқа қилинадиган телефони, телефакси, электрон почта манзили;

аукционга қўйилган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жой;

сотиладиган давлат активининг бошланғич нархи;

баланс сақловчининг номи, унинг фаолияти ихтисоси;

аукцион ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати;

гаровга қўйиш миқдори, муддати ва тартиби, уни қўйиш учун банк реквизитлари;

буюртмаларни қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);

қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил ва алоқа қилинадиган телефон.

15. Ёпиқ аукционни ўтказишда сотувчи унинг талабларига мувофиқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар доирасини аниқлайди, сотув ташкилотчиси бундай шахсларга аукцион бошланишидан 30 кун олдин бўлажак аукционда қатнашиш таклифи билан таклифнома ва ушбу Низомнинг 14-бандига мувофиқ маълумотларни юборади. Ёпиқ аукцион ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилмайди ва аукцион таклиф этилган юридик ва жисмоний шахслар орасида ўтказилади.

16. Аукционда қатнашиш учун талабгор мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши кафолати сифатида давлат активи бошланғич нархининг камида 15 фоизи миқдориди закалат беради. Закалатнинг аниқ миқдори сотувчи томонидан белгиланади.

17. Аукционда қатнашиш учун буюртманомаларни қабул қилиш билдиришномада эълон қилинган санадан бошланади ва аукционни ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатда тамом бўлади.

18. Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ва-

колатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белги-ланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақами-га закат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

19. Савдо ташкилотчиси буюртманоманинг иккинчи нусхасига ҳужжатларнинг рўйхати билан биргаликда берилган ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида улар қабул қилинган сана ва вақтни кўрсатган ҳолда белги қўяди, ушбу нусха талабгорга ёки унинг вакилига топширилади ёхуд почта орқали юборилади. Очиқ аукционда қатнашиш учун буюртманомалар сотувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши керак.

20. Очиқ аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган қабул қилиш муддати тугагандан кейин тушган, шунингдек ушбу Низомнинг 18-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлар савдо ташкилотчиси томонидан қабул қилинмайди.

Ҳужжатлар тушган сана савдо ташкилотчисининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги белгиси бўйича аниқланади.

Бошқа асослар бўйича аукционда қатнашишга рад жавоби берилишига йўл қўйилмайди.

21. Савдо ташкилотчиси томонидан қабул қилинмаган ҳужжатлар ўша куннинг ўзида талабгор ёки унинг тўлиқ ваколатли вакилига тилхат остида топшириш ёхуд кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда почта орқали (буюртмали хат) юбориш йўли билан қайтарилади. Бунда қўйилган закат суммаси беш банк куни мобайнида қайтарилади.

22. Ҳужжатлари аукцион ташкилотчиси томонидан қабул қилиб олинган юридик ва жисмоний шахслар аукционда қатнашишга қўйилади.

23. Аукцион қатнашчиларига аукцион ўтказиладиган кунда аукцион қатнашчиси чиптаси берилади, унда қатнашчининг тартиб рақами ва аукционга қўйиладиган давлат активининг номи кўрсатилади. Қатнашчиларга, шунингдек аукцион давомида фойдаланиладиган махсус рақам белгилари берилади.

24. Аукцион қатнашчиси аукцион ўтказилишидан бир соат олдин савдо ташкилотчисига ёзма билдиришнома бериш йўли билан буюртманомани қайтариб олиши мумкин. Ушбу ҳолда қатнашчидан тушган закат буюртманомани қайтариб олиниши тўғрисидаги билдиришнома ташкилотчига тушган пайдан бошлаб беш банк кундан кеч бўлмаган муддатда қайтарилиши керак.

25. Агар буюртманомани қабул қилиш тамом бўлиши санасигача бирорта ҳам буюртманомани тушмаса ёки фақат битта буюртманомани тушса, аукцион бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Бунда савдо ташкилотчиси бу ҳақда аукцион комиссиясини, сотувчини, шунингдек ягона буюртманомани берган қатнашчини хабардор қилади.

26. Давлат активларини сотиш бўйича аукционлар давлат активининг бошланғич нархи босқичма-босқич оширилган ҳолда савдолашиш шакли-

да ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

27. Аукционни савдо ташкилотчиси томонидан тайинланадиган аукциончи ўтказилади. Аукцион аукциончи томонидан савдо предмети, давлат активининг номи, қисқача тавсифи ва бошланғич нархи, шунингдек савдо жараёнида уни ошириш босқичи (аукцион босқичи) эълон қилинган ҳолда бошланади.

28. Аукционнинг дастлабки босқичи аукцион комиссияси томонидан бошланғич нархнинг бир фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

29. Аукцион жараёнида ҳар бир уч босқичдан кейин аукциончи аукцион босқичини ошириш томонга ўзгартириши мумкин. Бунда аукциончи нархни айтади, қатнашчилар эса қатнашчининг рақамини кўтариб объектни ушбу нархда сотиб олишга тайёрлиги тўғрисида билдирадилар.

30. Бир неча қатнашчилар томонидан қизиқиш намоён қилинган тақдирда аукциончи нархни аукцион босқичига мувофиқ ошириб навбатдаги нархни эълон қилади.

31. Аукцион навбатдаги нарх 3 марта эълон қилингандан кейин харидорлардан ҳеч бири чиптасини кўтармаса тугалланади. Чиптасининг рақами аукциончи томонидан охириги марта айtilган харидор аукционнинг ғолибига айланади. Шундан кейин аукциончи аукцион савдога қўйилган давлат активининг сотилганлигини эълон қилади, сотув нархини ва аукцион ғолибининг чиптаси рақамини айтади.

III. Танловлар (тендерлар)ни тайёрлаш ва ўтказиш тартиби

32. Танлов (тендер)ни ўтказиш учун сотувчи:

савдо ташкилотчиси билан давлат активлари савдосини ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатишга шартнома тузади, шартномада тарафларнинг реқвизитлари, шартнома предмети, савдо ташкилотчиси ва сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан савдо ташкилотчисини зарур ҳужжатлар ва сотиладиган давлат активи тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш, тарафларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тартиби ва жавобгарлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар бўлиши керак;

танлов (тендер) санаси, шартлари ва турини белгилайди;

ушбу Низомнинг 33, 34-бандларига мувофиқ сотувчининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида давлат активи танловга (тендерга) қўйилганлиги тўғрисида эълон беради (ёпиқ танловлар (тендерлар) ўтказилиши ҳоллари бундан мустасно);

сотувчи, савдо ташкилотчиси, баланс сақловчининг вакиллари билан ва, зарурият бўлганда, шу жумладан шартнома асосида жалб этиладиган экспертлар ва маслаҳатчилардан иборат бўлган камида 5 кишидан иборат таркибда доимий ёки вақтинча ишлайдиган танлов (тендер) комиссиясини тузади. Танлов (тендер) комиссиясига сотувчининг вакили бошчилик қилади.

Танлов (тендер) комиссияси ўз иши регламентини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Қарор комиссия аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақ-

дирда танлов (тендер) комиссияси раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

Танлов (тендер) комиссияси мажлисида унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнаша, унинг қарорлари қонуний ҳисобланади.

Танлов (тендер) комиссияси танлов (тендер) савдолари ўтказилиши жараёнларини назорат қилади, талабларнинг ягоналигини ва савдо натижалари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ҳолислигини таъминлайди, шунингдек танлов (тендер) ҳужжатларини тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатлар умумий қабул қилинган белгилар ва номлардан фойдаланган ҳолда тушунарли тилда, икки хил талқин қилинмайдиган сўзлар ва жумлаларда тузилиши керак.

33. Савдо ташкилотчиси сотувчининг шартномада ва бошқа фармойиш берувчи ҳужжатларда кўрсатилган топшириқларига мувофиқ:

корхона ва сотиладиган давлат активи тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади, инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни излашни ташкил этади ва талабгорларнинг корхона, унинг асосий техник-иқтисодий, молиявий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан танишиши учун шартшароитлар яратади;

танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлайди;

танлов (тендер)да қатнашиш учун буюртманомалар бериш муддатини белгилайди;

танлов (тендер) таклифлари билдирилган конвертларни очишнинг белгиланган санасигача ўттиз кундан кечикмай, устун даражада Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тарқатиш учун мўлжалланган, икки минг нусхадан ортиқ тиражда нашр этиладиган камида иккита даврий босма нашрда ва савдо ташкилотчисининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида очиқ танлов (тендер) ўтказилиши тўғрисидаги хабарни эълон қилади;

сотувчи томонидан белгиланган миқдордаги тўлов эвазига талабгорларга уларнинг сўровлари бўйича танлов (тендер) ҳужжатларини беради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотиладиган давлат активлари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилади;

танловда (тендерда) қатнашиш учун талабгорларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиши;

ёпиқ танловда (тендерда) қатнашиш учун сотувчи томонидан олдиндан белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга таклифномалар юборади ва уларнинг буюртманомаларини олади;

савдода қатнашиш истагини билдирган шахсларни тақдим этиладиган ҳужжатларнинг намуналари билан таъминлайди, шунингдек уларни расмийлаштиришда ёрдам беради;

очиқ танлов (тендер) якунлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади. Маълумотлар танлов (тендер) ўтказилган кундан бошлаб 30 календарь кун мобайнида илгари ёпиқ танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади;

тузилган шартномага мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

34. Очиқ танлов (тендер) тўғрисидаги билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

савдо ташкилотчисининг номи ва манзили, унинг алоқа қилинадиган телефони, телефакси, электрон почта манзили;

танлов (тендер)га қўйилган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жой;

сотиладиган давлат активининг бошланғич нархи;

инвестиция мажбуриятларининг (қўйиш шакли ва шартлари ёйиб кўрсатилган ҳолда) ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми;

қўшимча юкламалар тўғрисидаги маълумотлар;

баланс сақловчининг номи, унинг фаолияти ихтисоси;

талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари очиш санаси, вақти ва жойи;

танлов (тендер) ўтказиш санаси, вақти, жойи;

олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати;

гаров қўйиш миқдори, муддати ва тартиби, уни қўйиш учун банк реквизитлари;

бюртманомаларни қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);

танлов (тендер) ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил;

танлов (тендер) ҳужжатлари ва тўловни тўлаш учун банк реквизитлари учун тўлов миқдори.

35. Ёпиқ танлов (тендер)ни ўтказишда сотувчи юридик ва жисмоний шахслар доирасини олдиндан аниқлайди, сотув ташкилотчиси уларга ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ танлов (тендер) таклифлари билдирилган конвертлар очилишидан 30 кун олдин бўлажак танлов (тендер) тўғрисидаги билдиришнома илова қилинган таклифномани юборади. Ёпиқ танлов (тендер) ўтказиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилмайди ва танлов (тендер) таклиф этилган юридик ва жисмоний шахслар орасида ўтказилади.

36. Танловда (тендерда) қатнашиш учун талабгор мажбуриятлар бажарилиши таъминланиши сифатида давлат активи бошланғич нархининг камида 15 фоизи миқдорида закатат ўтказиши керак. Закататнинг аниқ миқдори сотувчи томонидан белгиланади.

37. Танловда (тендерда) қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда (тендерда) қатнашишга бюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда (тендерда) қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда (тендерда) қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов (тендер) тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

танлов (тендер) ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қўйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов (тендер) таклифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

агар бу танлов (тендер) шартларида белгиланган бўлса қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов (тендер) таклифларининг амал қилиш муддати танлов (тендер) ҳужжатларида белгиланади.

38. Савдо ташкилотчиси буюртманоманинг иккинчи нусхасига ҳужжатларнинг рўйхати билан биргаликда берилган ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида улар қабул қилинган сана ва вақтни кўрсатган ҳолда белги қўяди, ушбу нусха талабгорга ёки унинг вакилига топширилади ёхуд почта орқали юборилади. Танлов (тендер)да қатнашиш учун буюртманомалар сотувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши керак.

39. Танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган қабул қилиш муддатидан кейин тушган ҳужжатлар савдо ташкилотчиси томонидан қабул қилинмайди. Почта орқали юборилган ҳужжатлар тушган сана савдо ташкилотчисининг рўйхатга олиши бўйича белгиланади.

40. Савдо ташкилотчиси томонидан қабул қилинмаган ҳужжатлар ўша куннинг ўзида талабгор ёки унинг тўлиқ ваколатли вакилига тилхат остида топшириш ёхуд кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни қабул қилиш рад этилишининг сабаблари кўрсатилган ҳолда почта орқали (буюртмали хат) юбориш йўли билан қайтарилади. Бунда қўйилган зақалат суммаси 5 банк куни мобайнида қайтарилади.

41. Талабгор агар:

мазкур Низомнинг 37-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ барча ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, ёхуд ҳужжатлар билдиришномада белгиланган муддатдан кеч тақдим этилган бўлса;

талабгор — юридик шахс тугатиш босқичида турганлиги ёки банкрот деб эътироф этилганлиги аниқланса танлов (тендер) комиссияси томонидан танлов (тендер) савдосига қўйилмайди.

Бошқа асослар бўйича танлов (тендер)да қатнашиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

42. Конвертларни очишнинг белгиланган санасигача талабгор ёзма билдиришнома бериш йўли билан ўзининг буюртманомасини ва танлов (тендер) таклифларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Савдо ташкилотчиси кўрса-тиб ўтилган билдиришномани у тушган кунда рўйхатдан ўтказиши шарт. Ушбу ҳолда талабгордан тушган закатат тушган билдиришнома рўйхатга олинган кундан бошлаб беш банк кунидан кеч бўлмаган муддатда қайтарилиши керак.

43. Очиқ танлов (тендер)да қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва конвертларни очиш санаси кўрсатилган билдиришномагача уч соат олдин тамом бўлади.

44. Агар билдиришномада белгиланган конвертларни очиш санасида бирорта ҳам буюртманома тушмаса ёки фақат битта буюртманома тушса танлов (тендер) бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади.

Бунда савдо ташкилотчиси бу ҳақда танлов (тендер) комиссиясини, сотувчини, шунингдек ягона буюртманомани берган талабгорни хабардор қилади.

Танлов (тендер) комиссияси, агар берилган танлов (тендер) таклифларидан ҳеч бири танлов (тендер) шартларига мувофиқ бўлмаса, танлов (тендер)ни бўлиб ўтмаган деб ҳисоблаши мумкин.

45. Танлов (тендер) таклифлари билдирилган конвертларнинг биринчи нусхаларини очиш танлов (тендер) комиссияси томонидан амалга оширилади. Конвертларнинг иккинчи нусхалари савдо ташкилотчисида сақланади ва таклифларнинг мазмунига оид низолар келиб чиққан тақдирда очилади.

Ягона қатнашчининг танлов (тендер) таклифлари билдирилган конверт очилмайди.

Қатнашчилар ёки тўлиқ ваколатли вакиллар конвертларни очишда ҳозир бўлишлари мумкин.

Танлов (тендер) таклифлари билдирилган конвертларни очишда танлов (тендер) комиссияси томонидан шартлар ва тартиб-қоидаларга риоя қилиш, танлов (тендер) ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатларнинг мавжудлиги текширилади.

Ушбу иш натижалари бўйича баённома тузилади, унда тушган барча таклифлар ҳамда уларнинг танлов шартлари ва тартиб-қоидаларига мувофиқлиги қайд этилади.

46. Танлов (тендер) таклифларини баҳолаш ва танлов (тендер) ғолибини аниқлаш қўйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$ТТ = (Т * 0,8) + (В * 0,2), \text{ бунда:}$$

ТТ — қатнашчининг танлов (тендер) таклифи;

Т — давлат активини сотиб олиш тўлови бўйича қатнашчининг таклифи;

И — инвестиция мажбуриятлари миқдори бўйича қатнашчининг таклифи.

47. Танлов (тендер) туридан қатъи назар, танлов (тендер) голибини аниқлаш танлов (тендер) комиссиясининг ёпиқ мажлисида ўтказилади.

Танлов (тендер) таклифи танлов (тендер) шартларига энг кўп даражада мувофиқ деб эътироф этилган қатнашчи танлов (тендер) голиби деб эътироф этилади.

Бир ёки ундан ортиқ танлов (тендер) таклифлари тенг бўлган тақдирда таклифида сотиб олиш суммаси юқори бўлган қатнашчи голиб деб эътироф этилади, агар ҳам сотиб олиш тўлови суммаси бўйича, ҳам инвестиция мажбуриятлари миқдори бўйича бир хилдаги таклифлар берилган таклифлар эса — таклифи савдо ташкилотчиси томонидан олдин рўйхатдан ўтказилган қатнашчи голиб деб эътироф этилади.

Савдо ташкилотчиси танлов (тендер) яқунлари тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида танлов (тендер) қатнашчиларини хабардор қилади.

IV. Аукцион ёки танлов (тендер) комиссиясининг ҳуқуқлари

48. Аукцион ёки танлов (тендер) комиссияси қуйидаги ҳуқуқларга эга: ушбу Низом, бошқа қонун ҳужжатлари талаблари бузилган, аукцион ёки танлов (тендер) жараёнини бузган тил бириктириш ва бошқа олдиндан кўриб бўлмайдиган ҳолатлар аниқланган тақдирда аукцион ёки танлов (тендер)-ни ўтказишни тўхтатиш;

тегишлича асослаган ҳолда аукцион ёки танлов (тендер)ни бўлмаган деб эътироф этиш;

танлов (тендер) қатнашчилари танлов (тендер) ҳужжатларига ва танлов (тендер) ўтказиш шартларига мувофиқ бўлмаган тақдирда бу ҳақда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда савдо қатнашчисига хабар қилиб қатнашчиларнинг таклифларини рад этиш;

танлов (тендер) ўтказиш санасини илгари танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган оммавий ахборот воситаларида тегишли билдиришнома эълон қилган ва мавжуд бўлган тақдирда буюртманомалар берган талабгорларни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада белгиланган муддатдан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кўчириш;

аукцион ўтказиш санасини илгари аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган оммавий ахборот воситаларида тегишли билдиришнома эълон қилган ва мавжуд бўлган тақдирда буюртманомалар берган талабгорларни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада белгиланган муддатдан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кўчириш;

аукцион ёки танлов (тендер) ўтказилишини бекор қилиш, бу ҳақда сотувчи ва қатнашчиларни тегишлича асослаган ҳолда хабардор қилиш.

**V. Аукцион ва танлов (тендер) савдолари
натижаларини ва олди-сотди шартномалари тузилишини
расмийлаштириш тартиби**

49. Аукцион ёки танлов (тендер) ўтказиш якунлари бўйича аукцион ёки танлов (тендер) комиссияси томонидан тегишли равишда аукцион ёки танлов (тендер) савдолари баённомаси расмийлаштирилади, баённомада аукцион ёки танлов (тендер)нинг барча қатнашчилари, уларнинг таклифларининг мазмуни ва фолибни танлаш тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Аукцион ёки танлов (тендер) комиссиясининг қарорига мувофиқ танлов ташкилотчиси ва фолиб томонидан танлов ўтказилган кунда давлат активининг олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун асос ҳисобланадиган ўтказилган савдоларнинг натижалари тўғрисидаги баённома имзоланади.

Ўтказилган савдонинг натижалари тўғрисидаги имзоланган баённома сотувчига ва харидорга тақдим этилади.

50. Ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённома асосида аукцион ёки танлов (тендер) фолиби билан, агар савдо ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада ўзгача муддат кўрсатилмаган бўлса, баённома имзолангандан кейин 20 кундан кечикмай сотувчи ва фолиб ўртасида давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Агар савдо фолиби томонидан тўланган закатат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо фолиби давлат активининг олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

51. Аукцион фолиби баённомани ёки олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки рад этган тақдирда аукцион комиссияси томонидан баённомага тегишли белги қўйилади ва сотувчи аукцион фолиби таклиф этган нархга қараганда бир босқич қуйи паст нархни таклиф этган аукцион қатнашчиси билан шартнома тузишни таклиф қилади. Агар ушбу қатнашчи олди-сотди шартномасини имзолашни рад этса, аукцион натижалари бекор қилинади ва аукцион комиссиясининг қарори билан белгиланган муддатларда такрорий савдолар ўтказилади.

Танлов (тендер) фолиби баённомани ёки давлат активининг олди-сотди шартномасини имзолашдан бош тортган ёки рад этган тақдирда танлов (тендер) комиссияси томонидан баённомага тегишли белги қўйилади ва сотувчи таклифи танлов (тендер) шартларига энг кўп мувофиқ бўлган танлов (тендер)нинг бошқа қатнашчиси билан шартнома тузишни таклиф қилади. Агар ушбу қатнашчи ҳам олди-сотди шартномасини имзолашни рад этса, танлов (тендер) натижалари бекор қилинади ва танлов (тендер) комиссиясининг қарори билан белгиланган муддатларда такрорий савдолар ўтказилади.

52. Аукцион ёки танлов (тендер) фолиби баённомани ёки олди-сотди

шартномасини имзолашдан бош тортган ёки рад этган тақдирда у томонидан ўтказилган закат қайтарилмайди.

53. Давлат активларининг (акциялардан ташқари) олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш сотувчи томонидан амалга оширилади.

54. Биржадан ташқари савдоларда сотилган акциялар шаклидаги давлат активларининг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорининг ваколатли профессионал қатнашчиси томонидан амалга оширилади.

VI. Аукцион ёки танлов (тендер) савдоларида сотилмаган давлат активларини сотиш тартиби

55. Аукцион ёки танлов (тендер) бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган, савдо яқунлари бекор қилинган, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда тузилган давлат активларининг олди-сотди шартномалари бекор қилинган ҳолларда аукцион ёки танлов (тендер) комиссиясининг қарори билан белгиланган муддатларда такрорий савдолар ўтказилади.

56. Аукцион тўрт марта бўлиб ўтмаган деб эътироф этилгандан кейин сотилмаган давлат активи аукцион комиссиясининг охири баённомаси тасдиқланган санадан бошлаб бир ой муддатда давлат активини аукционга қўйишда белгиланган бошланғич нарх бўйича биржа савдоларига қўйилади.

57. Танлов (тендер) бўлиб ўтмаганлиги тўрт марта эътироф этилгандан кейин сотувчи сотувчи томонидан белгиланган шартларда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан (оммавий оферта) сотилмаган давлат активини сотиш тўғрисида эълон беради.

Агар ўтказилган танловлар (тендерлар) талабгорлар йўқлиги муносабати билан бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан давлат активини сотишда инвестиция мажбуриятлари суммаси сотувчи томонидан давлат активини танлов (тендер)га қўйишда белгиланган сумманинг 50 фоизигача пасайтирилиши мумкин.

Танловлар (тендерлар) бўлиб ўтмаганлиги эътироф этилган бошқа ҳолларда тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан давлат активларини сотиш шартлари қайта кўриб чиқилмайди.

58. Сотувчи оммавий оферта тўғрисидаги эълонни оммавий оферта бўйича буюртманомаларни қабул қилиш тамом бўлиш санасигача 30 кундан кечикмай, икки минг нусхадан ортиқ тиражда нашр қилинадиган камида иккита республика даврий нашрларида ва сотувчининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида эълон қилади.

Оммавий оферта тўғрисидаги эълонда қўйидаги маълумотлар эълон қилинади:

сотувчининг номи ва почта манзили, унинг алоқа қилинадиган телефонлари ва телефакси рақамлари;

сотиш таклиф қилинаётган давлат активларининг номи, сони, тавсифи ва давлат активи жойлашган жой;

баланс сақловчининг номи;

музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари (сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва инвестиция мажбуриятлари, уларни ўтказиш шакли, муддати ва шартлари);

талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш тамом бўлиши санаси ва вақти.

Талабгорларнинг таклифлари ушбу Низомнинг 37-бандида кўрсатилган ҳужжатлар илова қилинган ҳолда оғзи ёпиштирилган конвертларда берилди. Талабгорларнинг тушган таклифлари сотувчи томонидан таклиф берилган сана ва вақт кўрсатилган ҳолда ҳар бир мурожаатга тартиб рақами берилган ҳолда махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

59. Талабгорлар билан музокаралар сотувчи томонидан ўтказилади, уларнинг натижалари ушбу Низомнинг 81-бандига мувофиқ расмийлаштирилади.

Икки ва ундан ортиқ талабгорлардан таклифлар мавжуд бўлган тақдирда давлат активи учун энг кўп сотиб олиш нархини, шунингдек оммавий оферта тўғрисидаги эълонда кўрсатилган олди-сотди шартномалари тузиш шартларига мувофиқ бўлган инвестиция мажбуриятларини бажариш ҳажми ва муддатларини таклиф этган талабгор ғолиб деб эътироф этилади.

Талабгорларнинг таклифлари тенг бўлган тақдирда бошқалардан олдин буюртманомга берган талабгор ғолиб деб эътироф этилади.

Бир нафар талабгор мавжуд бўлган тақдирда олди-сотди шартномаси сотувчи томонидан берилган таклиф оммавий оферта тўғрисидаги эълонда кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлган тақдирда тузилади.

60. Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишнинг эълонда белгиланган санасида талабгорлар мавжуд бўлмаган тақдирда давлат активлари оммавий оферта тўғрисидаги эълонда кўрсатилган таклифларни қабул қилиш тамом бўлган санадан бошлаб бир ой муддатда сотувчи томонидан давлат активи ни танлов (тендер)га қўйишда белгиланган бошланғич нарх бўйича биржа савдоларига қўйилади.

Давлат активлари биржа савдоларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сотилади.

61. Биржа савдоларига қўйилган давлат активлари сотилмаган тақдирда сотувчи Давлат тендер комиссиясининг кўриб чиқиши учун ушбу давлат активларини инвестиция мажбуриятлари остида «нолинчи» сотиб олиш қиймати бўйича сотиш тўғрисидаги таклифни киритади.

62. Савдоси илгари бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган, улар бўйича савдо яқунлари ёхуд олди-сотди шартномалари бекор қилинган давлат активларини аукцион ёки танлов (тендер) савдоларига такрорий қўйиш:

савдо бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган, савдо яқунлари бекор қилинган ёхуд шартномалар бекор қилинган санадан бошлаб бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда такрорий савдони ўтказишда — савдо бўлиб ўтмаган деб

эътироф этилган, савдо якунлари бекор қилинган ёхуд шартномалар бекор қилинган санада шаклланган нарх бўйича;

савдо бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган, савдо якунлари бекор қилинган ёхуд шартномалар бекор қилинган санадан бошлаб бир йилдан ортиқ бўлган муддатда такрорий савдолар ўтказишда — давлат активларининг қолдиқ қиймати қайта баҳолангандан кейин амалга оширилади.

VII. Давлат тендер комиссиясининг қарорлари бўйича тендер савдоларини ўтказиш тартиби

63. Давлат тендер комиссиясининг қарорлари асосида давлат активларини сотиш бўйича тендер ўтказилишини тайёрлаш ва ташкил этиш ушбу Низомга ва Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланган Иш регламентига мувофиқ унинг ишчи органи томонидан амалга оширилади.

Давлат тендер комиссияси, идоралараро ишчи гуруҳ ва ишчи органнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Тендерни ўтказиш шартлари ва ғолибни танлаш мезонлари Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланади ва тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

64. Тендерни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этиш учун ишчи орган: тендер ҳужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқади;

хулоса тайёрлаш учун тендер ҳужжатлари ва таклиф этилаётган тендер шартларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига юборади ва уларни кўриб чиқиш учун идоралараро ишчи гуруҳга киритади;

Давлат тендер комиссиясининг кўриб чиқиши учун давлат активларини сотиш шартлари, уларнинг сотув қиймати, инвестиция таклифларини баҳолаш тартиби, ғолибни танлаш мезонлари, тўлов тартиби ва шартлари бўйича идоралараро ишчи комиссиянинг таклифларини киритади;

Давлат тендер комиссиясининг қарорига мувофиқ давлат активларини сотиш бўйича тендерни эълон қилади ва унинг ўтказилишини ташкил этади;

талабгорларни уларнинг буюртманомалари бўйича улар учун белгиланган тўлов эвазига тендер ҳужжатлари билан таъминлайди;

таклиф олинган сана ва вақтни кўрсатган ҳолда талабгорларнинг тендерда қатнашиш учун буюртманомалари ва уларнинг таклифларини қабул қилади;

буюртманомалар ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлар белгиланган тартибда очилгунга қадар уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлайди;

тендер таклифлари мавжуд бўлмаганда ёки фақат битта таклиф мавжуд бўлганда тендер таклифларини қабул қилиш муддатини узайтиради;

тендер эълон қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида давлат активини сотиб олиш тўғрисида таклиф бўлмаган такдирда ёки тендер объектига талаб конъюнктурасига қараб Давлат тендер комиссиясига тендер шартларини ўзгартириш бўйича таклифлар киритади;

унга Давлат тендер комиссияси томонидан юкланган бошқа функцияларни амалга оширади.

65. Очiq тендер ўтказишда ишчи орган томонидан тендер таклифлари билдирилган конвертлар очилган санагача камида 30 кун олдин, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида устун даражада тарқатишга мўлжалланган, икки минг нусхадан ортиқ тиражда нашр этиладиган камида иккита даврий матбуот нашрида ва ўзининг Интернет тармоғидаги веб-сайтида тегишли билдиришнома эълон қилинади.

Очiq тендер тўғрисидаги билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

тендер ташкилотчисининг номи, почта манзили, телефакси, алоқа қиладиган шахснинг телефони ва электрон почтаси манзили;

тендерга қўйилган давлат активларининг номи, сони, тавсифи;

хўжалик жамияти ёки баланс сақловчининг номи, унинг фаолияти ихтисоси ва жойлашган жойи;

сотиладиган давлат активининг бошланғич нархи ва талаб қилинадиган инвестицияларнинг энг кам ҳажми;

тендер ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати (кун ва соат кўрсатилган ҳолда);

тендер ҳужжатларини олиш мумкин бўлган манзил ва унинг қиймати;

тендер ҳужжатлари учун тўлов миқдори ва уни ўтказиш учун банк реквизитлари.

66. Ёпиқ тендер ўтказишда унинг қатнашчилари рўйхати Давлат тендер комиссияси томонидан белгиланади. Бунда ишчи орган тендер таклифлари билдирилган конвертларнинг мўлжалланган очиш санасигача камида 30 кун олдин Давлат тендер комиссияси томонидан белгиланган юридик ва жисмоний шахсларга ушбу Низомнинг 63-бандига мувофиқ бўлажак тендер тўғрисидаги билдиришнома илова қилинган таклифномани юборади. Ёпиқ тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмайди.

Тендер таклиф этилган қатнашчилар орасида ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

67. Билдиришнома ёки ахборот хатида белгиланган муддатдан кейин тушган тендер таклифлари кўриб чиқилмайди. Таклифлар тушиши муддати уларни қабул қилиш рўйхатдан ўтказилган сана бўйича аниқланади.

68. Конвертларни очишнинг белгиланган санаси ва соатигача талабгорлар ўз тендер таклифларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

69. Давлат тендер комиссияси ёки унинг топшириғи бўйича ишчи орган илгари тендер ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома эълон қилинган оммавий ахборот воситаларида тегишли билдиришнома эълон қилинган ва буюрт-

маномалар берган талабгорлар ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда тендер таклифлари билдирилган конвертларни очиш санасини кечроқ муддатга кўчириши, шунингдек бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилиб тендерни бекор қилиши мумкин.

70. Агар билдиришномада белгиланган конвертларни очиш санасида бирорта ҳам таклиф тушмаса ёки фақат битта таклиф тушса тендер бўлиб ўтмаган деб эътироф этилади.

Бунда ишчи орган бу ҳақда Давлат тендер комиссиясини ва ягона буюртманомани берган талабгорни хабардор қилади.

Давлат тендер комиссияси, агар берилган тендер таклифларидан ҳеч бири тендер шартларига мувофиқ бўлмаса, тендерни бўлиб ўтмаган деб эътироф этиши мумкин.

71. Агар тендер бўлиб ўтган тақдирда ишчи орган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва тегишли тармоқ хўжалик бирлашмаларининг вакиллари билан биргаликда қатнашчиларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очади, унинг натижалари баённома билан расмийлаштирилади.

72. Тендер таклифларининг нусхалари ишчи орган томонидан эксперт баҳолаш ўтказилиши учун идоралараро ишчи комиссия аъзоларига юборилади. Тендер қатнашчиларининг таклифларини эксперт баҳолаш тендер ҳужжатларида белгиланган шартларда амалга оширилади.

Бунда тушган таклифларни баҳолаш учун идоралараро ишчи гуруҳ ёки Давлат тендер комиссияси томонидан қўшимча равишда бошқа экспертлар жалб қилиниши мумкин.

73. Давлат тендер комиссиясининг қарорига кўра тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш бир ёки бир неча босқичларда ўтказилиши мумкин.

74. Ишчи орган идоралараро ишчи гуруҳнинг топшириғи бўйича ҳар бир босқичдан кейин рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда тендер таклифлари рад этилганлиги тўғрисида қатнашчиларга маълум қилади.

75. Зарурият бўлганда Давлат тендер комиссияси ёки идоралараро ишчи гуруҳ тендер қатнашчисига унинг ўз фаолияти билан боғлиқ қўшимча маълумотларни тақдим этиш имконини бериши мумкин.

76. Тендер таклифларини баҳолаш натижалари, тендер ҳолибини ва тендер ҳолиблигига захира номзодларни аниқлаш бўйича таклифлар ишчи орган томонидан кўриб чиқиш учун Давлат тендер комиссиясига киритилади.

77. Тендер савдолари яқунлари Давлат тендер комиссиясининг мажлисда қатнашган аъзолари томонидан имзоланадиган ва Давлат тендер комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

78. Ишчи орган тендер қатнашчиларини унинг натижалари тўғрисида Давлат тендер комиссиясининг тендер яқунлари тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида хабардор қилиши шарт.

Тендер ҳолибини аниқлашда, ўша муддатда унга давлат активининг олди-

сотди шартномасини тузиш бўйича музокаралар олиб бориш таклифи билдирилган билдиришнома юборилади.

Агар голиб билан музокаралар тендер объектининг олди-сотди шартномасини имзолаш билан яқунланмаса, Давлат тендер комиссиясининг қарори билан захира номзодлар деб эътироф этилган тендер қатнашчилари ўзларининг тендер таклифлари амал қилиши муддати мобайнида давлат активининг олди-сотди шартномасини тузиш бўйича музокараларга таклиф қилиниши мумкин.

79. Тендер савдолари ва олиб борилган музокаралар натижалари бўйича голиб мавжуд бўлмаган тақдирда Давлат тендер комиссияси томонидан давлат активларини сотишнинг бошқа усуллари (биржа савдолари ёки потенциал инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш) тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

VIII. Давлат активларини тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотиш тартиби

80. Давлат активлари:

ушбу Низомнинг 57-бандида белгиланган ҳолларда;

масъулияти чекланган жамиятлар қатнашчиларига, масъулияти чекланган жамиятларнинг ўзига, ёпиқ акциядорлик жамиятлари акциядорларига, ёпиқ акциядорлик жамиятларининг ўзига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ушбу жамиятларнинг устав фондларидаги давлат улушини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда;

Давлат тендер комиссиясининг қарори бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилиши мумкин.

81. Давлат активларини сотиш тўғрисида харидорлар билан тўғридан-тўғри музокаралар натижалари баённомалар билан расмийлаштирилади, унинг асосида сотувчи тегишли буйруқ чиқаради ва баённома тасдиқлангандан кейин йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда харидор билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда давлат активининг олди-сотди шартномасини тузиш тўғрисида шартнома тузади.

82. Давлат тендер комиссиясининг давлат активини харидор билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан сотиш тўғрисида қарори қабул қилинган тақдирда олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланади.

IX. Биржадан ташқари савдолар яқунлари бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби

83. Биржа савдоларида давлат активларининг олди-сотди шартномалари тузилгандан кейин харидор ёки унинг вакили сотиб олиш тўловларини амалга оширади ва тузилган шартнома шартларига мувофиқ инвестиция мажбуриятларини бажаради. Бунда аукцион ёки танлов (тендер) ютилган тақдирда голиб томонидан ўтказилган закат шартнома суммасига кирити-

лади, савдонинг бошқа қатнашчиларига эса ўтказилган закат беш банк куни мобайнида қайтарилади.

84. Биржадан ташқари савдоларда сотилган давлат активлари бўйича сотиб олиш тўловларини тўлаш муддати сотувчи томонидан белгиланади, бироқ, ушбу муддат агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўзгача ҳол белгиланмаган бўлса олди-сотди шартномаси кучга кирган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Харидор сотиб олинаётган давлат мулки учун муддатидан олдин ҳақ тўлашга ҳақлидир.

85. Инвестиция мажбуриятларисиз биржадан ташқари савдоларда сотилган давлат активлари бўйича сотувчи сотиб олиш тўловлари тўлиқ ҳажмда тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида:

баланс сақловчини хабардор қилади;

харидорга хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги улушларга нисбатан харидорнинг мулкчилик ҳуқуқи тўғрисида сертификат беради;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига харидор томонидан депозитар хизматларга ҳақ тўлаш шarti билан акциядорлик жамиятларининг акциялари шаклидаги давлат активлари бўйича — акцияларни сотувчининг «депо» ҳисоб рақамидан харидорнинг «депо» ҳисоб рақамига ҳисобдан чиқаришга топшириқ беради;

харидорга давлат активларининг бошқа турлари бўйича мулкчилик ҳуқуқига давлат ордери беради.

86. Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари олинган ҳолда биржадан ташқари савдоларда сотилган давлат активлари бўйича сотувчи сотиб олиш тўловлари тўлиқ ҳажмда тушган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида олди-сотди шартномаси бўйича харидор томонидан барча мажбуриятлар бажарилиши муддатига:

сотилган давлат активларига (акциялардан ташқари) эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи харидорда пайдо бўлиши тўғрисида расмий билдиришнома беради;

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлар бажарилгунга қадар ушбу акциялар юзасидан ҳисоб рақамини блокировка қилган ҳолда харидор томонидан депозитар хизматларга ҳақ тўлаш шarti билан акциядорлик жамиятларининг акциялари шаклидаги давлат активлари бўйича — акцияларни сотувчининг «депо» ҳисоб рақамидан харидорнинг «депо» ҳисоб рақамига ҳисобдан чиқаришга топшириқ беради;

харидорнинг давлат активлари бошқа турлари бўйича эгалик қилиш ва фойдаланишига ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган ишончнома беради.

Х. Баланс сақловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

87. Баланс сақловчи хусусийлаштирилган давлат активларига ҳуқуқни

белгилайдиган ҳужжатлар харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб:

таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилишини ва уларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини (масъулияти чекланган жамиятда улуш сифатидаги давлат активлари сотилган тақдирда) — олтмиш календарь кун мобайнида;

сотувчи иштирокида қабул қилиш — топшириш далолатномасини расмийлаштиришни ва харидорга давлат активини беришни — бир ой мобайнида;

агар баланс сақловчи реестр сақловчи ҳисобланса харидорни акциядорлар реестрига киритишни — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда таъминлаши шарт.

88. Инвестиция мажбуриятлари билан давлат активларининг олди-сотди шартномаси тузилгандан кейин ўн кун муддатда харидор ва баланс сақловчи харидор томонидан ўтказиладиган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузиши шарт, қуйидагилар унинг мажбурий шартлари бўлиши керак:

инвестиция мажбуриятларини бажариш сифатида қўшилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш;

инвестиция мажбуриятларини бажариш сифатида қўшилган ишлаб чиқаришларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун инвестициялаш объекти, хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар сақланишини таъминлаш;

қўшилган инвестицияларни қоплаш шартлари ёки сотиб олинган акцияларга (улушларга) мулкчилик ҳуқуқи кучга киргандан кейин баланс сақловчининг устав фондида харидорнинг улушини кўпайтириш (капиталлаштириш) тўғрисида.

Инвестициялардан фойдаланиш тўғрисида шартнома тузишни рад этишга йўл қўйилмайди.

89. Харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши давомида баланс сақловчи:

харидорга объект (мол-мулк) билан танишиш имконини ҳамда харидор томонидан ўз инвестиция мажбуриятлари ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши боғлиқ бўлган объект (мол-мулк) тўғрисидаги ахборотни бериш;

харидорнинг талаби бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилишини тасдиқлайдиган тегишли бухгалтерия ҳужжатларини бериш;

олди-сотди шартномасига ва бизнес-режага мувофиқ корхонада (объектда) инвестиция мажбуриятларини бажаришда харидорга тўсқинлик қилмаслиги;

баланс сақловчи инвестиция мажбуриятлари бажарилиши давомида молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгариши тўғрисида сотувчини хабардор қилиши шарт.

XI. Биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотишда қатнашаётган тарафларнинг жавобгарлиги

90. Савдо ташкилотчиси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда савдо қатнашчилари томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сақланиши ва махфийлиги таъминланиши учун жавоб беради.

91. Баланс сақловчи қонун ҳужжатларига мувофиқ:

сотилаётган давлат активлари улар янги мулкдорга берилгунга қадар сақланиши таъминланиши, мол-мулк (объект)нинг қабул қилиш-топшириш далолатномаси ўз вақтида расмийлаштирилиши, таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва акциядорларнинг акциядорлик жамияти акциядорлари реестрига киритилишини таъминлаш;

ушбу Низомга мувофиқ бериладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун жавоб беради.

92. Сотувчи, савдо ташкилотчиси ва қатнашчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Низом талабларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

93. Биржадан ташқари савдоларда давлат активларини сотишда пайдо бўладиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
З-ИЛОВА

Давлат активлари олди-сотди шартномалари шартларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат активлари олди-сотди шартномалари шартларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

давлат активлари — корхоналар, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар), ер участкалари ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулклар;

сотувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси;

харидор — унинг билан давлат активлари олди-сотди шартномаси тузиладиган юридик ёки жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти);

Ўзбекистон Республикаси резидентлари — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар, иммунитетдан ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланувчи Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган ваколатхоналари;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — Ўзбекистон Республикаси резиденти тушунчасига кирмайдиган шахслар;

сотиб олиш тўловлари — харидор томонидан сотиб олинаётган давлат активлари учун сотувчининг махсус ҳисоб рақамига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган миллий ёки эркин алмаштириладиган валютадаги пул маблағлари;

инвестиция мажбуриятлари — харидор томонидан давлат активларини сотиб олишда қабул қилинадиган, пул баҳосига эга бўлган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган мажбуриятлар;

инвестициялаш объекти — унга нисбатан инвестиция мажбуриятлари бажариладиган юридик шахс.

II. Давлат активлари олди-сотди шартномалари шартларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш тартиби

3. Давлат активлари олди-сотди шартномалари шартларининг харидорлар томонидан бажарилишини назорат қилиш:

тузилган давлат активлари олди-сотди шартномаларини, шунингдек уларга мувофиқ сотиб олиш тўловларини ва инвестиция мажбуриятларини киритиш мониторингини ҳисобга олиш;

ушбу Низомда ва давлат активлари олди-сотди шартномаси шартларида (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) белгиланган тартибда харидорлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

4. Тузилган шартномаларни ҳисобга олиш сотувчи томонидан, шартнома бўйича асосий мажбуриятларни ва уларнинг бажарилишини кўрсатган ҳолда, шартномалар реестрини юритиш йўли билан амалга оширилади.

5. Харидорлар томонидан сотиб олиш тўловлари киритилиши юзасидан мониторинг хизмат кўрсатувчи банкдан сотувчининг махсус ҳисоб рақамидаги маблағлар ҳаракати тўғрисида кўчирмалар олиш йўли билан амалга оширилади.

6. Харидорлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг сотувчи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли маблағларнинг сотувчининг махсус рақамига тушган санаси сотиб олиш тўловлари киритилган сана ҳисобланади.

8. Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши инвестицияларнинг инвестициялаш объектига тушган санаси бўйича ҳисобга олинади.

9. Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ёзма ахборот харидор томонидан сотувчига шартномада белгиланган муддатларда тақдим этилиши керак. Ушбу ахборотга инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари илова қилинади.

III. Инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини қабул қилиш тартиби

10. Харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишини қабул қилиш шартномада назарда тутилган даврийликка мувофиқ, бироқ йилига камида бир марта амалга оширилади.

11. Инвестиция мажбуриятларининг харидор томонидан бажарилишини қабул қилиш сотувчи томонидан харидорнинг инвестиция мажбуриятларининг бажарилганлиги тўғрисидаги ёзма ахбороти асосида амалга оширилади. Бунда инвестиция мажбуриятларининг тўлиқ ҳажмда бажарилганлигини қабул қилиш харидорнинг кўрсатиб ўтилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тугалланганлиги тўғрисидаги ёзма ахбороти олинган кундан бошлаб икки ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилади.

12. Инвестиция мажбуриятларининг бажарилганлигини қабул қилишни ташкил этиш мақсадида сотувчи:

инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини қабул қилиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) ташкил қилади;

комиссия билан келишган ҳолда, экспертиза ўтказиш учун шартнома асосида мустақил экспертни (баҳолаш, аудитор, молия, консалтинг ташкилотини ва шу кабиларни) жалб этиши мумкин.

13. Комиссия таркибига сотувчининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг, инвестициялаш объектининг вакиллари киритилади.

Давлат активларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бериш тўғрисидаги шартнома юзасидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини қабул қилишда комиссия таркибига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси вакили киритилади. Комиссия фаолиятига раҳбарликни унинг раиси — сотувчининг вакили амалга оширади.

Комиссия мажлисларида харидорнинг вакили қатнашишга ҳақлидир.

14. Комиссия икки ҳафта муддатда харидор ва инвестициялаш объекти томонидан тақдим этилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни киритилган инвестицияларнинг шартнома шартларига мувофиқлиги юзасидан эксперт хулосани ҳисобга олган ҳолда ўрганади. Зарурият бўлганда комиссия инвестициялаш объектига боради.

15. Комиссия ўз ишлари натижалари бўйича инвестиция мажбуриятларини бажарилган ёки бажарилмаган деб эътироф этиш тўғрисида асосланган қарор қабул қилади.

16. Комиссия қарори унинг аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва протокол билан расмийлаштирилади. Комиссиянинг у қабул қилган қарорга рози бўлмаган аъзоси ўз позициясини ёзма равишда баён қилиш ва уни протоколга илова қилиш ҳуқуқига эга.

17. Комиссия томонидан инвестиция мажбуриятлари тўлиқ ҳажмда бажарилган деб эътироф этилган тақдирда сотувчи харидорга сотиб олинган давлат активларини тасарруф этиш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади ва қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга оширади:

харидорнинг хизмат кўрсатувчи депозитарийсига сотувчи томонидан кўрсатиб ўтилган қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кун мобайнида — харидор сотиб олган акцияларни ажратиш олиш юзасидан топшириқнома тақдим этади;

масъулияти чекланган жамият устав фондидаги улушга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисидаги сертификатга харидорда у сотиб олган улушни тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлиши тўғрисида — у харидор томонидан тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кун мобайнида ёзувни қайд этади;

мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи учун давлат ордерига харидорда у сотиб олган кўчмас мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи пайдо бўлиш ёзувини — харидор томонидан у тақдим этилган кундан бошлаб уч иш кун мобайнида киритади.

18. Комиссия томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган деб эътироф этилган тақдирда сотувчи шартномага мувофиқ қарор қабул қилади.

19. Сотувчи 5 иш кун мобайнида харидорни ва инвестициялаш объектини ўз қарори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

IV. Харидорнинг шартнома шартларини бажармаганлик учун жавобгарлиги

20. Харидор томонидан шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда сотувчи:

сотиб олиш тўловлари ва (ёки) инвестиция мажбуриятларини киритиш муддати, шунингдек тегишли ахборот тақдим этиш муддати юзасидан йўл қўйилган бузилишни бартараф этиш тўғрисида харидорга ёзма талабнома жўнатади;

шартномага мувофиқ сотиб олиш тўловларини киритишнинг ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун пеня ҳисоблаб ёзади;

шартнома шартларига мувофиқ харидордан жарима ушлаб қолади; агар харидор томонидан шартномада назарда тутилган муддат ўтгандан кейин уч ой мобайнида сотиб олиш тўловлари ва (ёки) инвестиция мажбуриятларининг навбатдаги қисми шартномада назарда тутилган ҳажмда киритилмаган бўлса, белгиланган тартибда шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқади.

Жаримани қўлланиш миқдори ва тартиби, шунингдек шартномани бекор қилиш шартлари шартномада кўрсатилади.

21. Шартнома бекор қилинган тақдирда сотувчи сотилган давлат активларини давлат мулкига қайтариш, шунингдек харидорга шартномага мувофиқ қайтарилиши керак бўлган, у киритган маблағларни қайтариш чоратадбирларини кўради.

22. Харидор томонидан сотиб олиш тўловлари шартномада белгиланган муддатда, лекин уларни киритишнинг оралиқ муддатлари бузилган ҳолда тўлиқ ҳажмда тўланган тақдирда, харидорнинг тегишли мурожаати асосида ушбу бузилиш учун ҳисоблаб ёзилган пеня суммаси сотувчи томонидан, шартномада назарда тутилган қабул қилинган инвестиция мажбуриятларига қўшимча сифатида, уларни бажариш муддатини узайтирмасдан ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Хусусийлаштиришдан тушумларни ҳисобга олиш,
тақсимлаш ва маблағлардан фойдаланилишини назорат
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

**I. Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни шакллантириш
манбалари ва уларни тақсимлаш тартиби**

1. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг бир қисми ҳисобланади ва қуйидагилар:

корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги акциялар (улушлар)ни, ер участкаларини ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни (кейинги ўринларда давлат активлари деб аталади) сотиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб аталади) томонидан илгари берилган кредитлар ҳамда олинган кредитлар (қарзлар)нинг асосий суммасини қайтариш тарзидаги қарзлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар бўйича қарздорлардан тушумлар;

тузилган ва бекор қилинган давлат активлари олди-сотди шартномалари, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар;

устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатишдан тушумлар;

ишончли бошқарувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган Давлат мулки қўмитасининг субҳисоб рақамларидан қайтарилган маблағлар;

суд қарорлари бўйича давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ва унинг ҳудудий бошқармалари иккиламчи махсус ҳисоб рақамларига тушумлар ҳисобига ҳосил бўлади.

2. Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни (ушбу Низомнинг 4 ва 5-бандларига мувофиқ тақсимланадиган маблағлардан ташқари) тақсимлаш

Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар ойда миллий валютада, қуйидаги нисбатларда амалга оширилади:

65 фоизи — республика бюджетига;

25 фоизи — ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига;

5 фоизи — уларни фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

1 фоизи — Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат мулки қўмитаси харажатларига;

2 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасини шакллантиришга;

2 фоизи — тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб рақамларига.

3. Хусусийлаштиришдан хорижий валютада тушадиган маблағлар Давлат мулки қўмитасининг Марказий банкдаги махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилади, кейинчалик улар белгиланган тартибда, тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мажбурий тартибда сотилади. Миллий валютадаги тушумларни тақсимлаш ушбу Низомнинг 2 ёки 4-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида ҳамда Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларида жамланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи — республика бюджетига ажратилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушган маблағларнинг камида 3 фоизи муҳандислик инфраструктурасининг бош режалари ва схемаларини хатловдан ўтказиш, ишлаб чиқиш ва уларга тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва ерларни иқтисодий зоналарга бўлиш харажатларини қоплашга ажратилади;

20 фоизи — маҳаллий бюджетларга мувофиқ ҳудудларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштириш учун мақсадли фойдаланган ҳолда тегишли маҳаллий бюджетларга ажратилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ёки уларнинг бир қисми бошқа мақсадларга йўналтирилган тақдирда ушбу Низом уларнинг қолган қисмига татбиқ этилади.

6. Маблағларни ушбу Низомнинг 2, 3 ва 4-бандларига мувофиқ тақсимлашда қуйидагилар ҳисобга олинмайди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бўйича хусусийлаштиришдан тушган умумий маблағлардан бир йўла тўловлар;

белгиланган тартибда бекор қилинган шартномалар бўйича Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан харидорларга қайтариладиган маблағлар;

улар бўйича битишувлар тузилмаган ва уларнинг эгаларига қайтарилиши керак бўлган битишувлар тузиш учун талабгорлар томонидан депозитга қўйилган маблағлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий тусга эга бўлган давлат активларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш харажатлари;

банк томонидан тўловчиларга нотўғри ўтказилган суммалар, шунингдек Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ва унинг ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи ҳисоб рақамларига тушган суммалар аниқлаштирилгунгача;

хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини чиқариш, сақлаш ва сотиш, шунингдек бошқа давлат активларини сотиш билан боғлиқ харажатлар;

амалий тадқиқотларни бажариш бўйича баҳолаш, илмий-тадқиқот, аудитор, молия, консалтинг ва бошқа хорижий ва мамлакатимиз компанияларининг хизматлари, норматив-методик ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, ишлаб чиқиш, давлат активларини сотишдан олдинги тайёрлаш бўйича харажатлар;

юридик шахсларнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни, шунингдек бошқа активларни давлат манфаатлари учун сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;

давлат активларини бошқариш бўйича хизматлар ҳақини тўлаш бўйича харажатлар.

7. Аниқ давлат активини сотишдан тушган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида назарда тутилган мақсадларга аниқ суммасини кўрсатмасдан ўтказилиши керак бўлган маблағлар ушбу давлат активини сотиш билан боғлиқ харажатларни (баҳолаш компаниялари, савдолар ташкилотчилари, воситачилар, депозитарийлар ва ҳисоб-китоб-клиринг харажатларини) чегирган ҳолда кўрсатиб ўтилган мақсадларга йўналтирилади.

8. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб-касса марказидаги Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармаларида очилган Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

Хусусийлаштиришдан тушган, Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларида жамланадиган ҳамда

ушбу Низомнинг 2 ва 4-бандларига мувофиқ тақсимланадиган маблағлар ҳар ҳафтада ҳисоб-китоб-касса марказидаги Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

9. Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларидан тушган ва сарфланадиган маблағлар Давлат мулки қўмитасига ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармасига ҳар ҳафтада тақдим этиладиган, Давлат мулки қўмитаси тасдиқлайдиган шакл бўйича ҳисоботда акс этирилади.

10. Давлат мулки қўмитасининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳисоб рақамларига манбаларнинг барча турлари бўйича тушган маблағлардан солиқ олинмайди.

II. Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби

11. Давлат мулки қўмитасининг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларидаги махсус ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш тегишли тижорат банклари томонидан, харидорнинг (юрidik ёки жисмоний шахснинг) топшириқномаси бўйича амалга оширилади.

Банкда ҳисоб рақамига эга бўлмаган жисмоний шахслар банк орқали нақд маблағларини топшириши мумкин.

12. Давлат активлари харидорлари тўлов ҳужжатларида қуйидагиларни кўрсатишлари шарт:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармасида очилган Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармасининг махсус ҳисоб рақами реквизитлари;

давлат активи олди-сотди шартномасига мувофиқ тўловнинг номи;

маблағларни ўтказишнинг асоси (олди-сотди шартномасининг ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатнинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами);

давлат активининг номи.

Харидор томонидан тўлов топшириқномасини тўлдириш учун зарур бўлган ҳисоб рақамининг тартиб рақами ва бошқа банк реквизитлари давлат активи олди-сотди шартномасида ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатда кўрсатилади.

13. Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари тармоқлар ва тушум манбалари бўйича ҳар бир хусусийлаштириш объекти бўйича маблағларнинг тушиши, ҳаракати ва тақсимланиши ҳисобини юритадилар улар бўйича Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган тартибда ва шаклларда ҳисоботлар тузадилар.

Хусусийлаштиришдан маблағларнинг тушиши ва тақсимланиши тўғрисидаги йиғма жадваллар ҳудудий бошқармалар томонидан ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг биринчи кунига ҳолатига кўра ойнинг бешинчи кунигача Давлат мулки қўмитасига тақдим этилади.

14. Биржа савдоларида сотилган давлат активлари учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қилинганлиги юзасидан назоратни ҳисоб-китоб-клиринг хизматлари кўрсатиш юзасидан тузилган шартномага мувофиқ ҳисоб-китоб-клиринг ташкилоти, биржадан ташқари савдоларда сотилган давлат активлари бўйича эса қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси амалга оширади.

15. Давлат активларини хусусийлаштиришдан тушган, белгиланган муддатларда киритилмаган маблағлар суммаси харидорлардан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

III. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланиш, уларни Давлат мулки қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари махсус ҳисоб рақамларидан ўтказиш тартиби

16. Ушбу Низомнинг 2 ва 4-бандларида кўрсатилган олувчилар томонидан маблағлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

17. Маблағларни республика бюджетига ўтказиш ҳар ойда Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамларидан амалга оширилади.

18. Маблағлар Давлат мулки қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари учун (25 фоиз) ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 15-кунигача, уларнинг газначилик ҳисоб рақамларига ўтказилади.

19. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган газначилик ҳисобларидан маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари асосида қўйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

а) маблағларнинг 50 фоизи 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини мукамал таъмирлашни, шунингдек умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга йўналтирилади;

б) маблағларнинг камида 25 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари учун уй-жой қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади;

в) маблағларнинг қолгани:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, сув қувурлари, канализация тизимлари ва иншоотлар, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар қурилишини, шунингдек ижтимоий инфратузилмани — таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектлари қурилишини молиялаштиришга;

лойихалаш ҳужжатларини, шу жумладан шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштиришга йўналтирилади.

20. Маблағларнинг йўналишлар бўйича ўз вақтида ўтишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли бўлинмалари ва банк муассасалари таъминлайдилар.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ушбу Низомга иловадаги шакл бўйича маблағлардан фойдаланишнинг йўналишлари тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

22. Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш харажатларини амалга ошириш учун Давлат мулки қўмитаси тасарруфида қолдириладиган (1 фоиз) маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ фойдаланилади.

IV. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш тартиби

23. Ушбу Низомга мувофиқ тақсимланиши керак бўлган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

24. Давлат мулки қўмитаси ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хусусийлаштиришдан маблағларнинг тушиши ва сарфланиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

25. Хусусийлаштиришдан маблағларнинг тушиши ва сарфланиши бўйича бошланғич ҳужжатларни текширишлар ҳар йили камида бир марта Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, давлат савдоси ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 23 сентябрдаги 443-сон қарорининг 4-банди ва ушбу қарорга 8 ва 9-иловалар.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Акциялар пакетларини жойлаштиришни такомиллаштириш ҳамда давлат мулки негизда ташкил этилган акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарорининг 9-банди ва ушбу қарорга 2 ва 3-иловалар.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарорининг 1-банди ва унга илова.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон қарори 4-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбоши, 5-банди, шунингдек мазкур қарорга 5-илова ва 8-илованинг 1-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1999 йил 21 майдаги 263-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 5-сон, 27-модда) 2-илова II бўлимининг 1 — 3-бандлари.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда) 6-илова II бўлимининг 7, 16 ва 18-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 27 февралдаги 70-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 2-сон, 11-модда) илованинг 4-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 30-модда) 6-илова II бўлимининг 6 ва 9-бандлари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) 1-бандининг учинчи хатбоши ва ушбу қарорга 2-илова.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 14 ноябрдаги 512-сон қарорига илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 120-модда).

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 19 ноябрдаги 520-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 123-модда) 2-илованинг 14-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 24 декабрдаги 563-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 131-модда) илованинг 3-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 11 февралдаги 67-сон қарорига илованинг 2-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 11 февралдаги 68-сон қарори.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 5 майдаги 209-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 45-модда) 2-илованинг 1, 2-бандлари ҳамда 7-банднинг учинчи хатбоши.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда) 3-илованинг 11-банди.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 4 августдаги 185-сон қарорига 2-илованинг 2-банди.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартибига қўшимча киритиш тўғрисида» 2006 йил 4 январдаги 3-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 1-сон, 2-модда).

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси фаолиятини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 26 апрелдаги ПҚ-335-сон қарори)» 2006 йил 9 июндаги 112-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 6-сон, 43-модда) ва ушбу қарорга 1-илова.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қийматли қоғозлар билан битишувлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда.

а) I бўлимга қуйидаги мазмундаги 2¹ ва 2²-бандлар қўшилсин:

«2¹. Хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси акциялари улушини сотиш тартиби Давлат мулки қўмитаси томонидан белгиланади.

2². Агар биржа ва биржадан ташқари савдолар қоидалари билан бошқа таъриф усули белгиланмаган бўлса, акциянинг курс қиймати (акция курси) биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тузилган битишувнинг якуний қиймати сифатида белгиланади (битишувларнинг миқдорий ҳажми эмитентлар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий сонининг камида 5 фоизини ташкил этган тақдирда)»;

б) IV бўлимда:

қуйидаги мазмундаги 20¹ ва 25¹-бандлар қўшилсин

«20¹. Сотувчи ёки сотиб олувчи ёки уларнинг вакиллари — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари қимматли қоғозлар билан битишувлар тузиш, олди-сотди шартномалари бўйича томонлар сифатида иштирок этиш ва агар ушбу битишувларнинг якуни қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келган тақдирда, уни имзолашга ҳақли эмас.

Қимматли қоғозлар билан битишувларни амалга оширишда рўйхатга олувчи сифатида иштирок этаётган қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчилари, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, агар улар қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган ёки уларнинг якуни қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келган бўлса, қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказмаслиги шарт»;

«25¹. Депозитарий қуйидагиларга мажбур:

битишувлар қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширилган ёки уларнинг якуни қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келган бўлса, қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказмасликка ва «депо» ҳисоб рақамларига пул ўтказмасликка;

қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг натижаси қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келадиган қимматли қоғозлар билан битишувларни рўйхатдан ўтказиш, «депо» ҳисоб рақамларига пул ўтказиш ҳақидаги мурожаатлари тўғрисида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига зудлик билан хабар беришга»;

27-банддаги «аъзоларининг» сўзи «кузатув кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 28¹ ва 28²-бандлар қўшилсин:

«28¹. Фонд биржаси қуйидагиларга мажбур:

қимматли қоғозларнинг нормал муомалада бўлиши, уларнинг бозор нархларини белгилаш ва улар тўғрисида зарур ахборотни тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг юқори профессионаллик даражасини қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга;

савдога қўйиладиган қимматли қоғозларни экспертизадан ўтказишга, унда биржа томонидан белгиланган талабларга эмитентларнинг молия-хўжалик ва бошқа кўрсаткичлари мувофиқлигини таҳлил қилиш, эмитентнинг ишчанлик обрўсини ва унинг молиявий ишончилиги тўғрисида ахборот берадиган бошқа маълумотларни баҳолаш назарда тутилади;

савдога қўйиладиган, молиявий барқарор эмитентларнинг муомалада бўлган акциялари рўйхатини ўз ичига оладиган қимматли қоғозларнинг биржа листингини доимий равишда юритишга;

қимматли қоғозлар биржа савдолари яқунлари асосида қимматли қоғозларнинг котировкасини белгилашга (акциялар курсини, энг кам ва энг юқори нархларни, курс қийматидаги ўзгаришлар ва бошқаларни белгилаш);

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари бўлган биржа савдолари операторларини (трейдерларни) ўқитишга;

қимматли қоғозлар операциялари бўйича низоларни ўз вақтида кўриб чиқишга.

«28². Битишувларнинг барча иштирокчилари қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида улар аниқланган вақтдан бошлаб икки кун мобайнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига хабар бериши шарт».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) билан тасдиқланган Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги Низомнинг 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналарни ва хусусийлаштириладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш тартибига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган танлов савдоларини ўтказиш тартибига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 145-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 54-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида низомда:

16-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссияси қарорларига кўра хусусийлаштириладиган корхоналар (объектлар) бўйича, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналар

акцияларини (улушларини) сотишда Комиссия ташкил этиш талаб қилинмайди»;

24-банднинг иккинчи хатбошидаги «давлат тасарруфидан чиқаришнинг намунавий режасига мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

27-банднинг биринчи хатбошидаги «ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмаларнинг, ер участкаларини тақсимлашнинг тавсифи (режа-схемаси, ҳажмлари, жойлашиши)» сўзлари «кадастр хужжатлари (корхоналар сотилган тақдирда мулкӣ комплекслар сифатида)» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банднинг тўртинчи хатбошидаги «хужжатлар асосида» сўзларидан олдин «хусусийлаштириш объектининг бошланғич баҳосини тасдиқлайдиган» сўзлари қўшилсин;

35-бандда:

бешинчи хатбошидаги «айланма» сўзи «жорий» сўзи билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7) корхонанинг охирги (баҳолаш санасидаги) ҳисобот бухгалтерия баланси маълумотлари ёки хатлаш маълумотлари асосида жорий активлар қиймати, шунингдек корхонанинг мажбуриятлари аниқланади»;

ўн саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9) товар-моддий бойликларга тегишли бўлган инвентарлар ва хўжалик буюмлари амалдаги улгуржи ёки чакана (бозор нархларидан юқори бўлмаган) нархларда ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра «ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентарлари» гуруҳи бўйича асосий фондларни қайта баҳолашнинг ҳар йилги коэффицентини инвентарлар ва хўжалик буюмларининг баланс қийматига қўллаш йўли орқали баҳоланади»;

37-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат активлари бошланғич нархи, устав фондининг тайинланадиган миқдори баҳолаш ташкилотлари томонидан ушбу Низомнинг 34-бандида назарда тутилган баҳолашнинг учта усули: харажатли, даромадли, қиёсий сотувлар натижалари бўйича олинган энг юқори баҳолаш қийматидан паст бўлиши мумкин эмас»;

38-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Инвестиция мажбуриятларини бажариш муддати беш йилдан ошмаслиги керак, давлат активларини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ёки Давлат мулкани хорижий инвесторга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссияси қарорларига кўра сотиш ҳоллари бундан мустасно».

рус тилидаги матнда 55-банднинг иккинчи хатбошидаги «аннулирования» сўзи «расторжения» сўзи билан алмаштирилган;

70-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «тузилган битишув нархига кирган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши ҳам шу жумлага киради» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда корхона (объект)ни

сотиб олган инвесторга — инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлган «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгили сотиб олиш тўловлари тўлангандан кейин;

объектни бепул олган инвесторга — корхонани модернизация қилишни, техник ва технологик қайта жиҳозлашни назарда тутувчи олинган инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан кейин ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва (ёки) хизматлар кўрсатиш бошлангандан кейин»;

Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисида низомга 11-илова I бўлимининг 7-бандидаги «Айланма» сўзи «Жорий» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

52 Корпоратив бошқарув марказини жойлаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактабининг Корпоратив бошқарув маркази учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Тошкент давлат техника университети балансидаги Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинонинг 6 ва 7-қаватларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби балансида тасарруф этиш ҳуқуқисиз бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби ушбу бинонинг 6-7-қаватларини Корпоратив бошқарув марказини жойлаштириш учун балансида қабул қилиб олсин ҳамда уни сақлаш ва самарали фойдаланиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Корпоратив бошқарув марказини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 4 июлдаги 304-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 февраль,
32-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 2 февралдаги 32-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Корпоратив бошқарув марказини
ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 4 июлдаги 304-сон
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-бандда «Пушкин кўчаси, 59-уй» сўзлари «Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Қарорга 2-илованинг 5-бандидаги «Пушкин кўчаси, 59» сўзлари «Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

53 **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Табийй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида» 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарори)**

Вазирлар Маҳкамасининг «Табийй монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида» 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 февраль,
33-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 4 февралдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш Қоидаларида:

а) 1.1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.1. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси истеъмолчиларига газ етказиб бериш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди»;

б) 3.4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3.4. Қуйидагилар газ етказиб беришда устунликка эга бўладилар:

— аҳоли;

— қонун ҳужжатларида назарда тутилган табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчилар;

— газ учун ҳақ тўлаш бўйича қарзи бўлмаган ҳамда жорий (шартномавий) тўловлар бўйича олдиндан ҳақ тўлаш шартлари билан шартнома тузган истеъмолчилар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 32-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 1-сон, 4-модда):

а) 1-илованинг (Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари) 3-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга электр энергияси сотишда шартномада ушбу истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашнинг энг кам даражаси ҳам назарда тутилиши керак»;

б) 2-илованинг (Иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидалари) 3-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган истеъмолчиларга иссиқлик энергияси сотишда шартномада ушбу истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан таъминлашнинг энг кам даражаси ҳам назарда тутилиши керак»;

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

54 «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раис ўринбосари Б. Мирбобоев, судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимовадан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига амал қилган ҳолда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш ҳақидаги ишни очик мажлисда кўриб чиқди.

Масала «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига мувофиқ «Elxolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Кузатувчи кенгашининг раиси Д. Шукуровнинг Конституциявий судга мурожаати муносабати билан судьялар У. Бозоров, Г. Пиржанов ва С. Ҳакимованинг ташаббуси билан киритилди.

Конституциявий суд мазкур масала юзасидан маърузачи судья С. Ҳакимованинг ахборотини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари М. Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э. Гадоев, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқармасининг бошлиғи И. Голишева, «Солиқ маслаҳатчилари палатаси» жамоат бирлашмаси бошқаруви аъзоси И. Индинанинг фикрларини тинглаб, иш бўйича мавжуд ҳужжатларни ўрганиб **аниқлади:**

«Elxolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Кузатувчи кенгашининг раиси Д. Шукуров Конституциявий судга йўллаган мурожаатида солиқ органлари томонидан солиқ қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда талқин этилмаётганлиги натижасида солиқ солиш масалаларида юзага келаётган қийинчиликлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандига шарҳ беришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-модда 35-бандининг рус тилидаги матнига асосан қўшилган қиймат солиғидан «китоб маҳсулотлари, мактаб ўқув қуроллари ва кўرғазмали қўлланмаларнинг, дори воситалари

ва тиббиёт буюмларининг улгуржи реализация қилиниши» обороти озод этилади.

Ушбу банднинг ўзбек тилидаги матнида рус тилидаги «оптовая реализация» сўзлари «улгуржи савдо» (оптовая торговля) деб белгиланган. Шундай қилиб, қўшилган қиймат солиғидан ўзбек тилидаги матнга асосан «улгуржи савдо» обороти озод этилса, рус тилидаги матнга асосан эса «улгуржи реализация қилиш» обороти озод этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 22-моддасида «реализация қилиш» ва «савдо фаолияти» тушунчаларига таъриф берилган. Унга мувофиқ:

реализация қилиш — сотиш, айирбошлаш, беғараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қуввчи томонидан гаровга олувчига топшириш;

савдо фаолияти — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

«Улгуржи реализация қилиш» тушунчаси «улгуржи савдо» тушунчасидан кенгроқ бўлиб, ўз ичига улгуржи савдо, шунингдек, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб бериш, айирбошлаш, беғараз бериш ва бошқаларни камраб олади.

Мазкур қарорни қабул қилишда Конституциявий суд қуйидагиларга асосланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тиллари матнларидаги мавжуд номувофиқлик унинг амалда қўлланилишида хатоликларга олиб келаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг юқорида кўрсатилган нормаларига риоя этилиши лозимлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш заруратини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайди.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнидаги «савдоси» сўзи «реализация қилиниши» сўзлари билан алмаштирилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2008 йил 1 январгача амалда бўлган таҳририда ҳам айнан шу ҳолатни ўзида акс этган 71-модда 32-бандининг ўзбек тилидаги матнида «реализация қилиш» атамаси қўлланилган.

Баён қилинганларга асосланиб ва «Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циявий суди тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10, 25, 26., 27-моддаларига, «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 26-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбек тилидаги матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилсин (илова қилинади).

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси С. Ҳакимова ушбу Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиганида иштирок этиш учун вакил этиб тайинлансин.

3. Ушбу қарор «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ахборотномаси» журналида чоп этилсин.

Тошкент ш.,
2009 йил 5 февраль

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
судининг 2009 йил 5 февралдаги қарорига
ИЛОВА

Лойиҳа

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 208-моддаси 35-бандининг ўзбекча матнига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан
_____да қабул қилинган

Сенат томонидан _____да
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова) **208-моддаси**

35-бандининг ўзбекча матнидаги «савдоси» деган сўз «реализация қилиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

55 Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1892*

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ–1005-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. «Инсонпарварлик ёрдамининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида»ги ҳисобот шакли 1-иловага мувофиқ;

«Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида»ги ҳисобот шакли 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
119-сон

Р. АЗИМОВ**Марказий банк раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
307-В-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
6-сон

Ғ. ҚУДРАТОВ**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
ЭГ-01/14-8052-сон

Э. ҒАНИЕВ**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2008 йил 24 декабрь,
01-02/5-61-сон

С. НОСИРОВ

Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарорига
1-ИЛОВА

**Инсонпарварлик ёрдамнинг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида
ҲИСОБОТ**
200__ йил _____ январь

Олувчи _____
(олувчининг тўлиқ номи)

КТУТ коди _____

Жойлашган жойи (манзили) _____

Олувчининг СТИР рақами _____

Телефон/факс, эл. почта _____

Т/Р	Мамлакат / донор		Лойиҳа номи	Жалб қилиш мақсадининг хос рақами	Лойиҳа маъқулланган сана ва рақам	Маҳсулот номи	Жами сумма		Келиб тушган*			
	хос рақам	номи					ҳисобот даврида		натурал кўринишда		сўмда	АҚШ долл.
							ўлчов бирлиги	миқдори	сўмда	АҚШ долл.		
А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	1	2	3	4

давоми

Келиб тушган *				Жалб қилиш худуди	Ўзлаштирилган (тақсимланган)			
лойиҳанинг бошланиш давридан					ҳисобот даврида			
натурал кўринишда		сўмда	АҚШ долл.		натурал кўринишда		сўмда	АҚШ долл.
ўлчов бирлиги	миқдори			ўлчов бирлиги	миқдори			
5	6	7	8	9	10	11	12	13

давоми

Ўзлаштирилган (тақсимланган)				Кечиктирилган									
лойиҳанинг бошланиш давридан				ҳисобот даврида					лойиҳанинг бошланиш давридан				
натурал кўринишда		сўмда	АҚШ долл.	натурал кўринишда		сўмда (3 — 11)	АҚШ долл. (4 — 12)	ўзлаштирилишни кечиктирилганлик сабаблари	натурал кўринишда		сўмда (7 — 15)	АҚШ долл. (8 — 16)	ўзлаштирилишни кечиктирилганлик сабаблари
ўлчов бирлиги	миқдори			ўлчов бирлиги	миқдори (2 — 10)				ўлчов бирлиги	миқдори (6 — 14)			
14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27

* «эркин муомалага чиқариш» божхона режими бўйича расмийлаштирилган юрлар учун тўлдирилади.

Раҳбар

_____ (мансаби)

_____ (ф.и.о.)

_____ (имзо)

Ҳисобот тузиш учун
масъул мансабдор шахс

_____ (мансаби)

_____ (ф.и.о.)

_____ (имзо)

М.Ў.

Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарорига
2-ИЛОВА

Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисида ҲИСОБОТ

20__ йил _____ январь

Олувчи _____
(олувчининг тўлиқ номи)

КТУТ коди _____

Жойлашган жойи (манзили) _____

Олувчининг СТИР рақами _____

Телефон/факс, эл. почта _____

Т/Р	Мамлакат / донор		Лойиҳа номи	Техник кўмаклашиш воситаларини фойдаланиш йўналишининг хос рақами	Лойиҳа маъқулланган сана ва рақам	Техник кўмаклашиш воситаларини фойдаланишнинг бошланиш санаси	Жами сумма		Келиб тушган			
									ҳисобот даврида		лойиҳанинг бошланиш давридан	
	хос рақам	номи					сўмда	АҚШ. долл.	сўмда	АҚШ долл.	сўмда	АҚШ долл.
А	Б	В	Г	Д	Е	Ж	З	И	1	2	3	4

давоми

55-модда

Жалб қилиш худуди	Ўзлаштирилган (тақсимланган)				Қолдиқ маблағлар					
	ҳисобот даврида		лойиҳанинг бошланиш давридан		ҳисобот даврида			лойиҳанинг бошланиш давридан		
	сўмда	АҚШ. долл.	сўмда	АҚШ. долл.	сўмда	АҚШ. долл.	ўзлаштирилмаганлик сабаблари	сўмда	АҚШ. долл.	эслатма (ўзлаштирилмаганлик сабаблари)
5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Раҳбар

(мансаби)

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ҳисобот тузиш учун
масъул мансабдор шахс

(мансаби)

(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

— 64 —

6 (350)-сон

Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси,
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона
қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги
119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052,
01-02/5-61-сонли қарорига
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник
қўмаклашиш воситалари олувчилар томонидан тақдим
этиладиган ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича
ҚОИДАЛАР**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги ПҚ–1005-сонли «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 472-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олувчилар (бундан буён матнда грант олувчилар деб юритилади) томонидан тақдим этиладиган ҳисобот шакллари тўлдириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига тақдим этиладиган инсонпарварлик ёрдами бўйича ҳисобот донорлар билан ўзаро келишилган битим ва дастурларда ёки инсонпарварлик ёрдамининг мувофиқлаштирилишига масъул ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича Комплекс раҳбарининг қарорида белгиланган грант олувчилар томонидан, техник қўмаклашиш воситалари бўйича ҳисобот эса халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда чет эл ҳукуматлари ташкилотларининг техник қўмаклашиш бўйича қабул қилган қарорларида кўрсатилган грант олувчилар томонидан тақдим этилади.

2. Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг тегишли таркибий бўлинмаларига жойлашган жой бўйича ҳар ойнинг 1-санаси ҳолатига (кейинги ҳисобот ойининг 10-санасидан кечиктирмасдан) почта орқали ёки қўлда тақдим этилади.

3. Ҳисоботда барча маълумотлар, қатор ва устунлар тўлдирилиши зарур. Агар грант олувчилар томонидан у ёки бу қатор (устун) бўйича тегишли маълумотлар бўлмаса, у ҳолда ушбу қатор (устун)га чизик тортиб қўйи-

лади. Ҳисоботдаги маълумотлар ёзув машиналарида ёки бошқа ахборот технологияларида тўлдирилиши шарт.

4. Ҳисоботнинг манзилли қисми қуйидаги тартибда тўлғазилади:

«Олувчи» — грант олувчининг тўлиқ номи кўрсатилади;

«Жойлашган жойи (манзили)» — грант олувчининг почта манзили (почта индекси билан) кўрсатилади;

«Солиқ тўловчининг идентификация рақами» — солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади;

«Телефон/факс ва электрон почта» — грант олувчининг телефон/факс рақами ва электрон почта манзили кўрсатилади.

5. Ҳисобот грант олувчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

6. Ҳисоботда тозаланиш ва тузатишга йўл қўйилиши мумкин эмас. Агарда хатолик тузатилса, у ҳолда грант олувчининг раҳбари томонидан имзоланган тегишли тушунтириш берилади.

7. Ҳисоботда сумма миллий валюта ва АҚШ долларларида кўрсатилади. Инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари бошқа валюта қийматликларида расмийлаштирилган бўлса, у ҳолда ушбу қиймат инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситалари олинган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан эълон қилинган курс бўйича АҚШ доллари эквивалентида қайта ҳисобланади.

II. Инсонпарварлик ёрдамининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби

8. Ҳисоботда «эркин муомалага чиқариш» божхона режими бўйича расмийлаштирилган юklar кўрсатилади.

9. Инсонпарварлик ёрдамининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисобот шаклининг устунлари қуйидагича тўлдирилади (1-илова):

А устунда — тартиб рақам;

Б устунда — инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган мамлакат коди (Дунё мамлакатлари классификаторининг рақамли коди («Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага 3-илова (1999 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон);

В устунда — инсонпарварлик ёрдами кўрсатаётган мамлакат ёки донор номи;

Г устунда — лойиҳа номи;

Д устунда — инсонпарварлик ёрдами жалб қилинишининг мақсади қуйидаги хос рақамлар бўйича кўрсатилади:

10 — тиббий ёрдам;

20 — асбоб-ускуна, ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш;

30 — моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

- 40 — ижтимоий ёрдам;
- 50 — фавкулудда вазиятларга тайёргарлик;
- 60 — ахборот ёрдами;
- 70 — техник ёрдам;
- 80 — спортни ривожлантириш;
- 90 — озиқ-овқат ёрдами;
- 100 — дехкон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш;
- 110 — диний, маърифий фаолият;
- 120 — таълим даражасини ошириш;
- 130 — шаҳарни ободонлаштириш;
- 140 — рағбатлантирувчи совринлар;
- 150 — бошқалар;

Е устунда — Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан инсонпарварлик ёрдами олинishi маъқулланган ҳужжатнинг рақами ва санаси;

Ж устунда — инсонпарварлик ёрдами сифатида олинган маҳсулот номи;

З устунда — шартнома бўйича инсонпарварлик ёрдамнинг миллий валютадаги умумий суммаси;

И устунда — шартнома бўйича инсонпарварлик ёрдамнинг АҚШ долларидаги умумий суммаси;

1, 5, 10, 14, 18 ва 23 - устунларда — маҳсулотнинг натура кўринишидаги ўлчов бирлиги;

2, 6, 11, 15, 19 ва 24 - устунларда — маҳсулотнинг миқдор кўринишидаги ўлчов бирлиги;

3, 7, 12, 16, 20 ва 25 - устунларда — инсонпарварлик ёрдамнинг миллий валютадаги суммаси;

4, 8, 13, 17, 21 ва 26 - устунларда — инсонпарварлик ёрдамнинг АҚШ долларидаги суммаси;

9 устунда — инсонпарварлик ёрдамнинг республика ҳудудлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар) бўйича тақсимоти: биринчи қаторда — жами ўзлаштирилган (тақсимланган), кейинги қаторларда ҳудудлар бўйича (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар). Республика ҳудуди (вилоят, туман ва шаҳар) ҳисобот санаси даврига инсонпарварлик ёрдамнинг ҳақиқатда тақсимланиши бўйича кўрсатилади ва кейинги ҳисоботларда инсонпарварлик ёрдами тақсимотининг ўзгаришига қараб аниқлаштирилади;

22 ва 27 - устунларда — инсонпарварлик ёрдамнинг ўзлаштирилишини кечиктирилганлик сабаблари.

III. Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисоботни тўлдириш тартиби

10. Техник кўмаклашиш воситаларининг келиб тушиши ва уларнинг ўзлаштирилиши тўғрисидаги ҳисобот шаклининг устунлари қуйидагича тўлдирилади (2-илова):

А устунда — тартиб рақам;

Б устунда — техник кўмаклашиш воситалари тақдим қилган мамлакат коди (Дунё мамлакатлари классификаторининг рақамли коди («Божхона юк декларацияларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага 3-илова (1999 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборот-номаси, 1999 й., 12-сон);

В устунда — техник кўмаклашиш воситалари тақдим қилган мамлакат ёки донор номи;

Г устунда — лойиҳа номи;

Д устунда — техник кўмаклашиш воситаларининг фойдаланиш йўналишлари қуйидаги хос рақамлар бўйича кўрсатилади:

10 — асбоб-ускуналар сотиб олиш;

20 — тиббий дори-дармонлар сотиб олиш;

30 — моддий-техник ресурсларни сотиб олиш (офис мебеллари, ўқув қўлланмалари, дизайн ва бошқалар);

40 — жорий харажатлар (канцтоварлар, бино ижараси, транспорт хизматлари, алоқа хизматлари, банк хизматлари ва бошқалар);

50 — меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш;

60 — маслаҳат хизматлари (эксперт ишлари учун);

70 — техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш;

80 — ўқитиш;

90 — вакиллик харажатлари (сайёҳлик, озиқ-овқатлар, кофе-брек, сувенирлар ва бошқалар);

100 — бошқалар;

Е устунда — Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан техник кўмаклашиш воситалари олиниши маъқулланган ҳужжатнинг рақами ва санаси;

Ж устунда — техник кўмаклашиш воситаларидан фойдаланишнинг бошланиш санаси;

З устунда — шартнома бўйича техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги умумий суммаси;

И устунда — шартнома бўйича техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги умумий суммаси;

1, 3, 6, 8, 10 ва 13 - устунларда — техник кўмаклашиш воситаларининг миллий валютадаги суммаси кўрсатилади;

2, 4, 7, 9, 11 ва 14 - устунларда — техник кўмаклашиш воситаларининг АҚШ долларисидаги суммаси кўрсатилади;

5 - устунда — техник кўмаклашиш воситаларининг республика ҳудудлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар) бўйича тақсимоти: биринчи қаторда — жами ўзлаштирилган (тақсимланган), кейинги қаторларда — ҳудудлар бўйича (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар). Республика ҳудуди (вилоят, туман ва шаҳар) ҳисобот санаси даврига техник кўмаклашиш воситаларининг ҳақиқатда тақсимланиши бўйича кўрсатилади ва кейинги ҳисоботларда техник кўмаклашиш воситалари тақсимотининг ўзгаришига қараб аниқлаштирилади;

12 ва 15 - устунларда — техник кўмаклашиш воситаларининг ўзлаштирилмаганлик сабаблари.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

56 Ҳар йили ўтказиладиган **Инновацион** ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1893*

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ–916-сонли «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 280-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
6-сон

Иқтисодиёт вазири

Б. ХЎЖАЕВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
62-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 29 декабрдаги 6, 62-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПК-916-сонли «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 280-модда) мувофиқ ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида (бундан кейинги ўринларда — Ярмарка деб юритилади) тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг (бундан кейинги ўринларда — келишув деб юритилади) амалга оширилишини мониторинг (бундан кейинги ўринларда мониторинг деб юритилади) қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (бундан кейинги ўринларда Қўмита деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этиладиган Ишчи гуруҳ томонидан Ярмаркада тузиладиган шартномалар ва келишувларнинг амалга оширилиши масаласи бўйича мониторинг олиб борилади.

2. Ишчи гуруҳ таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Қўмитанинг қўшма қарори билан тасдиқланади.

3. Мониторинг объекти — Ярмарка доирасида тузилган шартномалар ва келишув баённомалари ҳисобланади.

II. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари

4. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ярмаркада иштирок этаётган инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар (бундан кейинги ўринларда — инновацион лойиҳалар деб юритилади) бўйича маълумотлар банкни шакллантириш;

давлат ва хўжалик бошқарув органларига келишувларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлашда кўмаклашиш;

инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг барча боскичларида тўсқинлик қилаётган омилларини аниқлаш, ўрганиш ва уларни бартараф этиш бўйича тезкор чоралар кўриш;

инновация жараёнларини такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш.

III. Инновация лойиҳалари бўйича маълумотлар банкни шакллантириш

5. Тасарруфида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари бўлган идоралар (бундан кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар деб юритилади) ҳар йили февраль ойида ўз йўналишларига мувофиқ ҳолда Ярмаркада иштирок этадиган инновацион лойиҳалар бўйича маълумотлар банкни шакллантириб боради.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланадиган мустақил идора ва ташкилотлар (бундан кейинги ўринларда — бошқа ташкилотлар деб юритилади) ҳамда жисмоний шахслар Ярмаркада иштирок этувчи лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни Ишчи гуруҳга тақдим этадилар.

Ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ маълумотлар банки ва ахборотлар ҳар йили февраль ойининг ўнинчи санасигача Ишчи гуруҳга тақдим этилади.

6. Ҳар йили 1 март кунигача Ишчи гуруҳ томонидан Ярмаркада иштирок этувчи инновация лойиҳалари бўйича маълумотлар банки шакллантирилади.

IV. Мониторинг ўтказиш механизми

7. Вазирлик ва идоралар, ўз идоралари доирасида тузилган келишувларнинг амалиёти бўйича мониторинг ўтказадилар ва йиғма маълумотларни Ишчи гуруҳга тақдим этадилар.

Бошқа ташкилотлар ҳам келишувлар бўйича маълумотларни Ишчи гуруҳга тақдим этадилар.

8. Ишчи гуруҳ тузилган келишувларни рўйхатга олади, иктисодиёт тармоқлари, ишланмалар муаллифлари ва буюртмачилар бўйича таҳлилий маълумотномаларни тайёрлайди.

Ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ мониторинг натижалари ҳар чоракнинг охириг ойининг йигирманчи санасига қадар вазирлик ва идоралар томонидан Ишчи гуруҳга тақдим этилади.

V. Мониторингни амалга ошириш

9. Келишувларни бажариш мониторинги қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) буюртмачилар томонидан шартномаларнинг бажарилаётганлиги, шартномаларни амалга ошириш борасида бажарилиши лозим бўлган ишлар мажмуи режа бўйича амалга ошаётганлиги таҳлил қилиб борилади;

б) буюртмачилар томонидан молиялаштириш ўз вақтида амалга оширилаётганлиги ва ижрочиларнинг маблағлардан самарали фойдаланаётганликлари таҳлил қилинади;

в) вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилган мониторинг якунлари таҳлил қилинади.

10. Ишчи гуруҳ томонидан мониторинг натижаларига мувофиқ қуйидагилар тайёрланади:

а) иқтисодиёт тармоқлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик субъектлари ва вилоятлар бўйича таҳлилий материаллар;

б) инновация лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан тақдим этиладиган, тасдиқланган режалар ва келишувлар бажарилишининг бориши ҳақида таҳлилий маълумотлар;

в) инновация лойиҳаларини амалга ошириш ишларининг бориши ҳақидаги умумлаштирилган статистик маълумотлар;

г) лойиҳаларнинг ўз вақтида молиялаштирилаётганлиги ҳақидаги маълумотлар.

VI. Мониторинг натижаларини кўриб чиқиш

11. Ишчи гуруҳ келгуси чоракнинг биринчи ойининг ўнинчи санасига қадар вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида келишувларнинг амалга оширилишининг бориши ҳақида умумлаштирилган маълумотлар тайёрлайди.

12. Ишчи гуруҳ келишувларнинг амалга оширилиши борасидаги умумлаштирилган таҳлилий маълумотлар асосида:

а) мавжуд инновация лойиҳаларининг амалга оширилиши босқичларини ўрганиб боради, юзага келаётган тўсиқларни аниқлайди, қабул қилинган қарорларнинг самарадорлигини таҳлил қилади;

б) инновация жараёнининг самарадорлигини ошириш йўлида тегишли қарорларни тайёрлаш борасида тегишли ишларни ташкил қилади;

в) вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда келишувларнинг амалга оширилиши йўлидаги мавжуд муаммоларни ечиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

13. Мониторинг натижалари Ярмаркани ўтказиш бўйича Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳга ҳар чоракда тақдим этилади.

VII. Якуний қоидалар

14. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган.

Фанлар академияси
Президенти

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь

**Давлат статистика
қўмитаси****Ғ. ҚУДРАТОВ**Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь

Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар,
технологиялар ва лойиҳалар Республика
ярмаркасида тузилган шартномалар ва кели-
шув баённомаларининг амалга ошириш
мониторинги тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ярмаркада иштирок этувчи лойиҳа тўғрисида маълумотлар**Тўлдириш учун шакл**

Формат: Word ҳужжати, шрифт
Times New Roman, шрифт ҳажми 12 pt.

I. Саноат, II. Қишлоқ хўжалиги, III. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика,
IV. Ахборот технологиялари, V. Фан ва таълим — *кераклиси қолдирилсин.*

1. Лойиҳанинг (ғоянинг) номи

2. Қисқача таъриф (ишланманинг янгилик даражаси) — *100 сўздан
ошмасин.*

3. Ишланмани қўлланиш соҳалари (жорий қилиниши мумкин бўлган
тармоқ, корхона, хўжалик 1. _____, 2. _____,
3. _____) ишланманинг тайёрлик даражаси, (тажриба-лаборато-
рия нусхаси, тажриба-синов ишлари, тажриба-саноат ишлари, саноат
микёсида жорий қилиш ёки тижоратлаштириш — *кераклиси қолдирилсин*)

4. Кутилаётган натижалар (1. _____, 2. _____,
3. _____)

5. Патентлар, гувоҳномалар, синов далолатномалари ва ҳ.к.ларнинг
мавжудлиги (охирги 5 йилда олинганлари кўрсатилсин)

6. Қўшимча молиялаштиришга эҳтиёж (маблағ ҳажми ва харажат йўна-
лишлари кўрсатилсин)

7. Ташкилотнинг номи ва манзили (манзил, телефон, e-mail)

Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар,
технологиялари ва лойиҳалар Республика ярмаркасида
тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга
ошириш мониторинги тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

56-модда

**Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида
тузилган шартномаларнинг амалга оширилиши ҳақида
МАЪЛУМОТ**

« ____ » _____ 20__ й

№	Лойиҳани ишлаб чиққан ташкilot	Лойиҳа номи	Буюртмачи ташкilotнинг номи	Шартнома тури	Амалга ошириш муддати	Шартнома маблағи (млн. сўм)	Ҳисобот даврида тўланган маблағ ҳажми	Лойиҳани татбиқ этиш ҳолати ва эришилган натижалар	Изоҳ ва муаммолар

— 74 —

6 (350)-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

57 Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 19/7-сон билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисида»ги низом (1998 йил 19 декабрь, рўйхат рақами 571);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 1 мартдаги 4/10-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (2003 йил 27 март, рўйхат рақами 571-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 5-6-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 24 ноябрдаги 28/5-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга 2-сонли ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2003 йил 10 декабрь, рўйхат рақами 571-2 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 23-сон);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 августдаги 18/4-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (2004 йил 16 сентябрь, рўйхат рақами 571-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 418-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 12 майдаги 10/2-сонли «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар ҳақида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (2005 йил 13 июнь, рўйхати рақами 571-4 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 174-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга қиради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 27 декабрь,
30/2-сон

Марказий банк Бошқарувининг
2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар
билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг
бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига
қўйиладиган талаблар тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 5-6-сон, 61-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда Марказий банк) томонидан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларига ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаб ва меъёрларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»

ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари, ушбу Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадилар.

2. Тижорат банклари, Марказий банк томонидан бериладиган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишлари мумкин.

II. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар харид қилиш ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишига доир чекловлар

3. Тижорат банклари қимматли қоғозларни харид қилиш (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) ва юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишда қуйидагиларга риоя этишлари шарт:

а) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек, ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун қимматли қоғозларга киритилган банк инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида белгиланган чекловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармонига мувофиқ аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиб олинган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Аукцион ва танлов савдоларида иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартиби»га мувофиқ хўжалик судлари ҳал қилув қарорларига асосан ликвидацион қиймати бўйича кредитор банк балансига олинган банкрот ишлаб чиқариш корхоналари мулклари негизда ташкил этилган корхоналар ҳамда банк инвестицияларини бошқариш учун таъсис этиладиган бошқарув компаниялари устав капиталида иштирок этишини истисно қилган ҳолда ҳисобланади.

4. Тижорат банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирок этиши (чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банкларини ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно), шунингдек тижорат банкнинг ўз устав капиталининг ўн ёки ундан ортиқ фоиз улушига эга бўлган юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиши тақиқланади.

Тижорат банки бевосита ёки билвосита (шўъба корхоналар орқали) бошқа

юридик шахс устав капиталининг 26 фозидан ортиқ қисмига эгалик қила олмайди, бироқ қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) банкларнинг суғурта ва лизинг ташкилотлари устав капиталидаги иштироки;

б) банкларнинг нобанк кредит ташкилотлари устав капиталида, шунингдек, молиявий бозор инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар устав капиталидаги иштироки;

в) банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият юритадиган юридик шахслар (тижорат банкларининг устав капиталидаги иштироки бундан мустасно) устав капиталидаги иштироки;

г) хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларининг 50 фозгача миқдорини ўрнатилган тартибда бирламчи бозордан харид қилишдаги иштироки;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармонига мувофиқ аукцион ва танлов савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиб олинган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Аукцион ва танлов савдоларида иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартиби»га мувофиқ хўжалик судлари ҳал қилув қарорларига асосан ликвидацион қиймати бўйича кредитор банк балансига олинган банкрот ишлаб чиқариш корхоналари мулклари негизида ташкил этилган корхоналар ҳамда банк инвестицияларини бошқариш учун таъсис этиладиган бошқарув компаниялари устав капиталидаги иштироки.

5. Тижорат банклари муайян юридик шахс устав капиталининг 26 фозидан ортиқ улушини сотиб олишда ёки банкнинг бевосита ёки билвосита мазкур юридик шахс фаолиятига катта таъсир кўрсатиш имконини берувчи шартнома тузишда, Марказий банкка ёзма хабар беришлари шарт.

6. Тижорат банкларига, эмитент — акциядорлик жамиятлари билан ушбу жамият акциялари бўйича «репо» битимларини амалга ошириш таъқиқланади.

7. Агар тижорат банкининг инвестиция қилинган ёки инвестиция қилиниши режалаштирилаётган маблағлари миқдори ёки эмитент фаолияти тижорат банки омонатчилари, кредиторлари ва акциядорлари манфаатларига зарар етказиши мумкинлиги ёки инвестицияларни бошқаришда тижорат банкининг тажрибаси етарли эмаслиги аниқланса, Марказий банк ҳар қандай юридик шахснинг устав капитали ёки қимматли қоғозларига тижорат банки томонидан киритиладиган инвестициялар миқдорига қўшимча чекловлар белгилаш ҳуқуқига эга.

8. Мазкур Низомнинг 3 ва 4-бандларида белгиланган чекловлар тижорат банкига кредитларни таъминлаш учун берилган қимматли қоғозлар бўйича гаров ҳуқуқини амалга ошириш натижасида олинган қимматли қоғозларга нисбатан қўлланилмайди.

9. Гаров ҳуқуқини амалга ошириш натижасида олинган қимматли қоғозлар банк томонидан 2 ой муддат ичида сотилиши шарт. Агар, қимматли қоғозлар кўрсатилган муддатда сотилмаса, улар «сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар» ёки «қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялар» ёхуд «сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларига қилинган инвестициялар»нинг тегишли ҳисобварақларига ўтказилади ва уларга нисбатан мазкур Низомнинг 3 ва 4-бандларида белгиланган чекловлар қўлланилади.

III. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг юридик шахсларнинг устав капиталида улушли иштирок этишига доир қўшимча талаблар

10. Тижорат банклари инвестиция сиёсатида қимматли қоғозлар эмитенти бўлган ёки банк устав капиталида иштирокчи бўлган юридик шахсларнинг молиявий аҳволини, бошқарув тажрибасини ҳамда қимматли қоғозларнинг сифатини баҳолаш мезонлари ва услублари акс эттирилиши шарт. Инвестиция сиёсатида, шунингдек банк активларини қимматли қоғозларга йўналтириш шартлари белгиланиши лозим.

11. Банклар қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича назоратни амалга ошириш учун эмитент тўғрисида етарли маълумотга эга бўлиши лозим.

12. Қимматли қоғозлар портфели тўғрисидаги ички ҳисоботлар қимматли қоғозлар турлари ва типлари бўйича бўлиниши, сифат рейтинги, номинал ва бозор қийматини, харид қилиш ва сотиш санасини, фоиз ставкаларини, чегирмаларни, олинган дивидендларни (фоизларни), олди-сотди битимлари бўйича олинган фойда тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим.

13. Банкнинг турли бўлинмалари ўртасида мажбуриятларнинг мутаносиб тақсимланиши, шунингдек суиистеъмолчиликнинг олдини олиш учун банклар тегишли ички назоратни амалга ошириши зарур. Мазкур ички назорат қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

а) қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатларни қабул қилувчи, қайта ишловчи ходимлар бухгалтерия операцияларини амалга оширмаслиги, пул маблағларини қабул қилмаслиги, бухгалтерия ўтказмаларини таққослаш ёки тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаслиги;

б) бухгалтерия операцияларини тайёрлаш ва амалга оширишга масъул бўлган шахслар қимматли қоғозларни харид қилиш ёки сотишни расмийлаштириш бўйича ҳужжатларни қабул қилмасликлари ёки тасдиқлаш мақсадида битим натижаларини таққослаш имкониятига эга бўлмаслиги;

в) барча операциялар ҳужжатлар билан тасдиқланиши ҳамда бухгалтерия ёзувлари ва бирламчи ҳужжатлар билан таққосланиши;

г) агар, банк брокерлик фаолиятини бажарса, у ҳолда банк ҳар бир миждоз учун ҳисобварақлар очиши ва миждознинг қимматли қоғозлари билан амалга ошириладиган барча операциялар бўйича қимматли қоғозларнинг турлари, операциялар санаси, харид қилинган/сотилган қимматли қоғозлар нархи ва миқдори кўрсатилган ҳолда ёзувлар олиб бориши лозим.

14. Қимматли қоғозлар билан ишлашни ташкил этишда қимматли қоғозлар эмитенти анкетасининг ушбу Низомга илова этилган намунавий шаклдан фойдаланиш тавсия этилади.

IV. Яқуний қоидалар

15. Мазкур Низомда белгиланган талаб ва меъёрларга тижорат банклари томонидан риоя этилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига нисбатан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чора ва санкциялар қўллаш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Қимматли қоғозлар эмитенти анкетаси

1. Эмитентнинг номи
2. Қимматли қоғозларнинг тури
3. Қимматли қоғозларнинг номинал қиймати
4. Қимматли қоғозларнинг бозор қиймати
5. Қимматли қоғозлар сони миқдори
6. Битим суммаси
7. Қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси
8. Аввалги дивиденд тўловлари тўғрисида маълумотлар
9. Фоизли тўловлар ставкаси, суммаси ва муддати
10. Қимматли қоғозларни чиқариш санаси
11. Қимматли қоғозларни сўндириш санаси

Эмитентнинг молиявий аҳволи

Т/р	Кўрсаткичлар номи	минг сўмда	
		Йил бошида	Ҳисобот санасида
1.	Қоплаш/капитал старлиги коэффициенти		
2.	Ликвидлик коэффициенти		
3.	Мухторлик коэффициенти/ молиявий левараж		

Т/р	Кўрсаткичлар номи	минг сўмда	
		Йил бошида	Ҳисобот санасида
4.	Кредитга лаёқатлилик синфи/ рейтинг баҳоси		
5.	Ўз оборот маблағлари мавжудлиги/ жами капитал		
6.	Фойда (зарар)		
7.	Банк ссудаларига доир қарзлар/ кредиторлар олдидаги қарзлар		
8.	Дебиторлик қарзлари, жами		
9.	Кредиторлик қарзлари, жами		
10.	Пул маблағлари		
11.	Жами осон сотиладиган талаблар		
12.	Жами осон сотиладиган захиралар/ Осон сотиладиган активлар		
13.	Ўз манбалари, жами/ Банк капитали таркиби — жами, жумладан:		
	устав капитали		
	захира фонди/ умумий мақсадларга мўлжалланган захира фонди		
	мақсадли молиялаш ва тушумлар/ капитал захиралар		
	тақсимланмаган фойда		
14.	Баланс		

Бошқа маълумотлар

1. _____
2. _____
3. _____

Ваколатли шахс имзоси _____

Сана _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

58 Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 703-2*

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 15 декабрда 15-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 31 декабрда 30-07-12/333-сон билан тасдиқланган «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 14 апрель, рўйхат рақами 703) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки
қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
01/23-18/17-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

59 **Инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 840-2

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 15 декабрда 15-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 20 сентябрда 91-сон билан тасдиқланган «Инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 25 ноябрь, рўйхат рақами 840) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат мулки
қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
01/23-18/18-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 январь,
2-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

60 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валюта-
сидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар
томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб
олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғоз-
ларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби
тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш-
лар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-1*

(2009 йил 12 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил
29-30-сон, 278-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки
қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаш-
тириш ва назорат қилиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий
банки Бошқаруви **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2007 йил 4 апрелдаги 2007-04, 290-В-сонли «Ўзбекистон Республикаси ҳуду-
дида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар то-
монидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунинг-
дек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томони-
дан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қаро-
рига (2007 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1692 — Ўзбекистон Республикаси
қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 25-26-сон, 274-модда) иловага муво-
фиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат

рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 январь,
2009-03-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 январь,
290-В-1-сон

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2009-03, 290-В-1-сон қарорига ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарорнинг муқаддимаси куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ–475-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 39-сон, 387-модда, 51-52-сон, 507-модда) ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ва Марказий банк Бошқаруви қарор қиладилар:».

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низом қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларга (бундан кейинги ўринларда — қимматли қоғозлар) нисбатан татбиқ этилади»;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «пул» сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда — ХКП) — ўзаро мажбуриятларни (қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ахборотни тўплаш, солиштириш, тузатиш ва уларга доир ҳужжатларини тайёрлаш) аниқлаш ҳамда қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс»;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс»;

в) 2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштириш ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина йўл қўйилади»;

г) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказишда эмитент мазкур чиқарилишдаги қимматли қоғозлар номинал қийматининг 0,01 фоизи миқдоридан республика бюджетига йиғим тўлайди.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозларнинг чиқарилишини давлат рўйхатига олишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш учун олинган йиғим эмитентлар томонидан энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан тўланади».

д) 7-банддаги «нақдсиз» сўзи «ҳужжатсиз» сўзи билан алмаштирилсин;

е) 12-бандининг иккинчи хатбошидаги «инвестицион институтда» сўзлари чиқариб ташлансин;

ж) 17-банддаги «инвестиция институти» сўзлари «қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 20-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норезидент томонидан акция кўринишида сотиб олинган давлат актив-

лари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда норезидентнинг депозитарийдаги депо ҳисобварағига ўтказилади»;

и) 36-банддаги «инвестиция институтлари томонидан» сўзлари «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) 42-бандда «эмиссия рисоласида (чиқариш анкетасида)» сўзлари «чиқариш тўғрисидаги қарорида ва эмиссия рисоласида» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 44-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва савдо ташкилотчилари чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар бўйича ўзлари амалга ошираётган барча операциялар ва битимлар ҳисобини юритадилар ва улар бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига маълумотлар тақдим этадилар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

61 Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895*

(2009 йил 15 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июль 160-сонли «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 298-модда), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисида»ги низомга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директорининг 2003 йил 11 сентябрдаги 2003-15-сонли «Инвестиция институтлари фаолиятининг иқтисодий нормативлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2003 йил 30 сентябрь, рўйхат рақами 1280 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 17-18-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 январь,
2009-02-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2009 йил 9 январдаги 2009-02-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни
бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга
қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори
профессионал иштирокчиларининг мажбурий
нормативлар тизими тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 й. 28 июлдаги 160-сонли «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 й., 31-32-сон, 298-модда) қарори ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизимини ўрнатади.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими (кейинги ўринларда — мажбурий нормативлар тизими) — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиси томонидан қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришда риоя этиш учун мажбурий бўлган ўз маблағларининг миқдори;

қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият (кейинги ўринларда — профессионал фаолият) — қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича лицензияланадиган фаолият тури;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (кейинги ўринларда — профессионал иштирокчи) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

2. Мазкур Низомнинг мажбурий нормативлар тизимига риоя этиш ва ўз маблағларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича талаблари Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, фонд биржалари ва фонд бўлимларини ташкил этган бошқа биржалар, шунингдек тижорат банклари ва суғурталовчилар бўлган профессионал иштирокчиларга татбиқ қилинмайди.

II. Мажбурий нормативлар тизими

3. Профессионал фаолиятнинг ҳар бир қисми учун ўз маблағларининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

4. Мажбурий нормативлар тизими профессионал фаолиятнинг ҳар бир қисми учун белгиланган ўз маблағларининг энг кам миқдорларини қўшиш йўли билан аниқланади.

Профессионал фаолиятнинг бир қисмини амалга ошириш ниятидаги шахснинг (лицензия талабгорининг) ўз маблағлари миқдори лицензияни

олишга ариза бериш пайтида ўз маблағларининг мувофиқ энг кам миқдорига, профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб бориш нияти бўлган тақдирда — мажбурий нормативлар тизимига мувофиқ бўлиши керак.

5. Профессионал иштирокчининг ўз маблағлари миқдори бутун профессионал фаолият давомида ўз маблағларининг мувофиқ энг кам миқдорига, профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб борган тақдирда — мажбурий нормативлар тизимига мувофиқ бўлиши керак.

6. Агарда профессионал иштирокчининг ташкилий-ҳуқуқий шакл учун устав капиталининг (фонди) энг кам миқдорига талаблар қонун ҳужжатларида мазкур Низомда белгиланган мажбурий нормативлар тизими ва ўз маблағлари энг кам миқдорларига бўлган талаблардан фарқли белгиланган бўлса, улардан кўпроғи қўлланилади.

7. Профессионал иштирокчи ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан ваколатли давлат органига ўз маблағларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Профессионал иштирокчи томонидан ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Ваколатли давлат органи белгиланган тартибда профессионал иштирокчининг ўз маблағларининг ҳисобланган миқдорини тўғрилиги ва улар тақдим этган маълумотларнинг ҳақиқийлигини текширишга ҳақли.

III. Профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб бориш тартиби

9. Қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомга мувофиқ профессионал фаолиятнинг бирга қўшиб олиб бориладиган (қўшимча) қисми профессионал фаолиятнинг амалга оширилаётган қисми билан бирга қўшиб олиб борилиши керак.

10. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни мазкур Низомнинг IV-бўлимида белгиланган ҳолатлардан ташқари:

а) инвестиция воситачисини (брокерни, дилерни) инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси, депозитарий, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

б) инвестиция маслаҳатчисини инвестиция воситачиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси, депозитарий, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

в) инвестиция активларини ишончли бошқарувчисини инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, депозитарий, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

г) депозитарийни инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси, трансфер-агент профессионал фаолияти билан;

д) ҳисоб-китоб-клиринг палатасини қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси профессионал фаолияти билан;

е) трансфер-агентни инвестиция воситачиси, инвестиция маслаҳатчиси,

инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси, депозитарий профессионал фаолияти билан;

ж) қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчисини ҳисоб-китоб-клиринг палатаси профессионал фаолиятларни бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилади.

11. Профессионал иштирокчи профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришда бирга қўшиб олиб борилаётган профессионал фаолиятнинг ҳар бир қисми бўйича қимматли қоғозлар билан операцияларнинг якка ҳисобини ташкил этиши, шунингдек у томонидан амалга оширилаётган профессионал фаолиятни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги устидан ички назоратни ташкил этиши ва амалга ошириши керак.

12. Профессионал иштирокчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда профессионал фаолиятга тааллуқли бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

IV. Профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар

13. Профессионал иштирокчиларга мазкур Низомнинг 10-банди билан назарда тутилмаган профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб бориш тақиқланади.

14. Трансфер-агент ва депозитарийнинг профессионал фаолиятларини бирга қўшиб олиб борувчи профессионал иштирокчи инвестиция воситачисининг профессионал фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

15. Инвестиция фондининг инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси депозитарий бўла олмайди.

16. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси фақат трансфер-агент ва (ёки) ҳисоб-китоб-клиринг палатасининг профессионал фаолиятини бирга қўшиб олиб бориши мумкин.

17. Профессионал иштирокчининг ушбу шахслар номидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи ва хизматлар кўрсатувчи ва (ёки) қимматли қоғозлар бозорида ишларни бажарувчи раҳбари ва ходимлари бошқа профессионал иштирокчиларда лавозимларни эгаллашга ҳақли эмас.

V. Яқуний қоидалар

18. Мазкур Низом талабларини бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

19. Мазкур Низом талабларига риоя этилиши устидан назоратни ваколатли давлат органи амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

62 Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ
акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1896*

(2009 йил 15 февралдан кучга киради)

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 й., № 2, 54-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Илова қилинаётган «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома» тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
17-сон

Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитасининг 2008 йил 29 декабрдаги
17-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ
акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш
тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон, 54-модда) мувофиқ инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олишда монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

инвестор — хўжалик юритувчи субъект акцияларини, улушларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан олувчи юридик ва жисмоний шахс, шунингдек хўжалик юритувчи субъект акцияларини, улушларини олаётган шахслар гуруҳи;

35 фоиздан ортиқ акцияларни, улушларни олиш — инвесторга хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг жами 35 фоиздан ортиғига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш имкониятини берадиган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя, ишончли бошқариш ва бошқа битимларни тузиш;

хўжалик юритувчи субъект — устав фонди муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига, улушларига бўлинган тижоратчи ташкилот.

2. Йўриқноманинг амал қилиши қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

а) имтиёзли акцияларни олишга, агар хўжалик юритувчи субъектнинг уставига кўра улар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаса;

б) хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш пайтида унинг муассисларига, молия-саноат гуруҳлари, холдинг компанияларини тузиш ҳоллари бундан мустасно;

в) ўзларининг акцияларини, улушларини олаётган хўжалик юритувчи субъектларга, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса;

г) тегишли битимда қатнашувчи шахслар активларининг жами баланс қиймати энг кам иш ҳақининг тўрт минг баробари миқдоридан ортиқ бўлма-

ган ҳолларда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини сотиб олишга, агар битимнинг иштирокчиларидан бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект бўлган ёки ушбу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини назорат қилувчи бир гуруҳ шахслар сотиб олувчи бўлган ҳоллар бундан мустасно.

II. Хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш устидан назорат қилиш тартиби

3. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг худудий органларининг (кейинги ўринларда — монополияга қарши давлат органи) олдиндан розилигини олиш йўли билан амалга оширилади.

4. Инвестор томонидан бирор-бир хўжалик юритувчи субъект акциялари, улушлари олинаётганда, илгари инвестор томонидан ушбу хўжалик юритувчи субъектдан олинган акцияларнинг, улушларнинг жами ҳисобга олинади.

5. Монополияга қарши давлат органининг розилиги билан бирор-бир хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғига эгаллик қилаётган инвестор томонидан қўшимча равишда акциялари, улушларни олиш, олишнинг алоҳида факти сифатида кўрилади ва олдиндан розиликни олиш асосида амалга оширилади.

Таъсисчи томонидан қўшимча равишда хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғининг олиниши монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилиги асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фонди кўпайтирилаётганда акциядор, иштирокчи ўзининг улуши миқдорини монополияга қарши давлат органи томонидан розилик берилган миқдоргача тиклаш учун акцияларни, улушларни қўшимча розиликсиз олиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан ўзининг устав фондиди шакллантириш учун бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олиш монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилиги билан амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятини бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклда қайта ташкил этишда акциялар пакетини (улушини) қайта тақсимлаш монополияга қарши давлат органининг розилигисиз амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятининг шакли ўзгартирилса (очик акциядорлик жамиятидан ёпиққа ёки аксинча), акциядорлар ўртасида акциялар пакетини қайта тақсимлаш монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав фонди ўзгарган тақдирда, бунинг

натижасида акциядор, иштирокчи мазкур Йўриқнома мақсадларида монополияга қарши давлат органининг розилиги талаб қилинадиган акцияларга, улушларга эга бўлишга киришса, акциядор, иштирокчи ушбу ўзгартиришлар вужудга келган пайдан эътиборан ўн кунлик муддат ичида акцияга, улушга эгаллик қилишга розилик олиш учун монополияга қарши давлат органига мурожаат этишга мажбур.

6. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари хўжалик юритувчи субъект акцияларини олиш билан боғлиқ битимни рўйхатга олишда, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказишда хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш учун монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш зарурлиги тўғрисида инвесторни ёзма равишда хабардор қилишга мажбурдирлар.

7. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар уч кунлик муддат ичида монополияга қарши давлат органини «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига зид битимнинг мавжудлиги тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимларни рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари, шунингдек таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар инвестор томонидан монополияга қарши давлат органининг хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олишга розилиги тўғрисидаги қарори тақдим қилинмаганда, агар мазкур Йўриқномага мувофиқ бундай розилик талаб қилинса, қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимни ва таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатга олишни рад этадилар.

8. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази инвестор томонидан монополияга қарши давлат органининг розилигисиз хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари олинганлиги фактини аниқлаган пайдан эътиборан беш кунлик муддат ичида бу ҳақда монополияга қарши давлат органини хабардор қилади.

9. Хўжалик юритувчи субъектнинг ваколатли шахслари хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олган инвестордан кўрсатилган акцияларнинг, улушларнинг олинишига монополияга қарши давлат органининг розилиги тўғрисидаги қарорни тақдим этишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларига, улушларига эгаллик қиладиган инвестор томонидан монополияга қарши давлат

органининг кўрсатилган акцияларни, улушларни олинишига розилиги тўғрисидаги қарори тақдим этилмаганда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари уч кунлик муддат ичида монополияга қарши давлат органини «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига зид битимнинг мавжудлиги тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

10. Депозитарийлар олувчининг депо ҳисоби бўйича белгиланган тартибда тегишли кирим ёзувини киритган пайдан бошлаб уч кун ичида монополияга қарши давлат органини инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг 35 фоиздан ортиғи олинганлиги факти тўғрисида хабардор қилишга мажбурдирлар.

11. Депозитарийлар монополияга қарши давлат органининг расмий сўровига кўра:

а) хўжалик юритувчи субъект акцияларининг инвестор томонидан илгари сотиб олинган миқдори тўғрисидаги ахборотни;

б) берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборотларни тақдим этадилар.

III. Монополияга қарши давлат органининг розилигини олиш тартиби

12. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш учун бундай битим тузилганига қадар монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги бўлиши керак.

13. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олишга розилик бериш масаласи:

а) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан кўрилади:

товарлари республика товар бозорларида айланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари, улушларини олишда;

товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига у томонидан киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини, улушларини олишда;

табiiй монополия субъектларининг акцияларини, улушларини олишда;

банкларнинг акцияларини олишда;

агар хўжалик юритувчи субъект ва инвестор ёки шахслар гуруҳи ҳисобланган инвесторлар турли вилоятларда жойлашган тақдирда;

чет эллик инвесторлар томонидан акцияларни, улушларни олишда.

б) Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан кўрилади:

товарлари маҳаллий товар бозорларида айланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг акциялари, улушларини олишда;

товар бозорларида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъект-

лар Давлат реестрига улар томонидан киритилган хўжалик юритувчи субъектларнинг акцияларини, улушларини олишда.

14. Хўжалик юритувчи субъект ва инвесторнинг товар бозорларидаги улушини, шунингдек уларнинг табиий монополия субъектларига мансублигини аниқлаш монополияга қарши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Инвестор хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олаётганда монополияга қарши давлат органига қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган илтимосномани тақдим этади:

а) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

б) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия балансларининг нусхалари;

в) инвестор ва хўжалик юритувчи субъектнинг ижроия ва сайлаб қўйиладиган органлари таркибига кирадиган шахслар рўйхатлари. Ижроия органларига кирадиган шахслар қаторида бош бухгалтерлар ёки уларнинг вазифасини бажарувчи шахслар ҳам кўрсатилади.

Зарур ҳолларда монополияга қарши давлат органи бевосита кўриляётган битимга тааллуқли бўлган бошқа ахборотни унга эғалик қилаётган шахслардан сўраб олиши мумкин.

16. Ҳужжатларга эътироз мавжуд бўлганида ёки ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган ҳолларда монополияга қарши давлат органи уларни олинган кундан бошлаб беш иш кунидан кечиктирмай ёзма шаклда аниқ камчилик ва ноаниқликларни кўрсатган ҳолда қайтаради.

17. Монополияга қарши давлат органи қуйидаги ҳолларда инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғи олиншига розилик беришни рад этади:

а) агар хўжалик юритувчи субъект товар бозорида устун мавқени эгаллаган бўлса ва илтимосномани қаноатлантириш хўжалик юритувчи субъектнинг, шахслар гуруҳининг устун мавқеини кучайишига ёки рақобатни чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;

б) хўжалик юритувчи субъект устун мавқени эгаллаган муайян товар бозорида инвестор ҳам устун мавқега эга бўлса;

в) агар акцияларни, улушларни олинши хўжалик юритувчи субъект ва инвесторни биргаликда муайян товар бозорида устун мавқега эга бўлишига олиб келса;

г) агар инвестор томонидан тақдим этилган қарор қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ахборот нотўғри ёки ёлғон бўлса.

18. Агар битим қатнашчилари ўз ҳаракатларининг бозорда савдо шароитларини яхшилашга, товарнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашувчи, харидорларга сезиларли тарзда наф келтирувчи ижобий самараси кўриб чиқилаётган товар бозори учун келиб чиқадиган салбий оқибатлардан устун бўлишини исботласалар, ҳатто рақобатни чеклаш эҳтимоли бўлган тақ-

дирда ҳам монополияга қарши давлат органи илтимосномани кондиришга ҳақлидир.

19. Инвестор томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини, улушларини олинишига розилик бериш масаласи монополияга қарши давлат органи раҳбарининг буйруғи билан унинг ходимларидан тузиладиган махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади.

20. Махсус комиссия кўриб чиқиш натижалари бўйича, илтимоснома олинган пайтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмай, хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олинишига розилик бериш ёки розилик беришни рад этиш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарор махсус комиссия раиси ва унинг аъзолари томонидан икки нусхада имзоланади ҳамда гербли муҳр билан тасдиқланади.

Махсус комиссия томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор инвесторга ушбу қарор қабул қилинганидан сўнг уч кундан кечиктирмай жўнатилади.

Ёзма сўров бўлган ҳолларда манфаатдор томонларга қарорнинг нусхаси берилади.

21. Махсус комиссия инвестор томонидан акцияларни, улушларни олинишига розилик бериш масаласини кўриб чиқишни бозорни таҳлил қилиш ва қўшимча ахборот олиш зарурияти муносабати билан кечиктириши мумкин.

Зарурият бўлганда махсус комиссия мажлисига хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олинишига розилик сўраб монополияга қарши давлат органига мурожаат қилган шахслар (уларнинг вакиллари ишончнома билан), шунингдек бошқа манфаатдор шахслар таклиф қилиниши мумкин.

22. Монополияга қарши давлат органининг акцияларнинг, улушларнинг 35 фоиздан ортиғини олинишига розилик беришни рад этиш тўғрисидаги қарори қимматли қоғозлар билан боғлиқ битимни ва таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни рўйхатга олишни рад этишга, у (улар) рўйхатга олинган тақдирда эса битимни, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатига олишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

IV. Хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини олиш тартибини бузиш

23. Инвестор томонидан бир хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғига монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан эгаллик қилиш факти аниқланганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ инвесторга нисбатан монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш қўзғатилади.

24. Монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилиши тўғрисидаги иш монополияга қарши давлат органининг махсус комиссияси томонидан кўрилади.

Махсус комиссия томонидан хўжалик юритувчи субъект акцияларининг 35 фоизидан ортиғини олишнинг тартиби инвестор томонидан бузилганлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вакили эксперт сифатида таклиф этилади.

Махсус комиссия ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) акцияларни, улушларни инвесторда сақлашни рад этиш тўғрисида, бунда монополияга қарши қонун ҳужжатлари бузилишларини тугатиш ва дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатма берилади;

б) акцияларни, улушларни сақлашга розилик бериш тўғрисида.

Монополияга қарши давлат органи хўжалик юритувчи субъект акцияларининг, улушларининг 35 фоиздан ортиғини монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олмасдан олгани учун инвесторга «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида белгиланган миқдорларда жарима солишга ҳақли.

Жарима солиш суд томонидан, инвестор содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроқ бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, монополияга қарши давлат органи томонидан амалга оширилади.

25. Монополияга қарши давлат органи томонидан кўзғатилган ишни кўриш натижалари бўйича чиқарилган қарор инвесторга, шунингдек манфаатдор томонларга (Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига, унинг ҳудудий бошқармаларига, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиларига, қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиларига, таъсис ҳужжатларидаги ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга, инвестор томонидан акцияларнинг, улушларнинг 35 фоиздан ортиғига эгаллик қилиш факти тўғрисида маълум қилган шахсларга), у қабул қилинганидан сўнг беш кундан кечиктирмай жўнатилади.

Монополияга қарши давлат органининг қарори асосида берилган кўрсатма унда белгиланган муддатларда ижро этилиши шарт.

V. Яқунловчи қоидалар

26. Инвестор монополияга қарши давлат органининг қарори (кўрсатма)га рози бўлмаган тақдирда қарор (кўрсатма) қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда судга ёки Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қарор (кўрсатма)ни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида ёхуд қарор (кўрсатма)ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

27. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўми-

таси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган.

*Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори*

К. ТОЛИПОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНING
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚўМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

63 Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ
акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш
тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарор-
ни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1079-2*

(2009 йил 15 февралдан кучга киради)

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни

тасдиқлаш ҳақидаги 2001 йил 24 сентябрдаги 5 ва 2001-12-сонли қарори (2001 йил 6 ноябрь, рўйхат рақами 1079) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
18-сон

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш
ва назорат қилиш марказининг
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 декабрь,
2008-46-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

64 Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1897

(2009 йил 15 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашINI таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
10-сон

Р. АЗИМОВ

Иқтисодиёт вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
63-сон

Б. ХОДЖАЕВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 28 январь,
2009-2-сон

Б. ПАРШИЕВ

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 28 январдаги 10, 63, 2009-2-сонли
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан
амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш
тартиби тўғрисида
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Ушбу Вақтинчалик низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашINI таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда) мувофиқ, ўз маҳсулоти (иш, хизмати) экспортини амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари томонидан 2009-2010 йиллар даври мобайнида асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартибини белгилаб беради.

§ 1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вақтинчалик низом ўз маҳсулоти (иш, хизмати) экспортини қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлари (кейинги ўринларда — корхона-экспортёр)га тегишли.

2. Мазкур Вақтинчалик низом 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган даврда амал қилади.

3. Мазкур Вақтинчалик низомда қўлланиладиган асосий тушунчалар:

а) амортизация — асосий воситалар эскиришининг қийматдаги ифодаси, ҳамда асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияланган қийматини уларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида асосий воситалар ва номоддий активларнинг белгиланган мақсадидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига олиб бориш ва систематик тақсимлаш;

б) ўрнатилган амортизация меъёри — Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасида кўрсатилган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация меъёри;

в) корхона маҳсулоти қиймати — корхонанинг барча харажатларини (ишлаб чиқариш таннархи, давр харажатлари, молиявий фаолият бўйича харажатларини) ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигининг ҳисоб-китоб қиймати.

г) пасайтирувчи коэффициент — асосий воситалар ва номоддий актив-

лар бўйича ўрнатилган меъёрлардан камроқ амортизация суммасини аниқлаш учун қўлланиладиган ҳисоб-китоб кўрсаткичи бўлиб, унинг қиймати 1,00 ёки 100% дан кўп бўлмаслиги лозим.

§ 2. Амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби

4. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ўрнатилган меъёрларга мувофиқ ҳисоблайдиган корхона-экспортёрлар 2009 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган давр мобайнида, ишлаб чиқарилаётган ўз маҳсулотининг жаҳон бозори нархлари корхона маҳсулоти қийматидан паст бўлган ҳолларда, амортизацияни ўрнатилган меъёрлардан камроқ (кейинги ўринларда — пасайтирилган меъёрда) ҳисоблаши мумкин.

5. Агар ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган усул бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасидан юқори бўлган ҳолда, корхона-экспортёрлар амортизацияни пасайтирилган меъёрлар бўйича ҳисоблаши мумкин. Агарда корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган усул бўйича асосий воситалар ва номоддий активларга ҳисобланган амортизация суммаси ўрнатилган меъёрлар бўйича ҳисобланган амортизация суммасидан паст бўлган ҳолда, корхона-экспортёр фақатгина ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган амортизация ҳисоблашнинг усуллари қўллайди.

6. Пасайтирилган меъёр пасайтирувчи коэффициентни асосий воситаларнинг аниқ тури бўйича ўрнатилган амортизация меъёрига кўпайтириш орқали аниқланади.

7. Пасайтирувчи коэффициент экспорт қилинадиган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархини («чегараловчи баҳо» — қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун) корхона маҳсулоти қийматига нисбати сифатида аниқланади.

8. Пасайтирувчи коэффициент корхона-экспортёр томонидан мустақил равишда ҳар ҳисобот даври (чорак, ой)да ҳисобланади. Жорий давр учун пасайтирувчи коэффициентни ҳисоблаш учун мос равишдаги ўтган даврнинг ҳақиқий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бунда, агар бир неча турдаги маҳсулот экспорт қилинганда, корхона-экспортёр ҳар бир маҳсулот тури бўйича ҳисобланган пасайтирувчи коэффициентнинг хоҳлаганини қўллаш ҳуқуқига эга.

9. Пасайтирилган меъёрлар бўйича амортизацияни ҳисоблашда экспорт қилинаётган маҳсулот бирлигининг жаҳон бозори нархини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун корхона-экспортёр ихтиёрига кўра қуйидагилардан бири қўлланилиши мумкин:

а) бошқа чет эл корхоналари ёки миллий корхона-экспортёрлардан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлар;

б) оммавий ахборот воситалари (жумладан Интернет сайтларининг қоғоз

нухаси) ва махсус адабиётлар ва шу кабиларда чоп этилган экспорт қилинаётган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) товар-хом ашё биржалари, турли агентликлар, маслаҳат (консалтинг) ташкилотлари, махсус ваколатли органлар ва жаҳон бозори нархлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва чоп этиш билан шуғулланадиган бошқа юридик шахслардан ёзма шаклда олинган хулосалар ва маълумотлар, ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотнинг жаҳон бозори нархлари даражасини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

10. Корхона-экспортёрлар номоддий активлар бўйича амортизациянинг пасайтирилган меъёрларини қуйидагича аниқлайди: номоддий активнинг аниқ бир тури бўйича ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибда ҳисобланган амортизация меъёрини мазкур Вақтинчалик низомнинг 7-бандида кўзда тутилган тартибда ҳисобланган пасайтирувчи коэффициентга кўпайтирилади.

11. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш, мазкур объект асосий воситалар (номоддий активлар) таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қоплангунга қадар ёки ушбу объект балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

12. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш, мазкур объектларнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ қопланган ойдан ёки ушбу объектлар балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан тўхтатилади.

13. Асосий воситалар (номоддий активлар) объектлари бўйича пасайтирилган меъёрларда амортизация ажратмалари ҳисобот даври мобайнида ҳар ойда ҳисоблаб борилади.

14. Ишлаб чиқариши мавсумий тусга эга бўлган корхоналарда фойдаланиладиган асосий воситалар (номоддий активлар) бўйича пасайтирилган меъёрдаги амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси, ҳисобот йилида улардан фойдаланиш даврига тенг маромда ҳисобланади.

§ 3. Амортизация ажратмаларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш тартиби

15. Корхона-экспортёрлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги нархлари («чегараловчи баҳо» — қонунчиликка мувофиқ корхоналар учун) уларнинг таннархидан пасайиб кетган ҳолларда, корхона-экспортёрлар асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 6 ойгача бўлган муддатга тўхтатиб туришлари мумкин. Календарь йили давомида амортизация ҳисоблашни олти ой муддатгача тўхтатиб туришга рухсат этилади.

16. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш амортизация ҳисоблашнинг қўлланилаётган усули ва меъёридан қатъи назар, амалга оширилиши мумкин.

17. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни келишиш учун корхона-экспортёрлар амортизацияни тўхтатиб туришни бошлашдан бир ой олдин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қўйидаги ҳужжатларни корхона раҳбари ва бош бухгалтери имзоси билан тасдиқланган ва муҳрланган ҳолда тақдим этишлари лозим:

а) йўлланма хат;

б) амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш даври учун асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари суммаларининг ҳисоб-китоби;

в) йиллик амортизация умумий суммасининг сотиш нархига киритилган ҳолда ва келишилаётган муддат учун амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни ҳисобга олган ҳолда экспорт қилинадиган маҳсулотнинг кутилаётган (прогноزلаштирилган) ишлаб чиқариш таннархи ва сотиш нархлари;

г) ҳужжатлар тақдим қилинган санадаги экспорт қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат) бирлиги бўйича жаҳон бозоридаги нархи ва таннархи тўғрисидаги маълумотлар, жаҳон бозори нархларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда.

18. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришни келишаётган корхона-экспортёрлар зарур ҳолларда амортизацияни 6 ойгача тўхтатиб туришга доир қўшимча маълумот ва ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этишлари мумкин.

19. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш учун тақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ (соҳа) бошқармалари томонидан кўриб чиқилади ва зарурий ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатдан кечикмаган ҳолда вазирлик раҳбариятига амортизация ҳисоблашни олти ой муддатгача тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисида ёки тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ёзма тақдимнома киритади. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисидаги ёки тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги билдириш хати тегишли Молия вазири ўринбосари имзоси билан корхона-экспортёрга қонунчиликда белгиланган тартибда юборилади. Бунда амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик олти ойдан кам бўлган муддатга ҳам берилиши мумкин.

20. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш тўғрисидаги билдириш хатида амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришнинг аниқ муддати кўрсатилиши лозим. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик рад этилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бу ҳақда корхона-экспортёрни рад этиш учун асосларни кўрсатган ҳолда хабардор қилади. Амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик рад этилган корхона-экспортёр, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг кўрсатган камчиликларини бартараф этгандан сўнг, қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

§ 4. Якуний қоидалар

21. Мазкур Вақтинчалик низом билан белгиланган тартибда амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш даври ёки амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туриш даври тугаганидан сўнг, келгусида амортизацияни ҳисоблаш асосий воситалар ва номоддий активлар бошланғич (қайта тиклаш) қиймати тўлиқ қоплангунча ўрнатилган амортизация меъёрларига мувофиқ амалга оширилади.

22. Тақдим этилаётган ҳисоб-китоблар, бошланғич ҳужжатлар ва бошқа материаллар, ҳамда улар нусхаларининг ҳаққонийлиги ва асосланганлиги учун шахсий жавобгарлик корхона-экспортёрлар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юклатилади.

23. Мазкур Вақтинчалик низомда баён этилган тартибда амортизация ҳисоблашни тўхтатиб туришга розилик бериш ёки тўхтатиб туриш мақсада мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги таклифни ўз вақтида киритиш бўйича шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ (соҳа) бошқармалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

65 Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898*

(2009 йил 15 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-910-сонли «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори-га (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 267-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида

ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Халқ таълими вазири

Ғ. ШОУМАРОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
46-сон

Молия вазири

Ғ. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 31 декабрь,
121-сон

Халқ таълими вазири ва Молия
вазирига 2008 йил 31 декабрдаги
46, 121-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат
мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги ПҚ–910-сонли «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 267-модда) мувофиқ болалар (ўқувчилар)нинг (бундан кейинги ўринларда болалар деб юритилади) мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун тўланадиган тўловнинг миқдори, уни тўлаш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган мусиқа ва санъат мактабларига тааллуқлидир.

2. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланадиган миқдорларда ундирилади.

II. Ўқиш учун тўловни амалга ошириш тартиби

3. Мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг таълим олишлари учун тўловлар ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан кейинги ўринларда ота-оналар деб юритилади) ва мактаб маъмурияти томонидан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган тўлов ўқув йилининг (сентябрь — май) ойлари учун тўланади. Тўловлар ҳар ойда келгуси ойнинг 5-санасидан кечикмасдан тўланади.

5. Боланинг касаллиги даврида (2 ҳафтадан кам бўлмаганда) мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўлов олинмайди. Бунда, боланинг касаллиги тўғрисида ота-онанинг аризаси ва даволаш муассасасидан ёки ҳудуд шифо-коридан олинган маълумотнома тақдим этилиши зарур.

6. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун амалга ошириладиган тўлов банк муассасаларига тўланади ва тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция) нусхаси мусиқа ва санъат мактабига тақдим этилади.

7. Агар тўлов нақд пулсиз шаклда амалга оширилган бўлса, мусиқа ва санъат мактабига тўлов топшириқномасининг нусхаси (тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк белгиси қўйилган ҳолда) тақдим этилади.

8. Мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўланган тўлов ушбу муассасаларнинг алоҳида бюджетдан ташқари талаб қилиб олгунча банк депозит ҳисоб рақамига туширилади.

9. Агар тўлов ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган муддатдан икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактаби рўйхатидан чиқарилади.

10. Мусиқа ва санъат мактабида ўқийдиган боланинг таълим олиши учун тўланмаган тўлов бир ой ичида тўланган тақдирда, бола мазкур синфнинг дастурий талабини бажаргандан сўнг ўқувчилар сафига қайта тикланади.

11. Мазкур Низомга мувофиқ, мусиқа мактабларида таълим олиш учун ота-оналар томонидан амалга оширилган тўловдан тушган маблағ болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва концертмейстерларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

III. Ўқиш учун тўловлардан озод этиш ҳамда ўқитувчи ва концертмейстерларга ҳар ойлик устамалар белгилаш бўйича Комиссиянинг фаолияти

12. Ҳар бир мусиқа ва санъат мактабида ўқиш учун тўловлардан озод этиш ва ўқитувчи ҳамда концертмейстерларга ҳар ойлик устамалар белгилаш бўйича Комиссия (бундан кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) тузилади.

13. Комиссия мактаб директори буйруғи асосида 5 — 7 кишидан иборат бўлган таркибда тайинланади.

Комиссия раиси — мактаб директори.

Комиссия аъзолари — маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари (масъул котиб), мусиқа ва санъат мактабининг касаба уюшмаси раиси, икки етакчи ўқитувчи ва ота-оналар кўмитасининг икки вакили.

14. Комиссиянинг асосий вазифаси қуйидагилар ҳисобланади:

а) молия йилининг бошланишида, зарур ҳолларда ўқув йили давомида ота-оналарни болаларнинг ўқиши учун белгиланган тўловдан озод этиш масаласини кўриб чиқиш;

б) ўқув йилининг бошланишида, шунингдек, зарур ҳолларда ўқув йили давомида ойлик устама белгилаш бўйича ўқитувчи ва концертмейстерларнинг номзодларини кўриб чиқиш ҳамда ҳар ойлик устама белгилаш.

15. Комиссия:

а) тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади;

б) қарор баённомасини директорга тасдиқлаш учун топширади.

16. Ўқитувчи ва концертмейстерларга устама белгилаш учун номзодларни кўриб чиқишда ўқитувчи ва концертмейстерларнинг тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари, касбий маҳорати, ўқитиш сифати ва юксак кўрсаткичлари тўғрисидаги мусиқа ва санъат мактабларининг бўлим бошлиқлари томонидан бериладиган тавсияномалар Комиссияга тақдим этилиши керак.

17. Комиссия, зарур ҳолларда, ўқув йили бошида белгиланган устамалар миқдорининг муддатидан олдин ўзгарганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

IV. Ўқиш учун тўловлардан озод қилиш тартиби

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 22-24-сон, 159-модда) асосан мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар умумий сонининг (ўқув йили бошланишида) 25 фоизи доирасида кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли болалари таълим олишлари учун тўловдан озод этиладилар.

19. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тўловдан озод этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

а) ота-оналарнинг аризаси;

б) 16 (18) ёшгача бўлган фарзандлари бор оилаларнинг ҳар ойлик оладиган нафақаси ва оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган жами даромади тўғрисидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган маълумотнома;

в) ўқувчининг ўзлаштириш табели ва тавсифномаси;

г) ўқувчининг республика, вилоят, туман (шаҳар) кўрик-танловлари,

фестиваллар, кўргазмалардаги иштирокини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар мавжуд бўлса).

20. Тўловдан озод этилган кам таъминланган оила фарзандлари рўйхати Комиссия томонидан молия йилининг бошланишида аниқланади ва Комиссия қарори баённомаси асосида мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади.

21. Оиланинг бир аъзосига бир ойда тўғри келадиган жами даромади энг паст даражада бўлган кам таъминланган оилаларнинг болаларини рўйхатга биринчи навбатда киритиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлдириб борилади.

Рўйхатга кирмаган кам таъминланган оилаларнинг болаларидан захира шакллантирилади.

22. Мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун белгиланган тўловлардан етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болалар ҳам озод этиладилар.

23. Давлат қарамоғида бўлган етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг ўқиши учун тўловдан озод этишга халқ таълими бўлимлари томонидан берилган маълумотномалар асос бўлади.

V. Ота-оналарнинг тўловидан тушган маблағлардан фойдаланиш тартиби

24. Ўқиш учун тўланган ота-оналар тўлови маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

- а) 50 фоизи мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;
- б) 40 фоизи мактаб педагог ходимларининг умумий сони кўрсаткичининг 50 фоизидан ошмаган ўқитувчи ва концертмейстерларга ҳар ойлик базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача моддий рағбатлантиришга;
- в) 10 фоизи халқаро ва республика, вилоят, туман (шаҳар) кўрик-танловлари, фестиваллар, кўргазмалардаги ютуқлари учун рағбатлантиришга, шунингдек, ўқувчиларни театр, концерт, музейларга ташрифи ҳамда маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга.

25. Ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг тақсимланиши Комиссия қарори асосида мактаб директори буйруғи билан тасдиқланади.

26. Ўқитувчи ва концертмейстерларга белгиланадиган устама миқдори уларнинг тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари, ўқув жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси учун 100 баллик тизим асосида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ баҳоланади

Бунда:

а) 80 балл ва ундан кўп баллни тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача;

б) 60 баллдан 80 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари учун базавий тариф ставкасининг 10 фоизигача устама белгиланади.

27. Ўқитувчи ва концертмейстерларга белгиланадиган устама миқдори уларнинг касбий маҳорати ва педагогик ишларининг юқори кўрсаткичлари учун 100 баллик тизим асосида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ баҳоланади.

Бунда:

а) 70 баллдан 80 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача устама белгиланади;

б) 60 баллдан 70 баллгача тўплаган ўқитувчи ва концертмейстерларга базавий тариф ставкасининг 20 фоизигача устама белгиланади.

VI. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи

28. Мусиқа ва санъат мактабларида болаларнинг ўқиши учун амалга оширилган тўлов тушумининг бухгалтерия ҳисоб-китоби қуйидагича:

юридик шахс мақомига эга бўлмаган мактабларда — ҳудудий молия органининг халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими томонидан;

юридик шахс мақомига эга бўлган мактабларда — уларнинг бухгалтерияси томонидан амалга оширилади.

29. Ота-оналар тўловларининг ҳисоби бухгалтерия ҳисоб-китобида қуйидаги бухгалтерия қайдномалари орқали расмийлаштирилади:

Дт	172
Кт	236

Ота-оналар тўловидан тушган суммага қуйидаги бухгалтерия қайдномаси берилади:

Дт	111
Кт	172

Тушган маблағларни мусиқа ва санъат мактаблари томонидан ишлатишда қуйидаги бухгалтерия қайдномасидан фойдаланилади:

Дт	178 (120)
Кт	111

Мусиқа мактабларининг ота-оналар тўлови тушумининг аниқ сарфла ниши ўқув йили давомида дебет бўйича 211 ёрдамчи ҳисобварағи ва ҳисобот йилининг якунида дебет бўйича 211 ёрдамчи ҳисобварағидаги сарф-харажатлар 236 ёрдамчи ҳисобварағидаги якуний оборотлар асосида ёпилади.

VII. Яқуний қоидалар

30. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ота-оналар томонидан тўловни амалга ошириш ва педагог ходимларга белгиланадиган устамаларнинг мониторингини олиб боради.

31. Юридик шахс мақомига эга бўлган таълим муассасасининг раҳбари ва бош ҳисобчиси ота-оналар тўлови тушумини мақсадли сарфлаш бўйича жавобгар ҳисобланади.

32. Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун тўланадиган ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг ўз вақтида қабул қилиниши, шунингдек, мақсадли сафланиши ҳамда педагог ва концертмейстерларнинг устамалари миқдорини ҳисоблашнинг тўғри тақсимланиши бўйича назорат олиб борилади.

33. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа
ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ
тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўқув-тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг асосий кўрсаткичлари

Т/р	Баҳолашнинг юқори бали	
1.	Ота-оналар билан ишлашнинг педагогик мақсадга мувофиқ кўрсаткичлари ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий савиясини кўтариш ва иқтидорини ривожлантирганлик бўйича	20 балл
2.	Мактаб жамоат ишларидаги фаол иштироки учун	10 балл
3.	«Мусиқа маданияти ва санъати» фани бўйича умумтаълим мактабларига услубий ёрдам берганлик ва ҳамкорлик қилганлиги учун	20 балл
4.	Умумтаълим мактаблари, меҳрибонлик уйлари, маҳаллалар ва бошқа таълим муассасаларида ўқувчиларнинг концертларини ташкил этиш ва ўтказиш учун	20 балл
5.	Ўқувчиларнинг концертлар, музейлар, театр ва кўرғазмаларга олиб боришини ташкил этганлиги учун	10 балл
6.	Болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим олиш учун ўқувчиларни қабул қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб борганлиги учун	20 балл

Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа
ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ
тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўқитувчи ва концертмейстерлар маҳоратининг асосий
кўрсаткичлари**

Т/р	Баҳолашнинг юқори бали	
1.	Юксак маҳорат ва таълим жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси ҳамда ўқитишнинг юқори кўрсаткичлари ва сифати учун	15 балл
2.	Ишда таълимнинг энг янги методларини қўллаш, ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий шаклларини жорий этиш, ўқитадиган фанига қизиқиш уйғота билиш учун	20 балл
3.	Болалар мусиқа ва санъат мактабининг ривожига қўшган ҳиссаси, таълим муассасасининг жамоат ишларидаги фаол иштироки учун	20 балл
4.	Ўз устида доимий равишда ишлаш, юқори малака ва профессионал маҳорат учун	10 балл
5.	Билим олишнинг барқарор даражасини, тестлар асосида аниқланувчи (академик концертлар, имтиҳонлар) таълимнинг юқори сифатини таъминловчи педагогик ишнинг юқори самараси учун	10 балл
6.	Иқтидорли ўқувчилар билан алоҳида ишлашни ташкил этиш, халқаро ва республика кўргазма-танловларида юқори натижаларга эришиш учун	20 балл
7.	Иқтидорли ўқувчиларни ушбу йўналиши бўйича академик лицей ва коллежларга киришга тайёрлаш учун	5 балл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**66 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-
чисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тас-
диқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899*

(2009 йил 16 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.,
29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 28 июлдаги 160-сонли «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилма-
сини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига
(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон,
298-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Рес-
публикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги ни-
зомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й.,
3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички
назорати тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-
тилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 29 ноябрь,
2008-41-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2008 йил 29 ноябрдаги
2008-41-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 278-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 июлдаги 160-сонли «Қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 31-32-сон, 298-модда) мувофиқ қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

Мазкур Низом талаблари қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларга татбиқ қилинади, тижорат банклари ва суғурталовчилар бундан мустасно.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (кейинги ўринларда — профессионал иштирокчи) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчининг ички назорати (кейинги ўринларда — ички назорат) — профессионал иштирокчиси фаолиятининг қонун ҳужжатлари талабларига, профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолияти билан боғлиқ унинг ички ҳужжатларига мувофиқлиги устидан назорат (кейинги ўринларда — ички ҳужжатлар);

профессионал иштирокчининг назоратчиси (кейинги ўринларда — назоратчи) — профессионал иштирокчининг мазкур Низомга мувофиқ ички назоратни амалга оширишга масъул бўлган мансабдор шахси;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

II. Ички назоратни ташкил этиш

2. Ички назоратни амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда профессионал иштирокчининг ваколатли бошқарув органи томонидан тайинланадиган назоратчи зиммасига юклатилади.

3. Назоратчи ўз фаолияти давомида профессионал иштирокчининг кузатувчи кенгашига ҳисобдор бўлади. Кузатув кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолда назоратчининг фаолиятини назорат қилишни профессионал иштирокчининг ижроия органи амалга оширади.

4. Профессионал иштирокчи томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб борилган ҳолда, ички назоратни амалга ошириш бир нечта назоратчилар зиммасига юклатилиши мумкин.

5. Профессионал иштирокчи ички назоратни амалга ошириш учун назоратчи раҳбарлиги остида алоҳида таркибий бўлинмани шакллантиришга ҳақли.

6. Назоратчи ўз фаолиятида профессионал иштирокчининг бошқа таркибий бўлинмаларидан мустақилдир.

7. Назоратчи лавозими профессионал иштирокчининг ходимлар штатига киритилади. Назоратчи лавозимидаги иш ўрни назоратчи учун асосий иш жойи бўлиши керак. Назоратчи ишни бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ профессионал иштирокчиларда бирга қўшиб олиб боришга ҳақли эмас.

8. Профессионал ишрокчи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан келишилган ҳолда профессионал иштирокчининг кузатувчи кенгаши томонидан тасдиқланган ички назорат тўғрисидаги Йўриқномага (кейинги ўринларда — Йўриқнома) эга бўлиши керак. Кузатувчи кенгаши мавжуд бўлмаган ҳолда Йўриқнома профессионал иштирокчининг ижроия органи томонидан тасдиқланади.

9. Йўриқномада қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

назоратчини тайинлаш ва уни ишдан бўшатиш тартиби;

назоратчининг вазифалари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг рўйхати;

келиб тушган шикоятлар, мурожаатлар ва аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари;

назоратчи томонидан қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилиши аниқланган ҳолда унинг ҳаракатлари тартиби;

назоратчи томонидан ҳисобот ҳужжатларини тақдим этиш шакли ва муддатлари;

профессионал иштирокчининг филиалларида ички назоратни амалга ошириш тартиби (қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи филиаллар мавжуд бўлган ҳолда);

назоратчининг ҳисоботлари кузатувчи кенгаши ва ижроия органига тақдим этилмаган ёки ўз вақтида тақдим этилмаган ҳолларда назоратчининг жавобгарлиги.

Йўриқномада ички назоратни амалга оширишни тартибга солувчи бошқа қоидалар ҳам акс эттирилиши мумкин.

10. Профессional иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи филиали мавжуд бўлган ҳолда, филиалнинг ходимлар штатига филиал назоратчиси киритилади.

Агарда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бевосита филиал томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ вазифаларни бажараётган филиалнинг штатида ходимлар сони уч кишидан кам бўлса, профессионал иштирокчининг бош ташкилоти назоратчиси филиал назоратчиси вазифаларини бажариши мумкин.

Профессional иштирокчининг қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш бўйича фаолиятни амалга ошираётган филиали штатига филиалнинг штатидаги ходимлар сонидан қатъи назар, филиал назоратчиси киритилган бўлиши керак.

11. Филиал назоратчисига мазкур Низомнинг меъёрлари қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда татбиқ этилади:

филиал назоратчиси ўз фаолиятида филиалнинг бошқа ходимларидан мустақил ва филиал раҳбарига ва бош ташкилотнинг назоратчисига ҳисобдордир;

филиал назоратчиси аниқланган барча қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилиши тўғрисида филиал раҳбари ва бош ташкилотнинг назоратчисига ахборот беради;

филиал назоратчиси филиал фаолиятига тегишли бўлган ҳисобот ҳужжатларини мазкур Низомда белгиланган тартибда бош ташкилот назоратчиси ва филиал раҳбарига тақдим этади.

III. Назоратчига қўйиладиган талаблар

12. Назоратчи лавозимига тайинланадиган шахс қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

13. Профессional иштирокчининг назоратчиси ички назорат вазифаларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлмаган лавозим мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас.

14. Қуйидаги шахс назоратчи бўлиши мумкин эмас:

қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг амалдаги малака гувоҳномасига эга бўлмаган;

қуйидаги мутахассисликлардан бири бўйича олий маълумотга эга бўлмаган: молиявий-иқтисодий, юридик, математик ёхуд ахборот технологиялари;

профессional иштирокчида, фонд биржаларида ёхуд иқтисодий, молиявий ва юридик фаолият соҳаларида ёки кўрсатилган йўналишлар бўйича давлат бошқарув органларида камида икки йиллик иш стажига эга бўлмаган;

ушбу шахснинг айби билан йўл қўйилган лицензия талаблари ва шарт-

лари бузилганлиги учун кўрсатилган ташкилотларнинг мувофиқ фаолият турини амалга оширишга берилган лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилган пайтда якка ижроия органи вазифаларини бажарган, коллегиял ижроия органи таркибига кирган ёки профессионал иштирокчи, фонд биржаси, кредит, суғурта ёки аудиторлик ташкилотларининг таъсисчиси бўлган, агар бундай тўхтатиш пайтидан бошлаб уч йилдан кам вақт ўтган бўлса;

иктисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган;

юридик шахс банкрот деб эътироф этилган пайтда якка ижроия органи вазифаларини бажарган ёки унинг коллегиял ижроия органи таркибига кирган ва эътироф этилган пайтдан бошлаб икки йил ўтмаган бўлса.

15. Профессионал иштирокчи қонун ҳужжатларига мувофиқ Йўриқномада назоратчига қўшимча талабларни ўрнатишга ҳақли.

IV. Назоратчининг вазифалари

16. Назоратчи ўз фаолиятини амалга ошираётганда қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) Йўриқнома талабларига риоя этишни таъминлайди;

б) профессионал иштирокчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, профессионал иштирокчининг ички қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

в) профессионал иштирокчи томонидан профессионал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган профессионал иштирокчига келиб тушган мурожаат, ариза ва шикоятларни кўриб чиқади;

г) профессионал иштирокчи томонидан қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланганлиги тўғрисида профессионал иштирокчининг раҳбарини дарҳол хабардор қилади, қонунбузилишнинг содир бўлиши сабабларини ва унда айбдор бўлган шахсларни белгилайди;

д) аниқланган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг бузилишлари бартараф этилишини ва профессионал иштирокчининг келгуси фаолиятидаги шунга ўхшаган қонунбузилиши юзасидан огоҳлантиришлар бўйича тадбирларга риоя этилишини назорат қилади;

е) профессионал иштирокчининг кузатувчи кенгаши ва ижроия органига уларнинг расмий талабига мувофиқ маълумотларни тақдим этади;

ж) профессионал иштирокчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича бошқа вазифаларни амалга оширади.

V. Назоратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Назоратчи:

профессионал иштирокчининг ички ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларда иштирок қилиш;

профессионал иштирокчининг ҳужжатларини тақдим қилинишини талаб

қилиш ва қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган маълумотлар базаси ва регистрлар мазмуни билан танишиш;

мажбуриятлари қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган профессионал иштирокчининг ходимларидан назоратчи вазифасини амалга ошириш учун зарур бўлган тегишли ахборотларни тақдим қилишини талаб қилиш;

мажбуриятлари қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган профессионал иштирокчининг ходимларидан уларнинг ўз мажбуриятларини бажарилиши жараёнида юзага келадиган масалалар бўйича ёзма тушунтиришлар тақдим қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Назоратчи Йўриқномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

18. Назоратчи:

назоратчининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишга;

профессионал иштирокчининг ички назорат тўғрисидаги ички ҳужжатлари талабларига риоя қилишга;

ўз вазифаларини тегишли равишда бажаришга;

профессионал иштирокчи ва унинг ходимларидан олинган ҳужжатлар ва файлларнинг аслини сақланиши ва уларга қайтарилишини таъминлашга;

ички назоратни ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича профессионал иштирокчининг ходимларига маслаҳат беришга;

олинган ахборотларга нисбатан хизмат сирига риоя этишга мажбурдир.

Назоратчи Йўриқномада белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам олади.

19. Назоратчи томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган ҳолда, назоратчи иш кунидан кечиктирмасдан аниқланган қонунбузилиши тўғрисида профессионал иштирокчисининг раҳбарига ахборот беради.

Профессионал иштирокчининг раҳбари назоратчи томонидан аниқланган қонунбузилишлари тўғрисида ёзма равишда иш кунидан кечиктирмасдан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ахборот беради.

20. Назоратчининг мазкур Низом билан унга берилган ҳуқуқлар доирасидаги талаблари профессионал иштирокчининг барча ходимлари учун мажбурий ҳисобланади.

VI. Назоратчининг ҳисобдорлиги

21. Назоратчи ўз вазифаларини бажариш вақтида:

аниқланган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилишини текшириш тўғрисидаги ҳисоботни (кейинги ўринларда — қонунбузилишини текшириш тўғрисида ҳисобот) — қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг қонунбузилиши аниқлангандан сўнг икки иш кунидан кечиктирмасдан;

чораклик ҳисоботни — ҳар чорак якуни бўйича ҳар бир чорак тугаганидан сўнг ўн беш кундан кеч бўлмаган муддатда тузади.

Ҳисоботлар ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган профессионал иштирокчининг тегишли бошқарув органига улар тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

22. Қонунбузилишини текшириш тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

текшириш асослари ва уни ўтказиш муддатлари тўғрисидаги;

текшириш жараёнида тасдиқланган ва бошқа аниқланган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги;

қонунбузилишини содир этилишининг белгиланган сабаблари ва бунда айбдор шахслар тўғрисидаги;

қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилишини бартараф этиш ва шунга ўхшаш қонунбузилишларидан огоҳлантириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тўғрисидаги.

Назоратчи томонидан илгари аниқланган, бироқ бартараф этилмаган қонунбузилишини такрорий аниқланган ҳолда назоратчи қонунбузилишини текшириш тўғрисида янги ҳисоботни тузмасликка ҳақли. Бунда, илгари аниқланган қонунбузилишининг бартараф қилинмаганлиги тўғрисидаги ахборот, назоратчининг чораклик ҳисоботига киритилиши лозим.

Бир хилдаги қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг бузилишлари (битта ва шу каби сабаблар бўйича йўл қўйилган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларининг шу каби бир хил талабларининг бузилишлари) тўғрисидаги, шунингдек битта текширишни ўтказиш жараёнида аниқланган ўзаро боғланган қонун ҳужжатлари ва ички ҳужжатларнинг бузилишини (агарда битта қонунбузилиши бошқаси сабабли келиб чиқса) тўғрисидаги маълумотлар қонунбузилишини текшириш тўғрисидаги ягона ҳисоботда акс эттирилиши мумкин.

23. Чораклик ҳисобот қуйидаги умумлаштирилган маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим:

ўтказилган текширишлар сони кўрсатилган ҳолда чорак мобайнида ўтказилган текширишлар, текшириш ўтказиш вақтида аниқланган қонунбузилишлари, тегишли қонунбузилишларга йўл қўйилиш сабаблари ва уларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги;

муружаатлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги (кўриб чиқилган муружаатлар, аризалар ва шикоятлар сони тўғрисидаги, муружаатлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган қонунбузилишлари, тегишли қонунбузилишларга йўл қўйилиш сабаблари, профессионал иштирокчининг келгуси фаолиятида шунга ўхшаш қонунбузилишларни бартараф этиш ва огоҳлантириш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги);

профессионал иштирокчининг келгуси фаолиятида қонун ҳужжатлари, профессионал иштирокчининг ички қодалари талабларининг бузилишидан огоҳлантириш бўйича тавсиялар;

професионал иштирокчи томонидан амалга ошириладиган операциялар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни бажариш тўғрисидаги;

хизмат ахборотларидан ноқонуний фойдаланиш, нархлар борасида ҳийланайранг ишлатиш, манфаатлар тўқнашувини олдини олишга қаратилган тадбирни амалга ошириш ва қимматли қоғозлар бозоридаги професионал фаолият билан боғлиқ таваккалчиликни камайтириш бўйича тадбирлар тўғрисидаги.

Чораклик ҳисоботга професионал иштирокчи ходимларининг малакасини ошириш, ички назоратни ташкил қилишни яхшилаш бўйича тавсиялар, шунингдек бошқа ахборотлар киритилиши мумкин.

24. Назоратчи алоҳида йиғмажилдлар номенклатурасини шакллантириш йўли билан ҳисоботлар ҳисобининг юритилишини ва уларнинг сақланишини ташкил қилади.

25. Назоратчининг ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари професионал иштирокчининг қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади ва агарда Йўриқномада узоқроқ муддат белгиланган бўлмаса, беш йилдан кам бўлмаган муддат давомида сақланиши лозим.

VII. Мурожаатлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби

26. Професионал иштирокчига келиб тушадиган мурожаатлар, шу жумладан аризалар ва шикоятлар кўриб чиқиш учун назоратчига юборилади ва професионал иштирокчи томонидан белгиланган кирим ҳужжатларини рўйхатга олиш тартибига мувофиқ рўйхатга олинishi лозим.

27. Мурожаатларни кўриб чиқиш мазкур Низомда белгиланган алоҳида хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

28. Аризачига мурожаат, ариза ёки шикоятларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ёзма жавоб хатида аризачи томонидан баён этилган ҳар бир далилга нисбатан асослантирилган жавоб акс эттирилиши керак.

29. Мурожаат, ариза ва шикоят юзасидан жавоб хатини професионал иштирокчининг раҳбари ва назоратчи имзолайди.

30. Професионал иштирокчи аризачиларга унинг томонидан хабар берилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

VIII. Професионал иштирокчининг раҳбари ва ходимларининг мажбуриятлари

31. Професионал иштирокчининг раҳбари: назоратчига унинг ўз мажбуриятларини бажарилишида ёрдам кўрсатади; аниқланган қонун ҳужжатлари, ички ҳужжатларининг бузилишларини,

шунингдек қонунбузилишини содир этилишига имкон яратувчи сабаб ва шароитларни бартараф этилишини ташкил қилади.

32. Профессинал иштирокчининг (профессинал иштирокчи филиалининг) ходимлари:

назоратчига унинг ўз мажбуриятларини бажарилишида ёрдам кўрсатдилар;

профессинал иштирокчининг бошқа ходимлари ёки бошқа шахслар томонидан содир этилиши кутилаётган қонун ҳужжатларининг, ички қоидаларнинг бузилишлари тўғрисида дархол назоратчига маълум қиладилар;

рўй берган манфаатлар тўқнашуви тўғрисида, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ улар манфаатдор шахслар деб топилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисида назоратчини хабардор қиладилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг аффилиланган шахслари деб топилиши мумкин бўлган мижозлар тўғрисида назоратчини хабардор қиладилар;

мижозлар томонидан кўрсатилган маълумотлар бўйича узоқ вақт (бир ҳафтадан ортик) давомида алоқа ўрнатиш мумкин бўлмаган мижозлар тўғрисида назоратчини хабардор қиладилар.

IX. Яқуний қоида

33. Мазкур Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

67 Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1900*

(2009 йил 16 февралдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ мобиль алоқадан фойдаланиш ва хизматлар кўрсатиш тартиби ҳамда

шартларини, мобиль алоқа тармоғи операторлари ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек, уларнинг жавобгарликларини белгилаш мақсадида **буюраман:**

1. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан кейин кучга киради.

**Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 январь,
2-сон

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш
агентлиги бош директорининг
2009 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова), Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 219-модда), «Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда) ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда) қонунларига мувофиқ, мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳамда уни кўрсатиш тартиби ва шартларини, мобиль алоқа тармоқлари операторлари ва абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек уларнинг жавобгарлигини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар мобиль алоқа абонентлари (бундан кейин матнда абонентлар деб юритилади) ва мобиль алоқа тармоқлари операторлари (бундан кейин матнда операторлар деб юритилади) фойдаланиши учун мажбурий ҳисобланади.

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

абонент — мобил алоқа хизматлари кўрсатилиши учун оператор билан шартнома тузган юридик ёки жисмоний шахс;

абонент рақами — мобил алоқа хизматлари кўрсатилиши учун шартноманинг амал қилиш даврида абонентга оператор томонидан ажратиладиган рақам;

абонент қурилмаси — абонентга мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи мобил алоқа тармоғининг охириги ускунаси, элементи;

тарификация бирлиги — оператор томонидан белгиланган тарификация тизимига боғлиқ бўлган кўрсатиладиган хизматнинг тўланадиган бирлиги;

хизмат кўрсатиш зонаси — оператор лицензия битими асосида алоқа хизматларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладиган ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган шартларга жавоб берадиган хизматлар сифатини таъминлаш учун техник имкониятларга эга бўлган ҳудуд;

оператор — мобил алоқа тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва лицензияга асосан мобил алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

мобил алоқа тармоғи — абонентларга мобил алоқа (телефон, маълумотларни узатиш ва бошқалар) хизматларини кўрсатувчи техник воситалар (коммутацион ва радиоускуна, абонент қурилмалари, уловчи линиялар, иншоотлар ва ш. к.) мажмуи. Мобил алоқа тармоқларига алоқанинг мобил радиотелефон (сотали, транк, локал-транк, радиал-зона, глобал шахсий мобил йўлдошли) тармоқлари қиради;

йирик авария — тармоқ ва мобил алоқа хизматларини кўрсатиш харақати тўхтатилишига олиб келадиган авария;

тариф режаси — оператор бир ёки нечта мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни тақдим этадиган баҳоли шартлар жами;

SIM-карта — абонент қурилмасининг идентификациясини, унинг мобил алоқа тармоғидан фойдаланишни, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояни таъминланиши ёрдамида қурилган микро-схемали идентификацион модуль.

3. Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ операторларнинг фаолияти белгиланган тартибда олинган лицензия асосида ҳамда оператор ва лицензия берувчи орган ўртасида тузилган лицензия битимига мувофиқ амалга оширилади.

4. Мобил алоқа хизматларини кўрсатишда операторлар ҳамда телекоммуникация тармоқларининг бошқа операторлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ, улар ўртасида тузилган шартномалар билан тартибга солинади.

5. Мобил алоқа хизматлари оператор ва абонент ўртасида тузилган мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси асосида тақдим этилади.

6. Абонент оператордан мобил алоқанинг абонент қурилмасини сотиб олиши ёки ижарга олиши ёхуд ўзининг шахсий абонент қурилмасидан фойдаланиши мумкин.

7. Фойдаланилаётган абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларга мувофиқ, усқунанинг ушбу турига қўйиладиган белгиланган техник талабларга жавоб бериши керак.

8. Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар соҳасидаги махсус ваколатли орган «Фавқулодда ҳолатларда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш ёки чеклаш тартиби тўғрисида»ги низомда (2007 йил 27 ноябрь, рўйхат рақами 1743 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 492-модда) белгиланган тартибда мобиль алоқанинг исқталган тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, уларнинг ишлашини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

9. Операторлар одамларнинг денгиздаги, ердаги, ҳаводаги, космик фазодаги ҳавфсизлигига, Ўзбекистон Республикасида мудофаа, ҳавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни ўтқазишга тааллуқли хабарлар, шунингдек йирик авариялар, фалокатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда вазиятлар ҳақидаги хабарларга муқлак устуворлик тақдим этишлари лозим.

10. Операторлар телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган телефон сўзлашувлари ва бошқа хабарлар, шунингдек уларга тааллуқли бўлган барча маълумотлар сир тутилишига риоя қилишга мажбур.

Телефон сўзлашувларини эшитиш, телекоммуникация тармоқлари орқали узатилаётган хабарлар билан танишиш, улар тўғрисидаги маълумотларни олишга, шунингдек сўзлашувлар сирларига доир бошқа чекланишларига қонун билан белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

11. Оператор шартномани бажариш туфайли унга ошқор бўлган абонент тўғрисидаги маълумотларни, абонентнинг розилигисиз учинчи шахсларга бериши ёки тарқатишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2-§. Абонентларга кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматлари

12. Абонентларга оператор томонидан кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматларининг рўйхати операторга тегишли бўлган мобиль алоқа тармоғининг техник имқониятларини ҳисобга олган ҳолда оператор томонидан белгиланади.

13. Абонентларга кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматлари шартнома шартларига, шунингдек операторнинг хизматлар тўғрисида ахборотига мувофиқ бўлиши керак.

14. Оператор абонентга мобиль алоқа хизматларидан кеча-кундуз фойдаланиш имқонини таъминлашга мажбур.

15. Оператор ахборот-маълумот хизмат тизимини яратишга ва пулли ҳамда бепул ахборот-маълумот хизматларини кўрсатишга мажбур.

16. Оператор томонидан кўрсатиладиган бепул хизматларга қўйидагилар киради:

а) оператор томонидан тақдим этиладиган мобиль алоқа хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

б) операторнинг мобиль алоқа тармоғига хизмат кўрсатиш зонаси тўғрисида ахборот бериш;

в) мобиль алоқа хизматларига тарифлар тўғрисида ахборот бериш;

г) абонент шахсий ҳисоб рақамининг ҳолати тўғрисида ахборот бериш;

д) ахборот-маълумот хизматлари тўғрисида ахборот бериш;

е) оператор (филиаллари)нинг реквизитлари (жойлашган ўрни) ва иш тартиби тўғрисида ахборот бериш;

ж) абонентдан техник носозликлар, SIM-карта ёки абонент қурилмаси йўқолганлиги (SIM-карталардан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун), абонентнинг шахсий маълумотлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш;

з) мобиль алоқа тармоқларида абонент қурилмасидан фойдаланиш имконияти тўғрисида ахборот бериш.

Бепул ахборот-маълумот хизматларининг рўйхати оператор томонидан мустақил кенгайтирилиши мумкин.

17. Оператор пулли ахборот-маълумот хизматларининг рўйхатини мустақил равишда белгилайди.

18. Оператор тақдим этиладиган хизматлар, уларни тақдим этиш ва мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш тартиби, ушбу хизматларга тарифлар, мобиль алоқадан фойдаланишда чекланишлар тўғрисида абонентларни, шунингдек мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома ни тузиш истаги бўлган жисмоний ва юридик шахсларни хабардор қилишга мажбур.

Тарифлар, хизмат кўрсатиш тартиби, ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби ўзгарган ҳолда, оператор абонентларни бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ўзи танлаган бошқа усулда хабардор қилиши лозим.

Оператор тармоғида мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишининг тўхтатилишига олиб келадиган йирик авариялар юз берганда, оператор абонентларни бу ҳақда, шунингдек хизматларни кўрсатиш тикланишининг тахминий муддатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилишга мажбур.

19. Оператор ҳар бир абонентга тегишли хизматлар учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ягона рақамларни абонент томонидан териш ёрдамида фавқулодда тезкор хизматларни бепул ва кеча-кундуз давомида чақириш имкониятини таъминлаши керак. Фавқулодда тезкор хизматларга қуйидагилар киради:

а) ёнғинга қарши ёрдам;

б) ички ишлар органлари (милиция);

в) тез тиббий ёрдам;

г) газ тармоғининг авария хизмати;

д) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қутқарув хизмати.

3-§. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузиш тартиби ва шартлари

20. Мобиль алоқа тармоғидан фойдаланишни таъминлаш ва мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш оператор ва абонент ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

21. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

22. Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартнома икки томонлама шартнома бўлиб, у тузилган вақтдан бошлаб кучга киради.

23. Абонент ва оператор ўртасидаги шартнома маълум муддатга ёки уни кўрсатмасдан тузилган бўлиши мумкин.

24. Шартномада қуйидагилар акс этган бўлиши лозим:

а) шартнома предмети;

б) шартнома тузилган сана ва жойи;

в) оператор номи (фирма номи);

г) операторнинг банк реквизитлари;

д) абонент тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжат реквизитлари — жисмоний шахс учун, номи (фирма номи), банк реквизитлари, жойлашган ери — юридик шахс учун);

е) операторга рақамлаш захирасидан ажратилган абонент рақамини абонентга тақдим этиш;

ж) шартномани тузишда абонент томонидан танланган хизматлар рўйхати;

з) ҳисоб-китоблар тартиби, муддатлари ва шакли;

и) ҳисобни етказиб бериш усули;

к) томонлар ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Шартномадаги абонент тўғрисидаги маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ ўзгаришлар қўшимча тўлов ундирилмасдан киритилиши керак.

Шартномада қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига зид келмайдиган бошқа шартлар бўлиши мумкин.

25. Оператор абонентни алоҳида ҳақ эвазига кўрсатиладиган мобиль алоқа хизматларидан фойдаланишга мажбурлашга ҳақли эмас.

26. Оператор битта хизматни кўрсатиш технологик жиҳатдан бошқа хизмат билан шарт қилиб қўйилган ҳолатдан ташқари, мобиль алоқанинг битта хизматини кўрсатиш учун алоқанинг бошқа хизматларини кўрсатишни шарт қилиб қўйишга ҳақли эмас.

27. Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) абонентнинг ташаббуси бўйича, бекор қилиш сабаби кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда;

б) операторнинг ташаббуси бўйича, ушбу Қоидалар ёки шартнома шартларида белгиланган талаблар абонент томонидан бузилганда;

в) агар абонент — жисмоний шахс вафот этганда ёки абонент — юридик шахс тугатилганда тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда;

г) давлат органининг ҳужжат қабул қилиши натижасида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш имкони бўлмай қолган тақдирда;

д) шартномада ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

28. Шартнома бекор қилинганда, томонлар ўзларининг барча мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларини амалга оширишлари керак.

4-§. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

29. Оператор қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) абонентларга хизматлар кўрсатиш;

б) абонент томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда хизматларни тўхтатиш;

в) мобиль алоқа тармоғида хабарларни узатишда хавфсизликни таъминлаш ва тармоқ абонентларига кўрсатилаётган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишининг тўхтатилиши назарда тутилган техник тадбирларни ўтказиш;

г) абонентнинг айби билан кўрилган моддий зарар қопланишини талаб қилиш.

Оператор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

30. Оператор қуйидагиларга мажбур:

а) ўз фаолиятини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга ҳамда мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириш;

б) хизмат кўрсатиш зонасида мобиль алоқа тармоғининг ишини фойдаланилаётган стандартнинг техник нормаларига мувофиқ таъминлаш;

в) мобиль алоқа хизматларини сифатли ва ўз вақтида кўрсатилишни таъминлаш;

г) кўрсатилган хизматларнинг камчиликларини шартномада ёки қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда бартараф этиш;

д) шартномада белгиланган муддатларда кўрсатилган хизматлар учун ҳисобларни бериш, уларни абонентларга шартномада кўрсатилган усул билан тақдим этиш, абонентлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

е) абонентдан тўлов олингандан кейин, абонентга мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишини тиклаш;

ж) абонентнинг талаби бўйича абонент шахсий ҳисобварағидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг жорий ҳолати тўғрисидаги батафсил ахборотни тақдим этиш;

з) мобиль алоқа хизматлари кўрсатилиши тўхтаган ҳолларда, абонент томонидан операторнинг айби билан хизматлар кўрсатилмаган вақт учун операторга ариза келиб тушган вақтдан бошлаб, абонент тўловини қайта ҳисоблаб чиқиш;

и) абонентнинг ёзма аризаси бўйича, агар абонент учун бошқа мақбул

усул оператор томонидан белгиланмаган бўлса, SIM-карта ёки абонент қурилмаси (SIM-картадан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) йўқолганда, хизматларнинг кўрсатилишини зудлик билан тўхта-тиш;

к) абонентларнинг шикоятларини 30 кундан кўп бўлмаган муддатда кўриб чиқиш.

Операторга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган бўлиши мумкин.

31. Оператор абонентларга қуйидаги ахборотни тақдим этишга маж-бур:

а) мобиль алоқа тармоқларида абонент қурилмасидан фойдаланиш им-конияти тўғрисида;

б) кўрсатилаётган хизматларнинг рўйхати, шунингдек уларни кўрсатиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида;

в) хизмат кўрсатиш зонаси ўзгарганлиги тўғрисида;

г) янги тарифлар жорий қилинганга қадар камида 10 кун олдин хиз-матларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида, агар бу ўзгартиришлар абонент ҳолатини ёмонлаштиради;

д) абонентларга хизмат кўрсатиш пунктлари иш режими ўзгарганлиги тўғрисида;

е) ўз реквизитларининг ўзгарганлиги тўғрисида.

5-§. Абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

32. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) амалдаги тарифларга, хизматлар тавсифи ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга, шунингдек оператор томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматларга мувофиқ шартномада кўзда тутилган мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш;

б) оператордан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш учун шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

в) оператор ахборот-маълумот хизматининг хизматларидан фойдала-ниш;

г) барча амалга оширилган уланишларнинг санаси ва вақти, уларнинг давомийлиги ва абонент рақамларини кўрсатган ҳолда, оператор томонидан белгиланган тартиб ва шартларда барча хизмат турлари бўйича батафсил ҳисобни бепул олиш;

д) ушбу Қоидаларнинг талаблари ва шартнома шартларига риоя қилган ҳолда, шунингдек муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони ва бошқалар) амал қиладиган алоҳида қоидаларни ҳамда тўсқинлик қилиши ёки хавfli вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларда (тиббиёт муас-сасалари, ёқилғини сақлаш ва қайта юклаш ҳудуди, портлаш ишларини ўтқа-зиш жойларида ва бошқалар) чекланишларни ҳисобга олган ҳолда, истал-ган абонент қурилмасидан фойдаланиш;

е) фавқулудда тезкор хизматларни чақиришда, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда мобиль алоқа хизматларидан бепул фойдаланиш;

ж) унга розилигисиз тақдим этилган хизматлар учун тўловини тўлашни рад этиш;

з) оператор томонидан тақдим этилаётган хизматлар бўйича таклифлар ва эътирозлар билан операторга муурожаат этиш;

и) оператор айби билан кўрилган зарарларни қопланишини талаб қилиш;

к) оператор хизматларидан фойдаланишни тўхтатиш;

л) шартномада кўзда тутилган тартибда оператор билан тузилган шартномани бекор қилиш;

м) оператор шартномани бажармаса ёки хизматлар шартномада кўрсатилган муддатда кўрсатилмаслиги аниқ бўлса, шартномани бажаришдан бош тортиш ва зарарларни қоплашни талаб қилиш;

н) оператор томонидан, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ёмонлашишига олиб келадиган даражада шартнома шартларидан жиддий четга чиқишга йўл қўйилган ёки бошқа жиддий камчиликлар юзага келган ҳолларда, ўз хоҳшига кўра: камчиликларни бепул бартараф этиш, кўрсатилган хизматлар нархини мос равишда камайтириш, такроран хизматларни кўрсатиш, келтирилган зарарларни тўлиқ қоплаган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

Абонент қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

33. Абонент қуйидагиларга мажбур:

а) ушбу Қоидаларга риоя қилиш;

б) шартнома шартларини бажариш;

в) операторга SIM-карта ёки абонент қурилмаси (SIM-карталардан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) йўқолганлиги тўғрисида зудлик билан хабар бериш. Абонент томонидан ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолларда, у йўқотилган SIM-карта ёки абонент қурилмасидан (SIM-картадан фойдаланиш кўзда тутилмаган мобиль алоқа стандартлари учун) фойдаланган ҳолда олинган оператор томонидан кўрсатилган мобиль алоқа хизматларига тўлов бўйича, оператор абонентнинг уларнинг йўқолганлиги ва хизматлар кўрсатишни тўхтатиш истаги тўғрисидаги аризасини олган кунигача мажбуриятга эга, агар абонент учун қулай бўлган хабар қилишнинг бошқа усули оператор томонидан кўзда тутилмаган бўлса;

г) кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўлаш;

д) 30 кун давомида операторга маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи — жисмоний шахс учун, номи (фирма номи), жойлашган ери — юридик шахс учун) ўзгарганлиги тўғрисида хабар бериш.

Абонент қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

6-§. Абонентлар билан ҳисоб-китоблар ва мобиль алоқа хизматларининг тўлови

34. Абонентлар билан ҳисоб-китоблар ва мобиль алоқа хизматларининг тўлови мобиль алоқа хизматларига тарифлар асосида амалга оширилади.

35. Мобиль алоқа хизматларига тарифлар операторлар томонидан шартнома асосида мустақил белгиланади.

36. Мобиль алоқа тармоғи бўйича уланиш давомийлигининг тарификация бирлиги оператор томонидан белгиланади. Тарификация бирлиги бир минутдан кўп бўлмаслиги керак.

37. Уланишнинг давомийлигини ҳисобга олиш оператор томонидан қабул қилинган тарификация бирлигига мувофиқ олиб борилади.

38. Тўлов миқдорини аниқлаш учун фойдаланиладиган мобиль алоқа тармоғи бўйича уланиш давомийлиги чақирилувчи абонент ёки абонент жавоб берган деб тенглаштирилган жавоб сигнали бўлган ускуна жавоб берган секунддан бошлаб чақирувчи ёки чақирилувчи абонент ёки шу ускуна сўзлашуви тугаган вақтгача ҳисобланади.

Оператор томонидан белгиланган минимал ҳисобланган вақт бирликларида ҳисобланган уланишлар давомийлиги тўлиқ бирликкача яхлитланади.

Оператор ушбу Қоидаларга нисбатан абонент ҳолатини ёмонлаштирмайдиган мобиль алоқа хизматларининг тарификация қоидаларини мустақил белгилайди.

39. Мобиль алоқа хизматларига тарифлар мобил алоқанинг айрим хизматлари ёки мобиль алоқа хизматларининг тўпламига тарифлар (тариф режалари) кўринишида белгиланиши мумкин. Тариф режаси бир кеча-кундуз вақт, ҳафта кунлари, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунлари бўйича, шунингдек кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматларининг тўплами ва ҳажми бўйича дифференцияланган тарифлар белгиланиши мумкин.

40. Тариф режаларини шакллантиришда тарификациянинг қуйидаги турлари қўлланилиши мумкин:

а) абонентнинг аниқ (ҳисобот) даври учун тўлов миқдори ҳақиқий олинган мобиль алоқа хизматларининг ҳажмига боғлиқ бўлмаган доимий катталиқ ҳисобланадиган абонентлик;

б) абонентнинг тўлов миқдори ҳисобот даври давомида тақдим этилган абонентнинг ташаббуси билан амалга оширилган уланишлар давомийлигининг суммасига боғлиқ бўлган вақтбай;

в) тўлов миқдори амалда кўрсатилган мобиль алоқа хизматлари учун аниқланадиган ҳар бир кўрсатилган мобиль алоқа хизмати учун.

Тариф режаларини шакллантиришда тарификациянинг бир нечта турларини бирга қўшишга йўл қўйилади.

41. Мобиль алоқа хизмати учун тўлов тарификациянинг бирлик миқдори билан аниқланади.

42. Чақирилувчи шахснинг жавобига тенглаштирилган ва уланиш давомийлигининг ҳисоби бошланадиган жавоб сигнаliga эга абонент қурилмасига қуйидагилар киради:

а) ахборотни автоматик қабул қилиш режимида ишлайдиган модем ёки факсимиль аппарат;

б) автожавоб бергич билан жиҳозланган исталган абонент қурилмаси;

в) чақирилувчи шахс бўлмаган вақтда ахборот билан алмашиш имкониятини таъминлайдиган (ёки имитациялайдиган) бошқа абонент қурилмалари.

43. Оператор кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматлари учун ҳисоб-ки-тоб даврини мустақил белгилайди.

44. Ҳисоб-китоблар шакли ва тартиби технологик имкониятлардан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда оператор томонидан белгиланади.

Мобиль алоқа хизматларининг тўлови нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан, шунингдек ҳисоботларнинг аванс ёки кредит шакли бўйича амалга оширилиши мумкин.

45. Кўрсатилган мобиль алоқа хизматларини ҳисоблаш учун тегишли хизматларни кўрсатиш вақтида амалда бўлган тарифдан фойдаланилади.

46. Абонентлар билан барча ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартиб ва шартларда олиб борилади.

Кўрсатилаётган мобиль алоқа хизматлари учун ҳисоб-китоблар амалга оширилганда, хорижий валюта, шунингдек хорижий валютада тўлов ҳужжатларидан фойдаланишга қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда йўл қўйилади.

47. Абонент томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунида, ушбу Қоидалар ва шартномада белгиланган мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича талаблар бузилган ҳолатларда, бузилишлар бартараф этилгунга қадар оператор мобиль алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эга. Бунда, мобиль алоқа тармоғидан фойдалана олиш ва абонент томонидан фавқулодда тезкор хизматларни чақириш имконияти сақланади.

48. Оператор томонидан мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатилгандан кейин абонент шартнома ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатда аниқланган бузилишларни бартараф этиш ҳуқуқига эга. Аниқланган бузилишлар бартараф этилгандан кейин мобиль алоқа хизматларидан фойдаланиш тикланади.

49. Тақдим этилган мобиль алоқа хизматларини кредит билан тўлаш муддатини оператор мустақил белгилайди.

50. Мобиль алоқа хизматларининг тўлови учун мобиль алоқа хизматларининг тўлови тўғрисидаги маълумотларни операторга етказиш учун фойдаланиладиган, белгиланган усул билан кодланган ахборотга эга олдиндан тўлов картасидан (бундан кейин матнда — карта деб юритилади) фойдаланиш мумкин. Картада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

а) картани чиқарган операторнинг номи (фирма номи);

б) тўланганлигини карта тасдиқлайдиган тўлов миқдори;

в) картанинг амал қилиш муддати;

г) операторнинг маълумот (боғланиш) учун телефонлари;

- д) картадан фойдаланиш қоидалари;
- е) картанинг идентификация рақами.

51. Шартнома бекор қилинган ҳолларда, абонент аванс сифатида киритилган пул маблағларини қайтариш учун операторга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, оператор пул маблағларининг фойдаланилмаган қолдиғини қайтаришга мажбур.

7-§. Томонларнинг жавобгарлиги

52. Оператор ва абонент Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва улар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

53. Абонент ҳуқуқини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид келадиган шартнома шартлари ҳақиқий эмас деб топилади. Агар уларнинг қўлланилиши натижасида абонентга зарар етказилса, улар оператор томонидан қонун билан белгиланган тартибда қопланиши шарт.

54. Оператор тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қўйидаги ҳолатларда абонент олдида жавобгардир:

- а) мобиль алоқа тармоғидан фойдалана олишни таъминлаш муддатларининг бузилиши;
- б) шартномада белгиланган мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш муддатларининг бузилиши;
- в) шартномада кўрсатилган ва абонент томонидан талаб қилинган мобиль алоқа хизматларининг барча турларини кўрсатмаганлик;
- г) мобиль алоқа хизматларини сифатсиз кўрсатиш;
- д) мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этилмаганлиги, тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёки кечиктириб тақдим этилганлиги;
- е) шартномани бажариш натижасида операторга маълум бўлган абонент тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалишини чеклаш тўғрисидаги талабларнинг бузилиши.

Оператор қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам жавобгардир.

55. Хизматларни кўрсатиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари шартномада белгиланади. Кўрсатилаётган хизматларнинг камчиликлари абонент томонидан даъво берилган кундан бошлаб 20 кун давомида оператор томонидан бартараф этилиши керак (агар бунда қисқа муддат шартномада белгиланмаган бўлса).

56. Объектив сабабларга кўра оператор камчиликларни бартараф эт-маса, ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

57. Агар мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги енгиб бўлмайдиган куч натижаси бўлса ёки абонентнинг айби билан юз берган бўлса, оператор абонент олдида жавобгарликка эга эмас.

58. Низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

8-§. Яқуний қоида

59. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2008 йил 26 декабрь*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 31 январдан 6 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари олувчиларнинг ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қондаларни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат статистика қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 24 декабрдаги 119, 307-В, 6, ЭГ-01/14-8052, 01-02/5-61-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1892 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

2. «Ҳар йили ўтказиладиган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида тузилган шартномалар ва келишув баённомаларининг амалга ошириш мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Иқтисодийёт вазирлигининг 2008 йил 29 декабрдаги 6, 62-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1893 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

3. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1894 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

4. «Хусусийлаштириш инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/17, 1-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 703-2 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

5. «Инвестиция фондларининг соф активларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг 2009 йил 5 январдаги 01/23-18/18, 2-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 840-2 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Марказий банк Бошқарувининг 2009 йил 24 январдаги 2009-03, 290-В-1-сонли қарори.*

2009 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1692-1 (2009 йил 12 февралдан кучга киради).

7. «Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни бирга қўшиб олиб боришга доир чеклашлар ва бирга қўшиб олиб бориш тартиби, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг мажбурий нормативлар тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 январдаги 2009-02-сонли буйруғи.*

2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1895 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).

8. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 29 декабрдаги 17-сонли қарори.*

2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1896 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).

9. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини сотиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг 2008 йил 29 декабрдаги 18, 2008-46-сонли қарори.*

2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1079-2 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).

10. «Хўжалик юритувчи субъектлар-экспортёрлар томонидан амортизацияни ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 28 январдаги 10, 63, 2009-2-сонли қарори.*

2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1897 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).

11. «Ота-оналар томонидан болаларнинг мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46, 121-сонли қарори.*

2009 йил 5 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1898 (2009 йил 15 февралдан кучга киради).

12. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2009-41-сонли буйруғи.*

2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899 (2009 йил 16 февралдан кучга киради).

13. «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 4 январдаги 2-сонли буйруғи.*

2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1900 (2009 йил 16 февралдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисидаги низом, 1, 2, 3 ва 4-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 571, 1998 йил 19 декабрь), (рўйхат рақами 571-1, 2003 йил 27 март), (рўйхат рақами 571-2, 2003 йил 10 декабрь), (рўйхат рақами 571-3, 2004 йил 16 сентябрь), (рўйхат рақами 571-4, 2005 йил 13 июнь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 22-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акцияларини со-

тиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1079, 2001 йил 6 ноябрь), (рўйхат рақами 1079-1, 2003 йил 29 август)*

Адлия вазирининг 2009 йил 5 февралдаги 28-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжат аниқланди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1996 йил 20 сентябрдаги 660-сонли буйруғи.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг